

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

Шухрат МИРЗИЯТОВ

**«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ»
АСАРИДАГИ АРАБИЙ-ТУРКИЙ
СЎЗЛИКНИНГ ЛЕКСИК-
СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ – 2023

Шухрат Мирзиятов

«Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик таҳлили: Монография. – Т.: 2023. – 152 б.

Ушбу монография араб луғатшунослик мактабининг шаклланиши тамойилларини ўрганиш, «Муқаддамату-л-адаб» асарини луғатшунослик ҳамда тилшунослик манбаи сифатида тадқиқ этиш, асарнинг Хоразм нусхасидаги арабча-туркий сўзликнинг грамматик, семантик таҳлилини амалга ошириш ва унинг жаҳон луғатшунослигидаги ўрнини белгилашдан иборат.

Маъсул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. З. Исломов

Такризчилар:

ф.ф.д., проф. Ш. Шомусаров

ф.ф.д., проф. Х. Дадабоев

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашининг 2023 йил 28 октябрдаги 3-сонли
қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2023.

СЎЗ БОШИ

“Ота юртига қайтган мерос”га бағишланган тадқиқот.

Ўзбекистон ҳудуди туркий халқлар томонидан “ота юрт” сифатида таърифланади ва фахр билан тилга олинади. Мазкур иборанинг тарихий илдизлари ва илмий ҳақиқати бор. Дунёнинг маданий-маънавий меросга бой ўлкаларидан бири Ўзбекистон саналади. Бу юрт алломалари томонидан яратилган бебаҳо ёзма ёдгорликлар кириб бормаган кутубхона, марказлар бўлмаса керак.

Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси ҳам дунё фондларига кенг тарқалган ва ҳозирда турли мамлакатларда сақланмоқда. Замахшарий илмий меросида унинг машҳур “дунё хазинасига тенг” “Муқаддамату-л-адаб” асари алоҳида ўрин эгаллайди. Манбашунослик фанидан маълумки, асар беш қисмдан иборат бўлиб, дастлабки икки исмлар ва феъллар қисмлари луғат сифатида, кейинги уч қисми грамматик рисоалар сифатида машҳур бўлган. Асар луғат қисмларининг дунё фондларида ҳозирча аниқланган 80 дан ортиқ икки, уч, тўрт тиллик қўлёзмалари, грамматик қисмларининг мингга яқин қўлёзмалари мавжуд.

«Муқаддамату-л-адаб» нинг тарихи кўрсатилган энг қадимий қўлёзмаси унинг Хоразм нусхаси ҳисобланади. Туркиянинг Ёзгат шаҳрида Маориф кутубхонаси фондида 396 хужжат рақами остида сақланган мазкур қўлёзма ҳозирги Истамбулдаги Сулаймония кутубхонаси хазинасига кўчирилган. Ушбу манба шу кунга қадар тадқиқотларда “Ёзгат” қўлёзмаси номи билан зикр қилинган. Ундаги маълумотга кўра, бу қўлёзма 655 хижрий йил, учинчи жумаду-л-аввал шанба, яъни 1257 йил 27 май куни Хоразмда котиб Иброҳим бин Маҳмуд Суфи Муаззин томонидан кўчирилган. Шу сабабли туркий сўзлик киритилган мазкур қўлёзмани “Ёзгат” деб эмас, “Хоразм” нусхаси деб аташ илмий нуқтаи назардан тўғри бўлади.

Хоразм қўлёзмасининг дастлабки варақларига Қуръоннинг Нух ва Жин сураларидан парчалар ёзилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган. Асосий матн исмлар қисмининг وشاح – *виша:ҳун*, میان بند – *мийа:н банд*, قرین باغی – *қарин бағи* сўзи билан бошланган. Бу қисмда «Муқаддамату-л-адаб» қўлёзмаларининг исмлар қисмида қўлланилган шартли қисқартмалар

истифода этилган. Исмлар қисмининг матни тўлиқ, лекин махсус колофон кўринишида шакллантирилмаган. Феъллар қисми тўрт-бурчак нақшли унвон билан бошланган, унга *الأفعال كتاب* – *кита:б у-л-афъа:л* мазмунидаги ёзув киритилган. Асарнинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари тугал асардек бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугаган. Арабий матн йирик сулс-наسخ хатида, қора сиёҳда ҳаракатлар билан ёзилган. Боб, фасл сўзлари сарлавҳа тарзида кизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матнидаги сўзларда учраган *ظ ط ض* каби ҳарфлар остига нуқталар қўйилган. Туркий, форсий сўзлик матнида ҳам ҳаракатли ўринлар учрайди. Асар матни 347 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифага етти қатордан матн битилган.

Хоразм қўлёзмасидаги туркий жумлаларнинг сўз тартиби асарнинг бошқа қўлёзмаларидаги туркий сўзлик тартибидан фарқланади. Масалан, арабий *هنا الطعام* – *ҳана'аҳу-т-таъа:му* жумласи асарнинг «А», «В», «Г» нусхаларида *سینکدی انکا اش* – *сингди анга аш*, Хоразм нусхасида эса *طعام سینکدی انکا* – *таъа:м сингди анга* шаклида берилган. Яна бир мисол, арабий *نضحه* *اوردی ننا سو* – *надаҳаҳу би-л-ма:и* ибораси «А» нусхада *سبتي انکاسف* – *урди ани сув бирла*, «В», «Г» нусхаларида *سینکدی انکا سو* – *сэпти анга сувни* тарзида изоҳланган. Бу жумла тавсифланаётган Хоразм қўлёзмасида *اوردی سو* – *сув бирла урди* кўринишида келтирилган. Мазкур қўлёзма ўзининг қадимийлиги, туркий сўзликнинг нодирлиги жиҳатидан ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлиши зарур. Асар матни катта ҳажмли хотима-колофон билан тугаган.

Бу тадқиқот асарнинг ҳали тадқиқ этилмаган “Хоразм” нусхаси материаллари асосида тайёрланган. Асардаги туркий сўзлик биринчи маротаба илмий истифодага киритилган. Мазкур монография манбасининг янгилиги, материалларининг аслийлиги, фикр ва тавсияларининг илклиги билан ажралиб туради. Ушбу монография туркийшунослик, манбашунослик, шарқшунослик соҳалари ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Фил.ф.д., проф. З.М.Исломов

I БОБ. АРАБ ЛУҒАТШУНОСЛИГИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Араб луғатшунослигининг юзага келиши ва тараққиёти омиллари

Араб тилшунослигининг юзага келиши ва шаклланиши, хусусан, унга антик ва ўрта аср анъаналарининг таъсири борасида ҳозиргача турли, ҳаттоки, қарама-қарши фикрлар билдирилмоқда. Бунда VIII аср ўрталаридан бошлаб юнон ва Сурия тилидаги фалсафа, математика, астрономияга оид асарлар, шунингдек, форс тилидаги кўплаб китобларнинг араб тилига ўгирила бошланганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу сабабли Осиё, Африка ва Европа халқлари билимларининг ижобий таъсирисиз араб тилшунослиги VIII асрданоқ бу қадар такомиллашиши мумкин эмас эди¹. Айни чоғда бошқа лингвистик анъаналарнинг таъсири, араблар ўз анъаналарига риоя этмаган, деган хулосага олиб келмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Араб тилшунослиги айнан ўрта асрларда Ислом динининг бевосита таъсирида ҳамда унинг бошқа халқлар орасида тарқалиши натижасида шаклланган «янги анъана» сифатида эътироф этилади. Унинг янгилиги шундан иборатки, араб тилшунослиги араб тилининг структурасига тўла мувофиқ келувчи оригинал тил тизимини яратди, араб тилининг хусусиятига мос келувчи тушунчалар ва терминлар аппаратини муомалага киритди. Араблар томонидан ишлаб чиқилган илмий тадқиқот методлари бошқа тиллар, хусусан, форс, туркий тилларнинг ўрганилишида ҳам татбиқ этила бошланди.

В.А.Звегинцев араб тилшунослиги тарихини ўрганар экан, Ўрта Шарқ халқларининг тилшунослик билимлари тарихи билан эмас, балки шарқ тиллари бўйича мутахассис бўлмаганларни Ўрта Шарқ мамлакатлари тилшунослари диққат марказида бўлган масалалар ва тадқиқот олиб борилган йўналишлар билан таништириш эканлигини эътироф этиб ўтади. Олим географик нуқтаи назардан асосан Яқин Шарқ мамлакатларини, замон нуқтаи назаридан ўрта асрларни қамраб олишини таъкидлайди. Шу билан

¹ Рыбалкин В.С. Принципы построения арабских лексикографических трудов VIII-XVIII вв.: дис. ... кан. филол. наук. – Ленинград, 1984. 230 с.

бирга, В.А.Звегинцевнинг қайд этишича, мазкур китобда барча олимларнинг тилшунослик масалаларини ўрганишга бағишланган ишлари қамраб олинмаганлигини, балки назарий нуқтаи назаридан бирон-бир янгилик киритган, қизиқиш уйғотадаган қарашларни илгари сурган вакилларига эътибор қаратган¹.

В.А.Звегинцев араб тилшунослигига оид ўзидан аввалги ишларга тўхталиб, В.Гиргаснинг «Араблар грамматик тизими очерклари» китоби ҳақида шундай фикр билдиради: «излагает уже стабилизировавшуюся арабскую грамматику в толковании туземными школьными грамматиками, не уделяя внимание формированию и развитию лингвистических идей арабов и тем иначе сравнению «со взглядами современных лингвистов».² В.Гиргаснинг ўзи ҳам араблар грамматик тизимининг ривожланиш йўлини ўрганиш нияти бўлганлигини, бироқ Сибавайҳининг «Китоб»ини ўқиш натижасида фикридан қайтганлигини эътироф этади. Зеро, В.Гиргаснинг қайд этишича, бу китобда араб тили грамматик тизими қарор топган бўлганлиги сабабли, араб тили грамматик тизими баёни билан чекланган³.

Шунингдек, олим араб тили грамматикасининг пайдо бўлишига оид ривоятларга ҳам эътибор қаратади. У араб тили грамматикасининг юзага келишига доир уч хил нуқтаи назарга тўхталади.

Биринчи қарашга кўра, араб тилшунослиги автохтон⁴ шаклда юзага келган. Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган олимлар сирасига Э.Кремер, Э.Ренан, И.Вейссни киритиш мумкин⁵.

Иккинчи қарашга кўра, араблар ўз грамматикасини яратар экан, юнон фалсафасига оид манбаларга таянишган. Бу фикрнинг тарафдорлари жуда кўп бўлган. Йириқ шарқшунос К.Брокельман Халил ибн Аҳмаднинг грамматикага оид фикрларини «чўллик

¹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. – М.: МГУ, 1958. С. 4.

² Ўша манба. – С.7.

³ Гиргас В. Очерк грамматической системы арабов. 1987. С. 11.

⁴ Автохтон - маҳаллий

⁵ Kremer A.V. Culturgeschichte des Orients unter Chalifen. S. 409; Ренан Э. Участие семитских народов в истории цивилизации. Собр. соч., Т.1. С. 111; I.Weiss. Die arabische National Grammatik und Lateiner. ZDMG. Bd. 64. S. 349.

араблардан» олганлигига ишониб бўлмаслигини эътироф этади¹. В.А. Звегинцев бу ёндашувга А.Мец, И.Лихтенштедтер, Климент Хьюар, Итало Пицци, де Бур каби кўплаб олимлар қўшилганини таъкидлайди².

Учинчи қараш аввалги ёндашувларга қараганда асослироқ кўринади. Бу мулоҳазани биринчи марта К.Фоллерс 1892 йилда шарқшуносларнинг 9-халқаро конгрессида илгари сурган бўлиб, К.Брокельман ҳам кейинчалик ушбу нуқтаи назарга қўшилган. Мазкур қарашнинг моҳиятини К.Брокельман қуйидагича изоҳлайди: араблар грамматикаси тизими ҳинд тили грамматикасига шу қадар ўхшайдики, уларнинг бир-бирига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикр пайдо бўлади. Агарда XI асрда арабларга форслар орқали нафақат ҳинд ҳикоялари, балки ҳинд математикаси ва тиббиётига оид асарлар кириб келганлигини ҳисобга олсак, ҳинд тилшунослигига оид асарларнинг ҳам ўзлашганлигини инкор этиб бўлмайди³.

Ушбу қарашларнинг ҳар бири маълум даражада ҳақиқатга яқин. Араблар миллий грамматикасини қандай ишлаб чиқилганлиги, уларнинг кузатувларининг аниқлиги, алоҳида тушунчаларни шарҳлаш қобилияти, она тилининг лексик бойлигини ҳис этишлари ҳайратга солади. Шу билан бирга, араб тили грамматикасининг шаклланишига юнон илми ҳам таъсир кўрсатган, чунончи, араб грамматиклари сўз туркумларига ажратишдаги мулоҳазаларида Аристотель мантиғининг нутқ категориялари таъсири кўриниб туради. Айрим арабча терминлар юнонча терминларнинг тўғридан-тўғри таржимаси экани яққол кўриниб туради. Синтаксис бўйича илгари сурилган ёндашувлар юнон муаллифларининг бу масаладаги фикрларининг қайтариғи эканлиги ҳам кузатилади.

Айни чоғда, ҳинд ва араб грамматикалари ўртасидаги кўплаб муштаракликлар эътиборни жалб этади. Халил иб Аҳмад томонидан товушларни физиологик тамойилга кўра 8 гуруҳга таснифлаш ва Панини грамматикасидаги шунга ўхшаш товушлар таснифи шулар жумласидандир.

¹ С. Brokelmann. Geschichte der arabischen Literatur. S. 97.

² Бу ҳақда қаранг: Звегинцев В.А. История арабского языкознания. С. 17-18.

³ С. Brokelmann. Geschichte der arabischen Literatur. S. 118.

В.А.Звегинцев уччала қарашни таҳлил этар экан, уларнинг ҳеч бирини асосий, деб ҳисоблаб бўлмайди, деган фикрни илгари суради. Мазкур қарашнинг асосий камчиликларидан бири шундаги ғоя муаллифлари араб тили грамматикасининг шаклланишини бошқа бир тил грамматикасига боғлашга уринишлигида кузатилади. Иккинчидан, ушбу ёндашувларни тасдиқлашга қаратилган усуллар ҳам етарлича асосли эмас. Араб тили грамматикасига чет тили унсурларининг таъсирини тор доирада, яъни фақат тилшунослик соҳасида эмас, балки кенгроқ доирада – бошқа фанларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, қадимги ва ўрта асрлар халқлари маданияти, ушбу халқларнинг тарихий тақдири жараёнини кузатган ҳолда ўрганиш зарур. Олимнинг таъкидлашича, баён этилган барча далиллар араб тилшунослигини сунъий равишда алоҳида ажратиб олиш, араб грамматикасининг яратилишини фақат араб олимларига боғлаш ёки маълум бир мамлакат тили грамматикасига боғлаш «ғалати» бўларди. Уни тил ҳақидаги фаннинг умумий тарихидаги бир бўғин сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Араб тилшунослиги бошқа халқларнинг мазкур соҳадаги ютуқларини ҳам қамраб олган бўлиб, уларни араб тили грамматикасига татбиқ этишга ҳаракат қилган, бу жараён натижасида янги тушунчалар ва янги далиллар илмий муомалага киритилган. Пировард натижада мазкур саъий ҳаракатлар араб тилшунослигининг ривожига таъсир кўрсатган.

Араб тили грамматикасининг турли бўлимлари турли хорижий тилларнинг таъсирини намоён этади. Бунинг сабаби шундаки, араб тилининг спецификаси ҳар қандай бошқа тил учун хос бўлган хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин. Ҳиндистон ва Юнонистон тил мактабларининг маълум бир соҳаларга ихтисослашганлиги билан белгиланади. Ушбу шарт-шароитлар араблар тилшуносларининг оригинал миллий грамматикаларини яратишларига олиб келган.

Мазкур қарашларни баён этар экан, В.Звегинцев араб тилшунослигининг етакчи аспекти лексикология бўлганлигини эътироф этади. Айни чоғда, араб луғатшунослигида амалга оширилган ишларни таҳлил этади.

Басра мактабининг юзага келишигача бўлган даврга қадар

яшаб фаолият кўрсатган, бироқ ишлари бизнинг давргача сақланмаган бўлсада, кейинги тадқиқотларга таъсир кўрсатган олимлар сирасида Исо Сағафий, Абу Амр ибн Ала, Юнус ибн Ҳабибни тилга олиш мумкин¹. Бу олимларнинг барчаси асосан араб қўлёзмаларидаги сўзларни тўплаш ва изоҳлаш билан шуғулланишган, араб тили грамматикасининг назарий масалалари бўйича ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган. Исо Сағафий (766 й.да вафот этган) тилшуносликка оид 70 дан ортиқ китоб ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳаттоки, Сибавайҳининг китоби ҳам аслида унга устозлик қилган Исо Сағафий томонидан тузилган, деган қараш ҳам мавжуд².

М.Носированинг қайд этишича, араб луғатшунослиги араб тилшунослиги билан бирга пайдо бўлган. Араб луғатшуносларини «*نحوى*», деб аталувчи тилшуносларга қарши қўйиб, уларни «*لغوى*» деб атайдилар. Улар луғатларда араб адабий тил лексикасини қайд этганлар³.

В.Г.Ахвледиани, М.Носирова каби олимлар араб тили луғатларининг мазмунига кўра олти гуруҳга бўлинишини эътироф этишади⁴: 1) тўлиқ изоҳли луғатлар; 2) мавзуий луғатлар; 3) синонимлар луғати; 4) нодир сўзлар луғати; 5) ўзлашмалар луғати; 6) таржима луғатлари. Олимлар тузилишига кўра луғатларни қуйидаги гуруҳларга бўладилар: 1) фонетик тамойилга асосланган луғатлар, яъни (фарингалдан тортиб лабиал ундошларгача) ундошларнинг ҳосил бўлиш ўрни кетма-кетлиги ҳамда ундошларнинг сўз ўзагидаги миқдорига кўра тартиб берилган луғатлар; 2) сўз ўзагидаги охириги ундошга асосланиб, алифбо тартибида тузилган луғатлар; 3) сўз ўзагидаги биринчи ундошга кўра алифбо асосида тартиб берилган луғатлар.

В.Звегинцев араб тилшунослигининг Басра мактабига қадар машҳур бўлган уч олим - Исо Сағафий, Абу Амр ибн Ала, Юнус

¹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. С. 43.

² Ўша манба. – С. 45.

³ Носирова М. Тилшунослик билимлари тарихи. – Т., 2011. Б. 35.

⁴ Ахвледиани В.Г. Арабская языкознание средних веков / История лингвистических учений. Средневековой Восток. – М.: Наука, 1981. С. 91; Носирова М. Тилшунослик билимлари тарихи. – Т., 2011. Б. 37.

ибн Ҳабибларнинг ишлари Халил ибн Аҳмад Фараҳидийнинг луғатида жамланганлигини эътироф этади¹. В.Звегинцев, В.Г.Ахвледианиларнинг қайд этишича, араб тилининг биринчи луғати Халил ибн Аҳмад Фараҳидий (786-791 йилда вафот этган) томонидан тузилган². Бу луғатда сўзлар фонетик тамойил асосида жойлаштирилган, яъни муаллиф энг орқа ундош «айн» деб ҳисоблаганлиги сабабли луғат шу товушли сўзлар билан бошланган. Бундан ташқари, аввал икки ундошли, кейин уч ундошли ва ундан сўнг кўп ундошли сўзлар кетма-кетликда берилган. Шунингдек, М.Носированинг эътирофича, «луғатнинг алоҳида эътиборли томони шундаки, Халил ибн Аҳмад унда ўзакларни гуруҳлашда анограмма усулини қўллаган. Ўзаклардан бирини асос сифатида қабул қилиб, масалан, «ضرب - *дароба*» – «урмоқ» феълини олсак, Фараҳидий ундан ҳосил бўлувчи барча модификацияларни – масалан: «رضب - *радаба*» ёки «بضر - *бадара*» ва ҳоказо чиқариб, уларни бирга жойлаштирган. Шунини айтиш лозимки, Халил ибн Аҳмад ўзак ҳосил қилишнинг назарий имкониятлари билан реал мавжуд бўлган ўзак бирликларини қатъий фарқлаган. У луғатга тилда ишлатиладиган ўзакларни киритган. Бу биринчи араб луғатидан сақланиб қолган кичик бир қисмни испаниялик лексиколог Абу Бакр Зубайдий ўз асарида келтирган»³.

Шуни таъкидлаш жоизки, араб луғатшуносларининг асосий фаолият йўналиши араб адабий тилининг бутун сўз бойлигини алифбо тартибида жамлаган изоҳли луғат тузиш бўлган. Бундай луғатларнинг биринчиси сифатида Халил Ибн Аҳмад тузган «Китабу-л-айн»ни тилга олиш мумкин. У араб тилидаги кам учрайдиган ва қийин сўзларни шарҳлашни мақсад қилган ўз замондошларидан фарқли ўлароқ, араб тили лексикасини тўла қамраб олишга ҳаракат қилган. Бу луғат бизгача тўлиқ етиб келмаган, унинг фақат 144 саҳифаси босма шаклда сақланган. Луғатнинг кириш қисмида араб тилшунослиги назарияси ва грамматикасига

¹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. С. 45

² Ўша манба. – С. 45; Г.Ахвледиани. Арабское языкознание средних веков / История лингвистических учений. Средневековой Восток. С. 62.

³ Ўша манба. – С. 46; Носирова М. Тилшунослик билимлари тарихи. – Т.: ТДШИ, 2011. Б. 41.

асос бўлган қарашлари акс этган. Олимнинг тил табиатини чуқурроқ тушунишга қаратилган назарий қарашлари араб луғатшунослигининг, хусусан, араб лексикологиясининг кейинги ривожланиши учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилди. Халил ибн Аҳмад ўзақлар ва уларнинг турлари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққан ҳамда арабча изоҳли луғатларда сўзларга тартиб беришнинг ўзақли тамойилини қўллаган биринчи олим ҳисобланади. Аммо олим ишлаб чиққан алифбо умумий қабул қилинган алифбодан фарқланади. Сўзлар товушларнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра жойлаштирилган, яъни аввал орқа қатор товушлари билан бошланган сўзлар берилган, энг сўнггида лаб товушлари билан бошланувчи сўзлар келтирилган. Айрим олимларнинг фикрига кўра, Халил ибн Аҳмад ушбу системани санскрит тилидан олган¹. Муаллиф томонидан қўлланган ҳарфларнинг транспозицияси тизими (тақлибу-л-ҳуруф яъни, бир ўзақ ҳарфларининг жой алмашиши) барча кўринишларининг бир жойда берилиши мазкур луғатдан фойдаланишни қийинлаштиради. Бундай ҳарфлар жой алмашишига боғлиқ сўзлар жамланмасини муаллиф «фасл», деб атайти. Шу тариқа, айн ҳарфи китобида жойлашишидан қатъий назар, ушбу ундош қатнашган барча сўзлар келтирилади ёки «ҳа» ундоши китобида ушбу ундош учрайдиган барча сўзлар (албатта айн ҳарфи иштирок этган сўзлардан ташқари) берилади ва ҳоказо. Сўзларни бундай тартибда жойлаштириш китобларнинг биринчи жилдларининг тўлиқ ва катта ҳажмда, охириги жилдларининг кичик ҳажмда бўлишига сабаб бўлади.

В.Звегинцев ва В.М.Белкинларнинг таъкидлашича, айрим араб манбалари Халил ибн Аҳмаднинг мазкур луғат тузувчиси эканлигига шубҳа билан қарашади, уларнинг фикрига қараганда луғатнинг ҳақиқий муаллифи олимнинг шогирди Лайс бўлиб, Халил ибн Аҳмад фақатгина ғоя муаллифи бўлган. Бошқаларнинг эътироф этишича, Халил ибн Аҳмад фақатгина луғатнинг асосини тузган, кейинчалик кўплаб қўшимчалар, ўзгартиришлар киритилган. Луғат бир неча бор қайта ишланган, камчиликлар тузатилган, сўзларни жойлаштириш тартиби ўзгартирилган,

¹ Anis, Ibrahim. Dalala al-alfaz. Al-Qahira, 1958.

иктибослар тушириб қолдирилган, асарнинг асл нусхасида бўлмаган айрим сўзлар киритилган¹.

Халил ибн Аҳмад танлаган усул 300 йил қўлланилиб келинган. Шарқда ҳам, Испанияда ҳам унинг давомчилари бўлиб, улар ўзакларнинг жойлашишига маълум бир ўзгартириш киритдилар, луғатларни ҳосила сўзлар билан тўлдирдилар, сўзларнинг маъноларини аниқлаштирдилар. Луғатдаги ундошларнинг кетма-кетлигида бўлган жузъий ўзгартиришлар эса фонетика соҳасидаги ютуқларга асосланган эди².

В.М.Белкин Халил ибн Аҳмад асос солган луғатга тартиб бериш тизими деярли икки юз йил ўзгаришсиз амал қилинганлигини қайд этади. Халил ибн Аҳмад услубида тузилган энг охирги луғат Ибн Сиднинг «Муҳкам фи луғати-ш-шараб» бўлиб, унда мавжуд луғатлар ва рисоалардан максимал даражада сўзлар қамраб олинган, уларнинг маъноси аниқ тавсифланган ҳамда араб шеърятидан олинган лавҳалар берилган, шунингдек, бошқа луғатларда сўз маъносини изоҳлашда йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилган. Ушбу луғат ҳажми ҳар бир ўзакдан ясалувчи сўзларни тўлиқ келтирилганлиги сабабли кенгайиб кетган. Луғат материалнинг берилиш тартибига кўра пухта ва аниқ тузилган. Феълларнинг ўтган замон шаклидан кейин ҳозирги-келаси замон шакли, масдар, сифатдош шакллари, сўзларнинг содда шакллари дан кейин мураккаб шакллари берилган. Бир сўзнинг барча маънолари бир ўринда изоҳланади, сўзларнинг маънолари қисқа ва аниқ шарҳланган, турли манбалардан иктибос келтиришда учрайдиган қайтариқлар йўқ. Мазкур китобга тартиб беришда Халил Ибн Аҳмаднинг «Китабул-айн» ва Ибн Дурайднинг «Жамҳара» китоби асосий манба бўлган. Умуман олганда, Халил ибн Аҳмад услубида тузилган луғатлар қўллаш учун қийинчилик туғдирганлиги сабабли амалда кенг қўлланилмади. Кўп сўзларнинг жойлаштирилишида, айниқса, икки ҳарфли ва нотўғри феълларни луғатга киритишдаги англашилмовчилик ҳам бу ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлди.

¹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. – С. 46; Белкин В.М. Арабская лексикология. С.171.

² Носирова М. Тилшунослик билимлари тарихи. – Т. 2011. Б. 43.

Тилшунос И.Қўчқортоев классик араб филологиясининг пайдо бўлиши аниқ маълум эмаслигини, чунки дастлабки араб филологларининг асарлари бизгача етиб келмаганлигини қайд этар экан, мавжуд маълумотлардан бу фаннинг VII асрда пайдо бўлганини ёзади. Шу билан бирга, олимнинг ёзишича, араб тилшунослари VIII-XIV асрларда юксак натижаларни қўлга киритишган. Исо Сағофий (VIII аср), Басрий Сибавайхӣй (VIII аср), Мубаррад (IX аср), Динаварий (IX аср), Замахшарий (XII аср), Абу Ҳайён (XIII-XIV асрлар) каби олимлар араб тили фонетикаси ва грамматикаси ҳақида мукамал ва изчил таълимот яратишган¹.

И.Қўчқортоев, хусусан, араб луғатшунослиги тараққиёти ва такомил борасида қуйидаги ҳолатларга тўхталиб ўтади. Араб лексикографлари луғатнинг хилма-хил турларини ижод этдилар. Асмаий (IX аср) тематик луғат, Абу Убайда (IX аср) мақол ва маталлар луғати, Муҳаммад Анбарий (X аср) қарама-қарши маъноли сўзлар луғати, Абдулла ибн Қутайба (IX аср) 12 томли энциклопедик луғат яратди. XIV асрда яшаган машҳур филолог олим Ферузободий 60 томли (баъзи манбаларга қараганда 100 томли) энциклопедик луғат тузгани ҳақида маълумотлар бор. Араб лексикографиясининг имоми номига сазовор бўлган Исмоил Жавҳарий (X аср) луғатчиликда алифбо принципига асос солди. Унинг 40 минг сўзлик луғатида сўзлар ўзак охиридаги товушга (харфга) қараб жойлаштирилган².

Олим ҳақли таъкидлаганидек, классик араб филологияси деган ифодадан бу фанни фақат арабларнинг ўзлари яратган экан, деган маъно келиб чиқмайди. Араб филологияси анъанасининг шаклланиши ва тараққий этишида, араблар билан бир қаторда, бошқа халқларнинг вакиллари жумладан, машҳур Сибавайхӣй, Замахшарий, Исмоил Жавҳарийларнинг ҳам иштирок эканлигининг ўзиёқ араб фани, хусусан, араб филологияси тараққиётида бошқа халқ вакиллариининг аҳамиятини очиқ-ойдин кўрсатади.

Араб луғатшунослиги ҳали Европада тилшуносликнинг бундай соҳаси номаълум бўлган пайтда пайдо бўлган. Шарқда араб

¹ И. Қўчқортоев, Б. Исабеков. Туркий филологияга кириш. Т.: Ўқитувчи, 1984. Б. 74.

² Ўша манба – Б. 79.

адабий тилининг расмий ва асосий тилга айланиши, бошқа халқлар ўз илмий фаолиятида араб тилидан фойдаланилиши, ёзма адабий тил меъёрларини маълум бир нормада тутиб туриш зарурияти, араб тили шеваларининг ҳам кенг тарқалиши, араб адабий тили ва оғзаки сўзлашув тилининг фарқловчи белгиларнинг кўпайиши араб лексикографиясининг эрта шаклланиши ва кўп асрлар давомида тараққий этишига замин яратди. Араб лексикографияси тараққий этар экан, луғатларнинг турли типларига тартиб берилди. Шуниси эътиборлики, ушбу луғатларда бирламчи тарзда ишлаб чиқилган назарий ва амалий тамойиллар худди араб тили грамматикасидаги каби деярли ўзгаришсиз қолди.

Араб тилидаги бир тилли лингвистик луғатларнинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Таснифий луғатлар – бундай луғатларда сўзлар мавзусига кўра ёки асосий тушунчасига кўра тизимга солинган ёхуд сўзларнинг маълум бир лексик ёки семантик белгисига кўра тартибланган.

2. Изоҳли луғатлар – барча сўзлар алифбо тартибида жойлаштирилган.

Араб луғатшунослигининг юзага келиши турли сабабларга кўра архаик, кундалик қўллаш учун ноодатий бўлган лексикага эга Қуръон тилини ўрганишдан бошланган. Бундай лексиканинг тўпланиши II ҳижрий асрнинг биринчи ярмидан бошланган, III ҳижрий асрда бундай китобларнинг кўплаб яратилганлиги ҳақида маълумот бор. Бироқ, бундай луғатлар бизгача сақланмаган бўлиб, фақат айримларининг номлари мавжуд. «Луғату-л-Қуръон» китоби шу каби луғатлардан бири ҳисобланади.

Кейинчалик ҳадисларда учрайдиган истеъмолдан чиққан сўзлар маъноларини изоҳловчи луғатлар пайдо бўлди. Улардан энг машҳурлари қаторида Замахшарийнинг «Фоиқ фи-ғариби-л-ҳадис» ва Ибн Асирнинг «Ниҳая фи-ғариби-л-ҳадис» асарларини тилга олиш мумкин.

Кейинги ишларнинг муаллифлари ўзидан аввалги яратилган луғатларга таянишган. Бу йўналишдаги ишлар ислом динига, айниқса, мусулмон ҳуқуқшунослиги – фикҳга оид махсус луғатларнинг тузилишига олиб келган. Бундай луғатлар Қуръон ва ҳадисларга асосланиб яратилган. Жумладан, Файюмийнинг

«Мисбаҳу-л-мунир фи ғариби-ш-шарҳи-л-кабир» луғати 27 та китобдан иборат бўлиб, асосан фикҳий атамалар алифбо тартибига кўра биринчи ўзаги бўйича жойлаштирилган.

Кейинги босқичда араб тили бўйича бошқа турдаги луғатлар яратилди. Хусусан, араб тилидаги истеъмолдан чиққан лексика ва нодир сўзларнинг изоҳли луғатлари тузилди. Бундай луғатлар қаторида Абу Убайд (770-838) муаллифлигидаги «Ғарибу-л-мусаннаф» луғатини биринчи ўринга қўйиш мумкин. Абу Убайд эски араб шеърляти ва бир қатор бошқа ёзма ёдгорликлар асосида 25 та китобдан иборат мавзуга оид луғат тузган. Луғат қуйидаги кетма-кетликдаги китоблардан иборат: инсоннинг тана тузилиши ҳақида, аёллар, кийим-кечак, озиқ-овқат, касалликлар, уй-жой, отлар, қуроллар, қушлар, ҳашаротлар, идиш-тавоқ ва қозонлар, тоғлар, дарахтлар ва ўсимликлар, сув ва сув оқимлари, пальмалар, булутлар ва ёмғирлар, от ясовчи моделлар, феъл ясовчи моделлар, зид маъноли сўзлар, бир нарсанинг турли номлари, туялар ва уларнинг хусусиятлари, ўзакларга кўра сўз турлари. Ҳар бир китоб нисбатан тор ёки умумий белгиларига кўра 900 бобга бўлинган. Луғатга кўплаб шоирларнинг шеърларидан парчалар киритилган, шунингдек, муаллифи кўрсатилмаган шеър парчалари ҳам берилган¹. Ушбу китоб араб лексикографиясининг кейинги тараққиёти учун катта ҳисса қўшган.

Араб луғатшунослигида кичик ҳажмдаги мавзуий луғатларни тузиш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинди. Бундай луғатлар маълум бир тушунча доирасига тааллуқли сўз ва ибораларнинг йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, ўзак сўз маъносига яқин маъноли сўзларни бутун маъно нозикликлари билан намоён этган. Турли манбаларда қайд этилишича, бу борада ал Асмаийнинг шогирди Абу Убайд энг сермахсул луғатшунос бўлган², 100дан ортиқ мавзуий луғатлар яратган. Шунингдек, Абу Зайд Ансорий 40тадан ортиқ луғат тузган. Луғатшунос Асмаийнинг (740-828й.й.) 12 та луғати ҳам бизгача етиб келган. В.М.Белкиннинг таъкидлашича, XX асрнинг бошларида А.Хаффтер томони-

¹ Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 200.

² Звегинцев В.А. История арабского языкознания. С. 50.

дан бу китобларнинг барчаси чоп этилган. Асмай лугатларидан айримларининг номлари «Инсон тана тузилиши ҳақида китоб», «Ҳайвонлар китоби», «Туялар китоби», «Қўйлар китоби», «Ўсимликлар ва дарахтлар китоби», «Пальмалар ва ток новдалари китоби», «Ёмғир китоби». Асмайнинг ушбу лугатлар орасидаги энг мукаммали, деб эътироф этилган «Одамлар китоби»ни («Китабу-л-халқ») қуйидаги мавзудаги гуруҳларга ажратган: ҳомиладорлик, боланинг туғилиши, одамнинг камолга етиши (бу бўлим ёшга қараб тартибланган). Кейин инсон танасининг умумий тавсифи берилади, ҳар бир тана аъзосининг вазифалари кўрсатиб ўтилади, сўнгра тана тузилишининг турлари ва феъл-атворлари ҳақида маълумот келтирилади. Китобда жуда кўплаб шеърлардан намуналар берилади.¹

Бундай кичик ҳажмли лугатлар араб тили лексикасининг лугат бойлигини турли тушунчалар асосидаги таснифини қамраб олган йирик лугатларнинг тузилишига сабаб бўлган. Мазкур типдаги лугатларда қайси мантиқий кетма-кетликка амал қилинганлигини, материалнинг жойлашиш тизимини тушуниш қийин. Масалан, Ибн Сиккитнинг «Китаб тажзибу-л-алфаз» лугатида қуйидаги мавзуй гуруҳлар берилган: бойлик ва мўл-кўллик, камбағаллик ва зикналик, жасурлик ва кўрқоқлик, шароб, аёллар, қуёш, ой, вақт, сув, уйку, очлик, озиқ-овқат, қурол, тақинчоқлар, кийим-кечак ҳамда «ҳамза» тушириб қолдириладиган сўзлар².

Араб лугатшунослигидаги энг машҳур ва тизимлаштирилган лугатлардан, деб тан олинган Ибн Сиднинг (1066 й.да вафот этган) «Мухассас» етти жилдлик лугатида аввал нисбатан умумий ва аҳамиятли, кейин хусусий, иккиламчи даражали ҳодисаларни билдирувчи сўзлар изоҳланган. Лугат инсон ва инсонга тааллуқли барча нарсалар - кийим-кечак, озиқ-овқат, уйку, қурол-аслаҳага оид сўзларга бағишланган бобдан бошланади, иккинчи ўринда муаллиф ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига оид мавзуларга тўхталади. Кейинги навбатда одамнинг ижтимоий фаолияти билан

¹ Abdel Tawab R. Das kitab al-Garib al-Musannaf von Abu-Ubaid und seine Bedeutung für die national-arabische Lexikographie. München, 1962.

² Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 157.

боғлиқ лексика (иш, саёҳат, ўйинлар) берилган. Китобнинг хулоса қисмида айрим грамматик масалалар ва лексик ҳодисалар изоҳланади. Луғат мазмунан ва шаклан компилятив характерга эга, яъни муаллиф мазкур луғатни тузишда турли манбалардан фойдаланган. Бош манба сифатида Абу Убайднинг «Ғарибу-л-мусаннаф» луғати хизмат қилган.

Араб тилидаги кичик ва йирик ҳажмдаги мавзуй луғатлар асосан араб тилида ёзувчи ижодкорлар, айниқса, шоирларга мўлжалланган бўлиб, уларга у ёки бу ҳодисани тавсифлаш учун зарур бўлган лексик воситаларни уларнинг ранг-баранг маъно жиҳатлари билан ифодалаб етказиб беришни мақсад қилган. Луғат тузувчилар сўз танлаш ва уларни изоҳлаш, тартиб беришдан ташқари грамматик ва лексик-семантик ҳодисаларни ҳам шарҳлашган. Ҳаттоки, айрим луғатларга муаллифнинг араб тили грамматикасига оид шахсий қарашлари ўз ифодасини топган алоҳида бўлимлар ҳам киритилган¹.

В.М.Белкиннинг эътирофича², Замахшарийнинг «Асасу-л-балаға» луғати анъанавий араб лексикографиясининг умумий тарққиёт йўлидан бироз фарқ қилади. Мазкур луғат мазмунан фразеологик луғатга яқин туради. Муаллиф сўзга изоҳ берар экан, уни маълум бир конструкция таркибида кўриб чиқади, яъни сўзларнинг назмий ва насрий нутқда контекстуал қўлланилишига эътибор қаратади ҳамда асосан фразеологик бирликларни таҳлил этади. Натижада луғатда бир ўзакдан келиб чиққан барча сўзлар камраб олинмайди, шунингдек, кам қўлланиладиган ўзаклар ҳам киритилмайди. Замахшарийнинг мазкур луғатида сўзлар ибора таркибидаги биринчи сўз асосида эмас, балки асосий маънони билдирувчи сўзга қараб жойлаштирилган. Луғат бош сўзнинг биринчи ўзаги асосида бобларга бўлинган бўлиб, қадимги араб шеърят иборалари, «Қуръон», ҳадислар, мақол ва маталлар манба сифатида қўлланилган. Кейинги даврларда яшаган луғатшунос олимлар Замахшарий сўзнинг бош маъноси ва кўчма маъноси ўртасидаги чегарани аниқ белгиламаганликда, сўзлар

¹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. С. 56.

² Бу ҳақда қаранг: Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 169.

маъносини ҳар доим ҳам тўғри изоҳламаганликда, кўплаб сўзлар ва ибораларнинг қўлланилишини ҳисобга олмаганликда айблашган¹.

М.Носированинг эътирофича, X асрнинг охирида араб луғатшунослигида «қофия усули» (метод рифм), деб номланган янги йўналиш пайдо бўлган. Айнан шу услуб араб луғатшунослигининг иккинчи мактаби сифатида тилга олинади. Бу йўналишда ижод қилган луғатшунослар шеъриятнинг талабларидан келиб чиқиб, сўзнинг охирги ўзак ундошини назарда тутган ҳолда сўзларни алифбо тартибида жойлаштирганлар.

Араб лексикографиясидаги луғатларда сўзларни жойлаштиришнинг ушбу иккинчи услуби Ибн Дурайд (837–934) томонидан «Жамҳара» луғатига татбиқ этилган. Ибн Дурайд умумистеъмолдаги сўзларни тўплаш ва тақдим этишни мақсад этган, шу боис, кам қўлланиладиган сўзларни луғат охирига алоҳида бўлимга жойлаштирилган. «Жамҳара»нинг «Китабу-л- айн»дан ягона фарқи, унда умум томонидан қабул қилинган алифбо тартибига амал қилинган, қолган вазиятларда сўзларни луғатга жойлаштириш ҳамда шарҳлаш худди Халил ибн Аҳмаднинг луғати кабидир. Аввал икки ҳарфли, кейин уч ҳарфли, сўнгра тўрт ҳарфли ва шу тартибдаги сўзлар берилган. Ибн Дурайд Халил ибн Аҳмад каби бир уяга оид сўзларни транспозиция тамойили асосида киритади. Луғат мақолаларида таркибида келтирилган сўзларнинг ўринлашуви чалкаш ва тизимли эмас.

Араб тили луғатларининг учинчи гуруҳи энг машҳур луғатларни ўз ичига олади. Бундай луғатларда лексик материални жойлаштиришнинг ягона услубига амал қилинган. Унга кўра, умум томонидан қабул қилинган алифбога мувофиқ луғатлар сўзнинг ўзаги охирги ҳарфига қараб бобларга ажратилган. Боблар ўзакнинг биринчи ундоши асосида бўлимларга бўлинган. Луғатларнинг бўлимларида сўзлар ўзакларининг ўрта ундош ҳарфига қараб ўрин олган. Луғат сўнгидаги алоҳида бобда «вов» ва «йа» заиф ўзак ҳарфли сўзлар шарҳланган. Бу типдаги луғатларда сўз ўзагидаги ҳарфлар сони эътиборга олинмаган, шунингдек, феълларнинг тўғри ҳамда нотўғри шакллари ҳам луғатга тартиб

¹ Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 169.

беришда мезон сифатида қўлланилмаган. Аввалги услубдаги луғатдан воз кечиш луғатни ишлатишни осонлаштирди. Уч ҳарфли ўзакни топишнинг схемаси $\check{U}^3\check{U}^1\check{U}^2$, тўрт ҳарфли ўзакни топиш схемаси $\check{U}^4\check{U}^1\check{U}^2\check{U}^3$ бўлди. Ўзакнинг охириги ҳарфига кўра сўзларнинг жойлаштирилганлиги шоирлар учун қофияни танлашда аҳамиятли бўлсада, бошқалар учун қулайлик яратмади, зотан луғат терс, ағдарма луғатга ўхшарди¹.

М.Носированинг таъкидлаганига кўра, араб луғатшунослигининг учинчи мактаби – Куфа мактабининг вакили Исҳоқ ибн Мирар Шайбоний кўплаб тематик луғатлар тузган. Исҳоқ Шайбоний сўзларнинг 1-ўзак ундошини эътиборга олган ҳолда алифбо тартибида жойлаштирган. «Китабу-л-жим» номли катта луғатни ҳам яратган. Бу усул ўзининг мантикий ниҳоясига, яъни араб тилининг луғатларида сўзларни жойлаштиришнинг замонавий принципига етиб келгунча 200 йил ривожланишда бўлди. Бироқ Халил ибн Аҳмад ва Исмоил Жавҳарийларнинг усуллари ҳукмронлик қилиб турган бир даврда куфаликларнинг принципи кенг тарқалмаган. Бу усулдан тематик луғатлар тузишда фойдаланишган. Шу ўринда «Мавҳиб» ва «Китаб-л-муарраб» номли луғатларни таъкидлаш лозим. Ўзлаштирма сўзларга бағишланган мазкур луғатда Жаваликий ўзидан олдинги муаллифларга қўшимча қилган ҳолда жуда катта аниқлик билан оромий ва форс тилларидан ўзлашган сўзларнинг этимологиясини аниқлайди.

В.М.Белкиннинг қайд этишича, араб лексикографиясидаги бундай услубнинг асосчиси Жавҳарий бўлган (1007 й.да вафот этган). Унинг «Тожу-л-луғат ва сихаху-л-шараббийях» луғати 28 бобдан ташкил топган. Хатоларга йўл қўймаслик мақсадида сўзлар маъносини изоҳлаш тамойиллари тартиб билан бирма–бир баён этилган. Луғатда сўзлар қисқа изоҳланган, классик араб шеъриятидан олинган иқтибослар ҳам берилган. Муаллиф асарда морфология ва синтаксис масалаларига ҳам тўхталган, ўзлашган сўзларни, зид маъноли сўзларни ажратиб кўрсатган. Мазкур луғат араб лексикографиясида тубдан бурилиш ясаган луғат сифатида

¹ Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 172.

эътироф этилади¹. Жавҳарий сўзларни уларнинг охирги ўзак ҳарфидан келиб чиқиб, алифбо тартибда жойлаштирган. Кейинчалик унинг издошлари томонидан ўзлаштирилган бу усулда араб ёзувининг ўзига хослигини назарга олинган ва маълум афзалликларга эга. Европа тиллари луғатларида қабул қилинганидек бир хил ҳарфга тугайдиган сўзлар иккинчи, учинчи ҳарфларига кўра жойлаштирилган»². Фақат «тўғри» лексикани намоён этиш ғояси Жавҳарий луғатининг тўлиқ бўлмаслигига ҳамда араб луғатшунослари томонидан танқид қилинишига олиб келди.

В.М.Белкиннинг эътирофича, Ибн Манзурнинг (1232–1311) «Лисону-ш-шароб» ҳозирга қадар энг тўлиқ сақланган ва нуфузли луғатлардан саналади. Муаллиф ўз олдига араб тили лексикасини тўла қамраб олишни вазифа тарзида қўйган. Луғат барча араб ўзаклари ва улардан бўлган ясалмаларни ўз ичига олган. Луғатда 80 мингга яқин сўзлар уялари киритилган, ҳажмига кўра у «Қомусу-л-муҳит»га қараганда беш марта катта бўлиб, унга Азҳарийнинг «Таҳзиб», Ибн Сиднинг «Муҳкам», Жавҳарийнинг «Сиҳаҳ», Ибн Асирнинг «Ниҳайа» луғатлари манба вазифасини ўтаган. «Лисону-л-араб»да сўзлар батафсил тавсифланган бўлиб, кўп сонли мисоллар келтирилган. Муаллиф сўзлар маъноларини изоҳлашда қайд этилган манбалардан самарали фойдаланган, айрим ҳолларда бир неча луғатлардан изоҳларни ўзгартиришсиз олган, натижада баъзи сўзларнинг изоҳларида қарама–қарши шарҳлар ҳам акс этган. М.Носирова араб луғатшунослиги тараққиётининг чўққиси сифатида Ибн Манзурнинг «Лисону-л-араб» луғатини баҳолайди³.

Араб лексикографиясида эътироф этилган манбалардан яна бири Ферузободийнинг (1326-1414) «Қомусу-л-муҳит» луғати ҳисобланади. 4 китобдан иборат бу луғатда 60 мингга яқин сўз уялари жамланган. Луғатшунос луғат ҳажмини имкон қадар қисқартириш учун сўзларнинг маъносини изоҳловчи иқтибослар киритган, сўзлар олинган манбалар қайд этилмаган, сўзларни

¹ Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 174.

² Носирова М. Араб тилшунослиги тарихи. – Т.: ТДШИ, 2011. Б. 81.

³ Ўша манба. – Б. 93.

қисқароқ изоҳлашга ҳаракат қилган, айти мақсадда синонимлардан самарали фойдаланган. Худди шу сабабли луғатда шартли қисқартмаларни қўллаган. Масалан, «жим» ҳарфи «ал-жамъ» – кўпликни билдирган, «айн» ҳарфи «мавдиъ» – «жой» тушунчасини ифодалаган. Луғатда мисолларнинг берилмаганлиги ва манбаларнинг кўрсатилмаганлиги, айрим муаллифлар томонидан танқид остига олинган.

Араб тили луғат фондини тўплаш ва қайд этишга қаратилган араб анъанавий луғатшунослигининг ютуқли томонларини эътироф этиш билан бир вақтда, араб луғатшунослари араб классик луғатларининг кўплаб қамчиликлари мавжудлигини қайд этишади. Жумладан, араб тилшунослиги классик араб луғатларини ҳозирги замон лексикографияси назарияси ва амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрганишади ҳамда муаллифларни тилнинг луғат бойлигига фақат тарихий нуқтаи назардан ёндашганлигида айблашади. Ўрта асрлар араб луғатшуносларининг услубларини бевосита замонавий лингвистик методлар билан солиштириб, аввалги араб лексикографиясининг аҳамиятини инкор этишади. Шу билан бирга, ўрта асрларда тузилган араб тили луғатларидаги қамчиликлар давр билан боғлиқ равишда юзага келган, деган илмий фаразлар натижаси сабабли пайдо бўлган¹.

Араб луғатшунослигининг нисбатан аввалги намуналари тарихий жиҳатдан қизиқиш уйғотса, кейинги яратилган луғатлар, айниқса, Ибн Манзурнинг «Лисону-л-ғариб», Ферузободийнинг «Қомусу-л-муҳит», Забудийнинг «Тоҷу-л-арус» луғатлари ҳозирга қадар амалий аҳамият касб этади. Ушбу луғатларсиз араб мумтоз адабиёти намуналари, айниқса, араб классик шеърляти тушунарсиз бўлиб қоларди. Араб луғатшунослари томонидан яратилган луғатлар Европа арабшунослигида араб лексикографиясининг шаклланишида асос вазифасини ўтаганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Араб тилининг луғатлари бошқа мусулмон халқлари, жумладан, форслар ва туркий халқларда луғатшунослик соҳасининг тараққиётига туртки бўлиб хизмат қилган.

«Тилнинг бузилиши» сифатида изоҳланган тил ўзгаришля-

¹ Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 176.

рига дуч келган аввалги араб тилшунослари маълум бир даврий ва маҳаллий доираларда тилнинг эталон тозалиги ҳамда идеал ҳолатини излашган. Уларнинг тиллари шу даврларгача ўзгаришлар, бузилишларга учрамаган, олимлар томонидан эришиб бўлмайдиган намуна сифатида тан олинган. «Ғашру-л ихтижаж» «мотивация даври», деб номланган бу олтин давр, тадқиқотларнинг кўрсатишича, табиий равишда ўзлаштирилган. «Ал-Фасих» - «тоза», «чиройли, таъсирли» атамаси билан қайд этиладиган бу давр луғати тўғри, классик деб ҳисобланган, уларга киритилган сўзларнинг тўғрилиги ва тозалигига (фасаха)нинг асосий далили мазкур сўзларнинг ўша давр араблари томонидан фаол қўлланилиши бўлган¹.

Умумий хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, араб тилининг изохли луғатлари учун бош вазифа унга киритилган сўзларнинг шарҳи бўлган. Араб лексикографияси юзага келгандан бери сўзнинг ҳар қандай шарҳи нуфузли, обрўли олимлар ифодалаган шаклда бўлиши керак, деган қоидага қатъий амал қилинган. Сўзларнинг маъноларини изохлашнинг лексикографик анъанаси асосан нуфузли олимларнинг сўз маъносини шарҳи ва қўлланиши борасидаги қарашларини солиштириш, улардан иқтибос келтириб, манбалардан далиллаш чоғида танқидий ёндошмасликка йўналтирилган. Шунинг учун бирламчи вазиятда ўз даври учун тўғри шарҳланган сўзлар кейинги даврларда яшаб ўтган араб олимлари учун тушунарсиз бўлиб қолган. Натижада атоқли араб олимларининг шарҳларида зид, карама-қарши фикрлар кузатилади, луғатларда имловий хатолар, камчиликлар учрайди. Шундай бўлишига карамай, араб тили бўйича яратилган луғатлар амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўша давр тил хусусиятларини тадқиқ этишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг жаҳон шарқшунослигидаги ўрни

Араб тили грамматикаси масалалари, хусусан, араб лексикографиясининг юзага келиши ва шаклланиши масалалари бутун жаҳон шарқшунослиги илмида олимлар диққатини жалб этиб

¹ Al-Holi, Amin. Mushkilat hayatina al-lugawiyya. Al-Qahira, 1965. P. 210.

келган. Аини чоғда араб тилшуносларининг грамматикага оид қарашлари, араб луғатшунослари томонидан тартиб берилган луғатлар тадқиқотлар диққат марказида турган. Ишнинг аввалги фаслида қайд этиб ўтилганидек, араб луғатшунослигининг шаклланишида асосий бўлган йўналишлардан бирига асос солган Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси ҳам кучли қизиқиш ва иштиёқ билан тадқиқ этилган. Зотан, В.М.Белкиннинг эътирофича¹, араб луғатшунослари грамматика масалалари билан алоҳида шуғулланишмаган, фақатгина Замахшарий ҳам грамматика соҳасида, ҳам лексикография соҳасида оригинал асарларни яратган². Ҳаттоки, умуман, араб тилига оид илмий тадқиқотларга эътибор қилсак, Маҳмуд Замахшарийнинг исмини тилга олмаслик, унинг араб тили грамматикаси ва луғатшунослиги ривожига хизмати-ни қайд этмасдан ўтиш мумкин эмас.

Татар тилшуноси Р.Р.Сафиуллина араб тилшунослик анъаналари ва унинг татар тилшунослиги тарихидаги таъсири масаласига тўхталар экан, татар мадрасаларида араб тилини ўрганишда энг машҳур ҳисобланган, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муфассал фи-н-наҳв» асарининг қисқартирилган шакли бўлган «Унмузаж фи-н-наҳв»ни ҳам тилга олади³.

А.М.Салахов XIX аср ва XX бошларида татар мадрасаларида араб тили грамматикаси бўйича қўлланилган асарлар ҳақида маълумот берар экан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Унмузаж» асарига алоҳида тўхталади. Мақолада эътироф этилишича, «Унмузаж» асари нафақат Волга-Урал минтақаси татарлари, балки умуман туркий халқлар орасида энг машҳур бўлган дарслик бўлган. Мақолада асарнинг тузилиши ва таркиби ҳақида қисқача маълумот келтирилади. А.М.Салахов араб тили грамматикасига оид материалларнинг тизимлаштирилган ва аниқ баёини қамраб олган

¹ Белкин В.М. Арабская лексикология. Изд-во Московского университета. 1975. С. 162.

² Ўша асар – С. 164.

³ Сафиуллина Р.Р. Арабская лингвистическая традиция и ее отражение в истории татарского языкознания / Культурные традиции в Евразии. Из серии Восток-Запад: Диалог культур. Вып. 4. - Казань: Фэн, 2003. С. 103.

асар сифатида таърифлайди¹.

Д.Н.Гулидованинг мақолалари Махмуд Замахшарийнинг «Муфассал» асарига ёзилган изоҳларни қамраб олган Ибн Йа'иш муаллифлигидаги «Шарҳ ал-Муфассал» асарини таништириш ҳамда унда атоқли исмларни тавсифлаш аспектларини ёритишга қаратилган², мақолада қайд этилишича, 10 жилддан иборат «Шарҳ ал-Муфассал» Замахшарий асарининг тузилишига мутаносиб тартибланган. Унинг биринчидан олтинчи жилдигача исм, еттинчи жилди феъл, саккизинчи жилд ва тўққизинчи жилднинг биринчи қисми ёрдамчи сўз туркумига бағишланган. Умумий масалалалар ўнинчи жилдда кўриб чиқилган. Д.Н.Гулидованинг ёзишича, Ибн Йа'иш шарҳида Замахшарий асаридан маълум бир лавҳасини келтиради, лавҳа бўлиб-бўлиб шарҳланади, зарур ўринларда алоҳида сўзлар, грамматик қоида ва конструкциялар тушунтирилади. Асар бошида Ибн Йа'иш асарда учрайдиган атамаларни изоҳлайди. Бунда айни атамага берилган таърифларни келтиради ва уларга ўз муносабатини билдиради. У ёки бу қарашни асослаш учун Ибн Йа'иш мавжуд барча қарама-қаршиликларни кўриб чиқади ва уларни таҳлил қилади. Баъзи ўринларда ўқувчи етарли билимга эга, деб ҳисоблагани учун қисқа шарҳлар билан чегараланади. Шарҳда Замахшарий фикрлари билан баҳсга киришилган ўринлар ҳам мавжуд.

Д.Н.Гулидованинг атоқли отларга оид мақоласида «Шарҳ ал-Муфассал» асари биринчи жилдининг алоҳида бўлими араб тилидаги атоқли отларга бағишланганлиги, атоқли отлар морфологик таркибига кўра икки гуруҳга содда (муфрад) ва мураккаб (мураккаб)га ажратилганлиги қайд этилади. Мураккаб атоқли отлар ўз

¹ Салахов А.М. Трактат по грамматике арабского языка средневековых восточных авторов, использовавшиеся в татарских медресе в XIX-начале XX вв. // Научный Татаристан. 2012. - № 2. с. 263-266.

² Гулидова Д.Н. «Šarḥ al-Mufaṣṣal» Ибн Йаъиша как памятник средневековой арабской грамматической мысли// «Письменные памятники Востока. Проблемы перевода и интерпретации». Москва, ИВ РАН, 27-29.10.2014 (тезисы конференции); Д.Н.Гулидова. Аспекты описания имени собственного в арабской языковедческой традиции (на материале трактата Ибн Йаиша «Sharh al-Mufasssal) / Конференция «Ломоносов 2014». Секция «Востковедение, афганистика». – М., 2014.

навбатида уч гуруҳга бўлинади: 1) исм-гаплар; 2) битишув йўли билан бириккан қўшма сўзлар; 3) генетив конструкция бўлган исмлар (идафа). Муаллиф атоқли отларнинг номинацияси масаласига тўхталар экан, Ибн Йа'иш атоқли отларнинг кўпчилиги маъно кўчиши йўли билан ҳосил бўлган, деб фикр билдирганини баён этади. Шунингдек, транспозиция (манқул) ва импровизация (муртажал) усуллари ҳам қайд этади. Муаллиф Ибн Йа'иш асарида онимизация (турдош отнинг атоқли отга ўтиши) билан бир қаторда қарама-қарши вазият – апеллятивизация ҳодисасига ҳам диққат қаратади. Асарда отларнинг келишик шакллари таҳлили ҳам берилган бўлиб, унда исмларнинг тўлиқ (мунсариф) ва нотўлиқ парадигмаси (ғайру-л-мунсариф) сабаблари изоҳланган.

Грузин тилшуноси Н.И.Робакидзе Маҳмуд Замахшарийнинг фонетик концепциясини тадқиқ этишга оид номзодлик диссертациясида Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид 10 та китоби мавжудлигини эътироф этади¹. Шу ўринда, Сибавайҳининг «Китаб»идан кейинги араб тили грамматикасига оид энг муҳим асар сифатида «Муфассал»ни тилга олади. Бу китобнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида аввал ҳеч бир муаллиф томонидан татбиқ этилмаган иш – кириш қисмининг киритилганлигида деб кўрсатади. Киришда муаллиф китобнинг ёзилиш сабаблари ва усуллари баён этади. Хусусан, Маҳмуд Замахшарий араб тили грамматикасининг асосий тушунчаси бўлган и'раб - (*флексия*) ҳақида китоб ёзиш вазифасини топширишганини ёзади. Натижада тўрт қисмдан иборат (от, феъл, харф, умумий ҳолатлар - муштарак) «Муфассал» асарининг тўртинчи қисми Н.И.Робакидзенинг илмий иши учун тадқиқот объекти сифатида танланган. Мазкур қисмда фонетика масалалари, талаффузнинг асосий қоидалари, фонетик ҳодисалар, товушларнинг кетма-кет жойлашиш тартиблари каби масалалар кўтарилади. Ушбу қисмни таҳлил этиш ва ўрганиш XII аср буюк тилшуносининг фонетик концепциясини шакллантириш имконини беради. Н.И.Робакидзенинг таъкидлашича, Замахшарий биринчи бўлиб барча сўз туркумлари учун муштарак бўлган ва алоҳида тадқиқни талаб этувчи

¹ Робакидзе, Нуну Ивановна. Фонетическая концепция Аз-Замахшари (XII) : дис. ... канд. фил. наук. – Тбилиси, 1984. 124 с.

тил ҳодисалари мавжудлигига эътибор қаратган. Тадқиқотчи немис олими Вайль «Муфасссал»нинг айнаи бўлимини шу қадар муҳим¹, деб ҳисоблаганки, уни «зеб-зийнатлар солинган қутича»га тенглаштирганини қайд этиб ўтади. Монографиянинг биринчи боби нутқ товушларининг ҳосил бўлиши (унли ва ундош товушлар), иккинчи боби нутқ товушларининг ўзгариши бўлиши учинчи боби бўғиннинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқига бағишланган.

«Муқаддамату-л-адаб» асари яратилган давридан бошлаб бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар эътиборини жалб этиб келмоқда. Асар биринчи марта 1706 йилда Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Сўнгра Европанинг француз, немис тилларига ағдарилган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта нашр бўлган. Немис олимларидан Ветштейн «Муқаддамату-л-адаб» асарининг Европа кўлёзма фондларидаги еттита кўлёмасини жиддий ўрганиб, 1859 йилда Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр эттирди. Шунингдек, Ветштейн бу мукаммал нашрни фихрист билан биргаликда чоп қилганлиги сабабидан мазкур нашр қимматли манбалардан ҳисобланади².

Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Бинобарин, «Муқаддамату-л-адаб»даги форс-тожик ва хоразмча сўзлар эроншуносларни қизиқтирса, туркий сўзлари туркийшуносларни, мўғул сўзлари мўғулшуносларни ҳам қизиқтириб келмоқда³.

Мўғулшунос олим Н.Н.Поппенинг махсус тадқиқотида «Муқаддамату-л-адаб» асарини айнан мўғул тилшунослиги нуқтаи назаридан ўрганган. Олимнинг «Монгольский словарь» «Муқаддамату-л-адаб» китоби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида луғатда келтирилган мўғул тилига оид материалларнинг

¹ Veil G., Die Behandlung des Iamza-Alif im Arabischen besonders nach der Lehre von az-ZarnahsarI und V1.n al-AnbarI, Munchen, 1905. P. 147.

² Абу-л Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов). –Т.: Камалак, 1992. Б. 37-38.

³ Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. (Маҳмуд Замахшарий. “Олтин шодалар” китоби сўз бошиси). –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. Б.15.

фонетик ва морфологик белгилари тадқиқ этилган бўлса, иккинчи қисмда мўғулча-туркийча луғат келтирилган¹. Н.Н.Поппе тўрт тилли «Муқаддамату-л-адаб» луғатининг, мўғул тили материалларинигина таҳлил қилган, туркий тил сўзлигини ёрдамчи материал сифатида тадқиқотнинг иккинчи қисмида келтирган. Иш учун Дарвеш Муҳаммад томонидан 898/1492 йилда кўчирилган нусхаси манба сифатида олинган бўлиб, бу нусхада асарнинг фақат биринчи икки қисми мавжуд бўлиб, қолган уч қисми йўқ. Мазкур нусхада арабча сўзларнинг форсча, туркийча, мўғулча изоҳлари берилган. Олимнинг эътирофига кўра, асардаги мўғулча лексик материал муаллиф томонидан киритилмаган, лекин, ҳар ҳолда 1492 йилгача киритилган.

В.Э.Раднаевнинг Россияда XIX асрнинг биринчи ярмида мўғул тилшунослиги тарихининг ўрганилиши масаласига доир монографиясида грамматик назария, тарихий лексикология ва лексикография каби муҳим йўналишлар таҳлилга тортилган². Китобда XIX асрда ишлаб чиқилган мўғул тилининг тарихий лексикологияси мўғул халқларининг миллий онги, мўғул давлатчилигининг шакл ва мазмуни билан узвий алоқадорликда ўрганилган. XIV асрдан XIX асргача бўлган мўғул лексикографиясининг юзага келиши ва шаклланиши Ғарб билан Шарқнинг дихотомик алоқаси, ворисийлик ва ўзаро таъсир доирасида тадқиқ этилган.

Олимнинг таъкидлашича, мўғул лексикографияси XIV асрда юзага келган бўлиб, илк икки ва кўп луғатли луғатлар араб ва форс олимлари томонидан тузилган. Арман ва грузин тарихчилари ҳам мўғул тилига қизиқиш билдириб, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлаб луғатлар тузишган. Кейинчалик мўғул тилшунослиги Хитойда юзага келган, Тибет ва Мўғулистонда ривожланган³. В.Э. Раднаев мўғул лексикографиясида муҳим

¹ Поппе Н.Н. Монгольский словарь Мукаддимат ал-адаб. – М. – Л.: АН СССР, 1938. С. 171.

² Раднаев В.Э. Монгольское языкознание в России в 1-половине XIXв.: проблемы наследия. –Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 2012. 392 с.

³ Veil G., Die Behandlung des Iamza-Alif im Arabischen besonders nach der Lehre von az-ZarnahsarI undV1.n al-AnbarI, Munchen, 1905. P. 283.

ўрин эгалловчи қўлёзмалар орасида Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарини ҳам тилга олади. Мўғулшунос олим Н.Поппе Бухоро амири кутубхонасидаги Фитрат томонидан 20-йилларнинг бошида аниқланган мазкур қўлёзманинг 898 ҳижрий йилда Дарвеш Муҳаммад томонидан кўчирилган нусхасини Ленинградда қўлга олган.

Бундан ташқари, турк олими Нури Йўже «Муқаддамату-л-адаб» асарининг хоразмча таржимаси мавжуд бўлган Шуштар нусхаси¹ асосида махсус тадқиқот олиб борган². Олим тадқиқотда Хоразм минтақасининг Исломдан олдинги ва кейинги вазият, Замахшарийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида умумий, хусусан, «Муқаддамату-л-адаб» асари, унинг Шуштар нусхаси ҳақида маълумот беради. Нури Йўже асарнинг Тошкентдаги, Буюк Британия музейи ҳамда Рампур Сарой нусхаларидан ташқари барча нусхаларини жиддий ўрганиб чиққанлигини эътироф этади ва Шуштар нусхасининг афзаллигини қуйидагилар билан изоҳлайди. 1. Шуштар нусхасида ҳар бир арабча сўзнинг туркий таржимаси келтирилган бўлиб, баъзида сўз маъносининг бир неча муқобиллари қайд этилган. 2. Асарнинг бу нусхасида сўзларнинг форсча таржималари ҳам кўп келтирилган. 3. Бошқа нусхаларда асл арабча ва форсчадан ўзлашган сўзлар туркийча таржима сифатида келтирилган, Шуштар нусхасида бу ҳолат кам кузатилади. 4. Шуштар нусхасида бошқа нусхаларда мавжуд бўлмаган ҳолат, яъни ўрта турк тили даврига оид сўзлар ҳам учрайди. Н.Йўже тадқиқотининг маълум бир қисми асарнинг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда унлилар ва ундошларнинг ёзилиши ва талаффузи билан боғлиқ масалалар, матндаги сўзларнинг айрим морфологик белгилари, сўзларнинг этимоло-

¹ Олимнинг таъкидлашича, мазкур нусха Эроннинг Шуштер шаҳарчасида Шайх Муҳаммад Такийнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. 1967 йилда бу нусха Ўрхан Билгин томонидан Истанбул кутубхонасига олиб келинган ва микрофильм шаклида фондга қўйилган. Асарнинг учдан бир қисми – 100-120 саҳифаси йўқ. Шу сабабли асарнинг номи, муаллифи, котиб, кўчирилган санаси ва жойи маълум эмас. Аммо тил хусусиятлари, ёзуви ва қоғозидан XIII асрга оидлигини тахмин қилиш мумкин.

² Yüce N. Mukaddımetü'l-edeb. Giriş, dil özellikleri: metin, indeks. – Ankara: TDK, 1988. S. 79.

гиясига оид фикрларни ўз ичига олган¹. Муаллиф асосий эътиборни матннинг транслитерациясига ҳамда сўзларнинг қўлланилиш шакли ва частотасини белгилашга йўналтирган.

Н.Б.Бадмацыренова «Муқаддамату-л-адаб» асарини мўғул луғати, деб атайди ва ундаги фразеологик ўзлашмаларнинг ўзига хослиги масалаларига эътибор қаратади. Тадқиқотчи фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга ўзлаштириш масалаларини таҳлил этар экан, Замахшарийнинг асарида ўзлашма мўғулча ибораларнинг санокли эканини таъкидлайди, бунинг сабаби сифатида муаллифни асарни араб тилида яратганлиги боис, араб тилининг таъсирида, деб ҳисоблайди².

Қозоқ тилшуноси Р.С.Мухитдинов Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари ҳамда араб лексикографиясининг тарихий негизлари ва назарий тамойилларини тадқиқ этар экан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарини ҳам тилга олиб ўтади, аммо бу луғатнинг таркиби, тузилиши ҳақида маълумот бериш билангина чекланади³.

Демак, рус ва жаҳон шарқшунослигида Замахшарий илмий меросининг ўрганилишига эътибор кучли бўлиб, шартли равишда асарнинг алоҳида қўлёзма нусхалари тадқиқига бағишланган ишлар, луғатнинг сўзлик қисмига оид таҳлилларни қамраб олган тадқиқотлар, асарнинг грамматикага оид қисмидаги олим қарашлари ўрганилишига оид илмий изланишларни ажратиш мумкин. Хусусан, араб тилшунослиги, араб луғатшунослигига тааллуқли илмий ишларда ҳам Замахшарийнинг беқиёс хизмати албатта эътироф этиб ўтилган. Бироқ Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг энг қадимий нусхаси ҳисобланган Хоразм нусхаси ҳали махсус тадқиқ этилмаган.

¹ Yüce N. Mukaddimetü'l-edeb. Giriş, Dil Özellikleri, Metin, İndeks. S.15-18.

² Бадмацыренова Н.Б. Специфика фразеологического калькирования в монгольском словаре «Мукаддимат ал-Адаб» / «Письменные памятники Востока. Проблемы перевода и интерпретации». Москва, ИВ РАН, 27-29.10.2014 (тезисы конференции).

³ Мухитдинов Р.С. «Диуан луғат эт-турк» және араб лексикографиясы: тарихи негіздері мен теориялық принциптері: Филол. ғыл. канд. ... дис. автореф. - Алматы, 2010. С. 69.

Замахшарий грамматик меросининг Ўзбекистонда ўрганилиш тадқиқи ва талқини

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меъроси ўрганилиши том маънода Ўзбекистон мустақиллиги йилларидан бошлаб ўрганила бошлади. «Муқаддамату-л-адаб»нинг форсий ва туркий сўзлик киритилган нусхалари ўзбек тарихий лексикологияси, жумладан, лексикографияси учун жуда қимматлидир, чунки ундаги туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форс-тожикча муодилларининг бўлиши уларнинг маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради¹.

Маълумки, академик А.Рустамов биринчилардан бўлиб Маҳмуд Замахшарий ва унинг «Муқаддамату-л-адаб» асари ҳақида маълумот берувчи рисола яратган². Мазкур рисолада Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди, олимнинг асарлари ҳақида берилган маълумотлардан ташқари, Замахшарийнинг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасига қўшган ҳиссалари баҳоланади, Замахшарийнинг фалсафаси баён этилади. Шунингдек, олимнинг арабча девони ва бадийи насри ҳақида ҳам ахборот берилган. Рисола сўнгида 1971 йилда польшалик машҳур олим Зайончиковский томонидан Варшавада чиқадиган «Рочник ориенталистичин» (Шарқшунослик солномасида) нашр этган «Муқаддамату-л-адаб»нинг Истанбулда топилган нодир бир қўлёзмаси нусхасидаги ҳайвон номларига бағишланган боби сўзлиги ўзбекча ҳарфлар билан берилади. Айрим ўринларига муаллиф Зайончиковский нашр эттирган сўзликнинг айрим товушлари талаффузига, ёзилишига ўз муносабатини билдириб ўтади, польшалик олимнинг нусхасидаги ёзилишини сақлаб қолган ҳолда, аслида қандай кўринишда бўлиши кераклигини қайд этади. А.Рустамов айни чоғда арабча сўзларнинг бошқа шакллари ҳам иқтибос сифатида илова этади, баъзан эса сўзларнинг маъносига изоҳ беради.

Ўзбек тилшунослигида, хусусан, луғатшунослари томондан Маҳмуд Замахшарийнинг фан олдидаги хизматлари доимо эътироф этиб келинган. Зеро, аввал таъкидланганидек, араб тили, араб тилшунослиги ва луғатшунослиги туркий тилларнинг тараққиё-

¹ Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. (Маҳмуд Замахшарий. “Олтин шодалар” китоби сўз бошиси). –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. Б.15.

² Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. Т., 1971.

тида, туркий тили тилшунослиги ҳамда луғатшунослиги ривожига катта таъсир ўтказган. Хусусан, академик Ғ.А.Абдурахмонов туркий тиллар, ўзбек тилининг ўрганилиши борасида ўз фикрларини баён этиш чоғида, Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» арабча-форсча-туркий луғат тузганлигини, мўғуллар даврида луғат мўғулча сўзлар билан тўлдирилганлигини қайд этади.

А.Алиев, Қ.Содиқовлар Эски туркий тилнинг муҳим ёзма ёдгорликларидан яна бири сифатида «ХІ асрнинг охири ХІІ асрнинг бошларида яшаб ижод этган хоразмлик олим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» (*«Адаб илмига кириш»*) номли асаридир» – деб кўрсатишади¹.

И.Қўчқортоев ўз даврининг етук тилшуносларидан бўлган Замахшарий араб тилшунослиги анъаналарини давом эттиргани, унинг илғор принцип ва усулларида моҳирлик билан фойдаланганини тан олади. Араб лексикографиясининг тематик принципи унинг қатор асарларида қўлланган бўлиб, бу принцип Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» номли асарида ҳам ишлатилганлигини баён этади.

Олимниг фикрига қараганда, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари фақат араб тили ва тилшунослиги тарихини ўрганиш жиҳатидангина эмас, балки туркий халқлар тиллари тарихини ўрганиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Машҳур шарқшунос В.В.Бартольднинг кўрсатишича, Маҳмуд Замахшарий луғатининг туркийча қисмида ХІІ-ХІІІ асрлар Ўрта Осиё туркий адабий тилининг лексикаси акс этган.

Ё.Абдурасулов туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикасини ўрганиш масаласи билан шуғулланар экан, қуйидагиларни қайд этади: тилшунослик соҳасидаги Замахшарий илмий меросининг кўпчилиги араб тили таҳлилига бағишланган бўлса ҳам, унинг «Муқаддамату-л-адаб» асари ўша давр туркий қабила ва элат тиллари ҳақида ҳам маълум маълумотларга бой асар бўлган. Асарда арабча сўзларнинг форсча, туркий, мўғулча ва ҳатто хоразм тили асосида ҳам изоҳланиши ўтмиш туркий тиллар қиёсини ўрганиш учун ҳам қимматлидир².

¹ Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. Т.: «Ўзбекистон», 1994. Б. 29.

² Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. Тошкент: ТерДУ, 2008.

Араб лексикографияси тарихини тадқиқ этиш борасида илмий изланиш олиб борган олим А.Е.Бертельс Маҳмуд Замахшарийнинг луғати ҳамда немис олими Ф.Дорнзайфнинг орадан 8 аср ўтиб тузилган идеографик луғатини қиёслар экан¹, уларда тушунчаларни мавзуий гуруҳларга ажратиш услублари ўртасидаги бир хилликларни аниқлаган, ушбу икки луғатни фарқловчи жиҳат сифатида «Муқаддамату-л-адаб»нинг икки тилли эканлигини қайд этган эди.

Ўзбекистонда Маҳмуд Замахшарий ижодининг илмий тадқиқ этилишида М.Носированинг номзодлик Монографияси, хусусан, қатор илмий мақолалари алоҳида ўрин тутди. Тадқиқотчининг номзодлик иши Маҳмуд Замахшарийнинг араб бўлмаган халқларга араб тилини осонроқ, соддароқ тарзда ўргатишга мўлжалланганлиги боис, халқ орасида шуҳрат қозонган «Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи тадқиқига бағишланган². Олима Замахшарийнинг грамматик рисоласининг лингво-текстологик таҳлилини амалга ошириш ҳамда «Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг Тошкент нусхалари асосида қиёсий матнини тузиш ва таҳлил этишни мақсад қилади. Айни мақсадда ишда асарнинг қиёсий матнини тузиш принциплари ишлаб чиқилади, «Унмузаж фи-н-наҳв» матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилади. Тадқиқот натижасида «Унмузаж фи-н-наҳв»нинг қиёсий матни тузилган бўлиб, илмий матний таҳлил этилган. М.Носирова асар қиёсий матнини ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланган: асар мазмунига таъсир этувчи фарқлар ва нусхалардаги имловий фарқ ва сакталиклар³. Асар нусхалари матнининг таҳлилида соддадан мураккабга принципига амал қилинган. Дастлаб ҳарфлардаги, сўнг сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплардаги тафовутлар

¹ Қаранг: Бертельс А.Е. О происхождении рубрик тематических (идеографических) словарей. - В кн.: Переводная и учебная лексикография. – М.: Русский язык, 1979. С. 23.

² Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи – араб тили грамматикасига оид асар: Филол. фан. ном. ... дис. автореферат. Т., 2003. 30 б.

³ Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи – араб тили грамматикасига оид асар. Б.13.

тадқиқ этилган, нотўғри кўчирилган, деб тахмин қилинган вазиятлар таҳлилга тортилган.

М.Носированинг Монографиясида асарнинг Россия ФА Шарқшунослик институти, Миср, Туркия, Британия, Германия, Сурия, Доғистон, Озарбайжон қўлёзма фондларида сақланаётган 60 га яқин қўлёзма нусхалари ҳақида ҳам маълумот берилган бўлсада, аммо асарнинг қиёсий матни Тошкентда сақланаётган 7 та қўлёзма ва 3 та босма нусхаси асосида тузилган.

Тилга олинган тадқиқотда илк бор араб тилидаги грамматик асарда баён қилинган синтаксис ва морфология масалалари илмий асосда таҳлил қилинган бўлиб, асар ҳозирги араб тилшунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Шу сабабли Монографиянинг учинчи боби «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарида араб тили грамматикасининг ёритилиш принципларини, тўртинчи боби морфологиясининг ёритилиш принципларини ўрганишга бағишланган. Мазкур бобларда араб тилидаги флексия, исмий жумла, эга ва кесимнинг мослашуви, ҳол, аниқловчи-аниқланмиш, воситасиз тўлдирувчи, ўрин-пайт ҳоллари, биргалик тўлдирувчиси, сабаб-мақсад ҳоли, ҳолат ҳоли, чеклаш ҳодисаси, исм сўз туркуми, масдар, сифатдош, феълнинг майл ва замон шакллари, «ҳарфлар»¹ каби тил ҳодисалари таҳлилга тортилади.

Маҳмуд Замахшарий «Асосу-л-балоға»сининг манбашунослик тадқиқига бағишланган Н.Сулаймонованинг номзодлик диссертациясида ушбу асарнинг² таркибий таҳлилини амалга ошириш ҳамда унинг қўлёзма ва босма нашрларини манбашунослик жиҳатдан тадқиқ қилиш мақсад қилинган. Тадқиқотчи «Асосу-л-балоға»нинг дунё фондларида сақланаётган қўлёзма ва нашр нусхаларини аниқлаб, уларни таҳлил этади. Ишда араб луғатшунослиги тарихида «Асосу-л-балоға»гача яратилган луғатларнинг таснифий таҳлили амалга оширилади ҳамда тадқиқот объекти бўлган асарнинг араб луғатшунослигида тутган ўрни таҳлил

¹ Араб тилида алоҳида ишлатилмайдиган, маъноси бошқа сўзлар билан бирикиб келгандагина англашиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимчалар «ҳарф» дейилади.

² Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға»сининг манбашунослик тадқиқи Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2007.

этилади. Бундан ташқари, асарга асос бўлган манбалар Куръон, ҳадислар, фразеологизмлар, мақоллар, шеърӣ парчаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот учун «Асосу-л-балоға»-нинг Байрут нашри (1998), шунингдек, Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида мавжуд бўлган йигирма икки нусхаси танланган. Монография кириш, асосий уч боб, хулоса ва адабиётлар рӯйхати, иловалардан иборат. Биринчи бобда тадқиқотчи «Асосу-л-балоға»гача араб луғатшунослигида яратилган луғатлар, луғат ишининг юзага келиш сабаблари, луғатнинг таркиби, тузиш принциплари, хусусан, «Асосу-л-балоға» асарининг нусхалари, араб луғатшунослигида тутган ўрни, асар Байрут нашрининг ўзига хослиги каби масалаларга тўхталади. Н.Сулаймонова Замахшарийнинг мазкур асари воситасида араб луғатшунослиги соҳасига киритган янгиликларига ҳам тўхталади. Жумладан, унинг фикрига кўра, мазкур луғатда жорий қилган ютуқлардан бири сўзларни уларнинг барча ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда қатъий алифбо тартибида жойлаштирилганлигида кўринади. «Асосу-л-балоға»да бош сўзлар ундаги биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда, алифбо тартибида жойлаштирилган¹. «Асосу-л-балоға» асарида Замахшарийнинг яна бир янгиликка кўл ургани қайд этилади. У луғатдаги сўзларни ўша даврда истеъмолда бўлган жумлалар ва иборалар таркибидан ажратмаган ҳолда беради.

Замахшарийнинг грамматик меросини ўрганишга оид бир қатор мақолалар ҳам эълон қилинган. Хусусан, Б.Турдиалиевнинг араб навҳидаги тобе сўзлар ҳамда «إِنَّ - 'инна» юкламасининг исмий кесимда кўлланилиши масалаларига бағишланган мақолалари шулар жумласидандир². Мазкур мақолаларнинг биринчисида араб тили синтаксиси масалаларидан бири бўлган «тобе сўзлар»нинг

¹ Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий «Асос-ул-балоға»сининг манбашунослик тадқиқи Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2007. 8-б.

² Турдиалиев Б. Частица «إِنَّ»² и ее влияние на именное сказуемое// Востокведение. 2010. № 1-2. С. 35-43; Турдалиев Б. Араб наҳвидаги тобе сўзлар бўйича ўрта аср тилшунос олимларининг назарий қарашлари/ Шарқшунослик. 2013. №2. 3-16-б.

ифодаланиши ва уларнинг гапдаги синтактик-функционал хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу мавзу асл араб манбалари асосида, хусусан, ўрта асрлар нахшунос олимлари Сибавайҳининг «Китабу Сибавайҳи» ва Маҳмуд Замахшарийнинг «Муфассал» асарлари ҳамда XX аср тилшунос олими Мустафо Ғалайинийнинг «жамиу-д-дурус-ул-арабийя» китоби асосида ўрганилган. Б.Турдиалиев араб тилидаги «тобе сўзлар» мавзуси остида унинг турлари бўлмиш «таъкидловчи аниқловчи», «мослашган аниқловчи», «изоҳловчи ўрнидаги исм», «аниқловчи изоҳловчи» ва «уюшиқ бўлаклари» тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этган.

Б.Турдиалиевнинг иккинчи мақоласи араб тили синтаксисининг муҳим масалаларидан бири бўлган «*أَنَّ* - 'инна» юкламасининг исмий кесимда қўлланилиши ва унинг кесимга таъсири масаласига бағишланган. Ушбу мақолада ҳам қайд этилган юклама ўрта асрларнинг буюк тилшунослари Сибавайҳи, Маҳмуд Замахшарий ва Мустафо Ғалайинийнинг юқорида тилга олинган китобларидан ташқари Камал ад-дин ал-Анбарийнинг «ал-Инсаф» асари ҳам манба сифатида олинган. Тадқиқотчи араб тилшуносларининг китобларида «*أَنَّ* - 'инна» юкламасининг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари, матнда, айниқса, исмий жумлада қўлланилиши, контекстда ифодалаш имконияти мавжуд бўлган маъноларга оид фикрларини келтириб таҳлил этган ва уларни солиштирган. Шунингдек, мазкур юкламанинг исмий жумла кесимига бўлган таъсири масаласи бўйича тафовутли, қарама-қарши бўлган Басра ва Куфа мактаблари намоёндалари мулоҳазаларига алоҳида диққат қаратади.

Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича ҳам махсус тадқиқот амалга оширилганлигини қайд этиш зарур. А.А.Болтаевнинг номзодлик диссертацияси¹ аллома Замахшарийнинг бой илмий мероси, ундаги жамият равнақи, ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи, бугунги янги давр давлатчилигимиз бошқаруви ва сиёсий тизими манфаатлари билан уйғунлик касб этувчи қимматли фикрларини тадқиқ этиш ҳамда сиёсатшу-

¹ Болтаев А.А. Аз-Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Сиёс. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008.

нослик фани нуқтаи назаридан тизимли таҳлил этишга қаратилган. Тадқиқот учун манба сифатида Замахшарийнинг «Навобиг ул-калим», «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор», «Атвоқ уз-заҳаб» каби асарлари танланган. Тадқиқотчи Замахшарийнинг давлат ва жамият тўғрисидаги, уни бошқарув усуллари тўғрисидаги сиёсий қарашларини аниқлаганлигини, Замахшарий ҳаёти, фаолияти, унинг сиёсий ғоя ва тушунчалари ҳамда қарашларининг бугунги кундаги назарий ҳамда амалий аҳамияти кўрсатиб берилганлигини эътироф этади. Хусусан, Монографияда Замахшарийнинг сиёсий қарашлари асосий йўналишлари қуйидагича белгиланган: а) давлат ва сиёсий тузумга оид; б) ҳукмрон доираларга оид; в) уруш ва низоларга оид; г) кенг халқ оммасига оид¹. Монографиянинг алоҳида бобида жамиятда адолат билан иш юритиш тўғрисидаги ғоя ва қарашларга диққат қаратилган бўлиб, мутафаккир олимнинг сиёсий мўътадиллик, ижтимоий адолат умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатини ёритиб берилади.

Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, унинг «Навобиг ал-калим» асарига бағишланган рисола У.Уватов томонидан нашр этилган². Мазкур рисолада қомусий олим Замахшарийнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилади. Олимнинг асарлари мазмунига кўра қуйидаги 6 гуруҳга таснифланади 1) диний илмлар ва уламолар ҳақида; 2) луғатшунослик; 3) грамматика (наҳв); 4) аруз; 5) адабиёт; 6) мантиқ³. У.Уватов Замахшарий ижодининг гултожи сифатида унинг ғоят кенг танилган Қуръони Каримга ёзилган машҳур тафсири – «Ал-Кашшоф» асарига алоҳида тўхталади. Бу китобда Шайх Муҳаммад Абу Заҳронинг Муҳаммад Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ мақоласи келтирилади. Китоб охирига Маҳмуд Замахшарийнинг «Навобиг ал-калим» асаридан намуналар таржимаси илова қилинган.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим томонидан Замахшарийнинг юз мақолалик панд-насихатлар ва ҳикматли сўзларидан

¹ Болтаев А.А. Аз-Замахшарийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Сиёс. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008. 14-б.

² Уватов У. Хоразмлик буюк аллома. Маҳмуд Замахшарий: «Навобиг ал-калим». – Т.: Янги аср авлоди. 2006.

³ Ўша китоб. 26-б.

иборат «Атвоқ-уз-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» («Олтин шодалар») китоби таржима қилиниб чоп этилди¹. Машҳур алломанинг неча йиллардан бери ижод аҳлини тўлқинлантириб келиши бежиз эмас. Хусусан, Маҳмуд Замахшарийнинг «Атвоқу-з-заҳаб» асари асосида юзага келган «Замахшар тасбеҳи ёки 101 манзума» тўплами Фозил Зоҳидовнинг «Олтин шодалар»дан таъсирланиб, ҳар битта ҳикматга ёзган шеърларини ўз ичига олганлиги ҳам фикримиз далилидир².

Маҳмуд Замахшарий, маълумки, назм ва наср билан ёзилган бадиий асарлар, шу билан бирга тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, ислом тарихи ва бошқа фанларга оид элликга яқин илмий асарлар муаллифи сифатида тилга олинади. Бу улкан маънавий мерос ичида «Дунё хазинасига тенг асар» саналмиш «Муқаддамату-л-адаб» (*Адаб илмига кириш*) асарининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбекистонда «Муқаддамату-л-адаб» асарининг бевосита ўзига бағишланган тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Хусусан, М.Ю.Ҳакимжоновнинг номзодлик Монографиясида араб лексикографиясида мавзу усулида тузилган луғатлар ичида «Муқаддамату-л-адаб»нинг тутган ўрнини аниқлаш, луғатнинг лексикографик усуллари ҳамда арабча ва туркий сўзликларнинг грамматик ва лексик хусусиятларини қиёсий тадқиқ қилинган. Муаллиф ушбу тадқиқотида асарнинг «Исмлар» қисмини илмий муомалага киритаётганини, тадқиқот натижаси бўлган луғатни эса танқидий матн, деб қабул қилиниши зарурлигини таъкидлайди³. Уч бобдан иборат тадқиқотнинг биринчи бобида Замахшарийнинг ўрганилаётган луғати бошқа мавзу асосида тузилган таржимали луғатлар, хусусан, Майдонийнинг «ас-Сомий фи-л-асомий» луғати билан қиёсланади. Ишда мавзу принципи билан тузилган луғатлар илмий тадқиқотлар доирасига кирмаганлиги учун, «Муқаддамату-л-адаб»нинг лексикографик принципларини ўрганиш араб лексикографиясининг шу турдаги луғатларнинг моҳият ва вазифаларини

¹ Маҳмуд Замахшарий. Олтин шодалар. – Т.: EXTREMUM PRESS, 2010.

² Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёки 101 манзума. – Т.: Муҳаррир, 2011.

³ Ҳакимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили («Исмлар»): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1994. 4-б.

тушунишга имкон бериши, неча минг йиллик тажриба ҳозирги кунда турли-туман луғатларни тузиш учун амалий кўмак бериши қайд этилади. Асарнинг лексикографик таҳлили, Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» луғати «Ғариб ал-Қуръон», «Муфрад ал-Қуръон», «Ғариб ал-ҳадис» ва фикҳ терминлар луғатининг табиий давоми бўлиш билан бирга, бу луғат араб лексикографиясида бутунлай янги ҳодиса бўлганлигини кўрсатади.

М.Ю.Ҳакимжоновнинг таъкидлашича, «Муқаддамату-л-адаб» асари аввал икки тилли – арабча-форсча бўлган, унинг туркий сўзлик қисми Алоуддавла Отсиз ҳукмронлиги даврида (1127-1156) Замахшарийнинг ўзи томонидан ёзилган¹. Ишнинг учинчи бобида «Муқаддамату-л-адаб» «Исмлар» қисмининг арабий-туркий сўзлиги таҳлилга тортилган бўлиб, манба сифатида Тошкентда сақланаётган 202 ва 429-инвентар рақамли нусхалари жалб этилган.

Ўзбекистонда Замахшарийнинг тилга олинган асарини ўрганишга қаратилган ишлар орасида З.Исломовнинг илмий тадқиқотлари ва мақолалари алоҳида ўрин тутади. Олимнинг номзодлик ва докторлик Монографиялари ҳам «Муқаддамату-л-адаб»нинг тадқиқига қаратилган бўлиб, бундан ташқари унинг мазкур асар тадқиқига оид 30га яқин мақолалари ҳам нашр этилган. Олимнинг номзодлик Монографиясида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди, «Муқаддамату-л-адаб» асарининг тузилиши, луғатнинг Тошкент ва хориж нусхалари ҳақида маълумот берилади. Луғатдаги туркий феълларнинг морфологик таҳлили ва маъно хусусиятлари тадқиқ этилган². Тилшунос «Муқаддамату-л-адаб»ни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтар экан, асарнинг туркий сўзлик қатлами, уларнинг матни, туркий сўзлик матнларини қиёсий ўрганиш, сўзликни арабий асли билан қиёсий тадқиқ этиш, турли даврлар ва турли ҳудудларда китобат қилинган нусхаларини гуруҳларга ажратиб, улардаги туркий сўзлик қатламини ўрганиш каби илмий муам-

¹ Ҳакимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили («Исмлар»): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1994. 16-б.

² Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили. Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1993.

молар ҳали умуман кўрилмаганлигини таъкидлайди¹. Олимнинг докторлик диссертациясида шу сабабли дастлабки қадам сифатида Тошкент кўлёзма фондларида сақланаётган, XIII-XV асрларда кўчирилган, туркий сўзлик киритилган кўлёмаларнинг арабий-туркий сўзлиги матнини қиёсий ўрганиш ва шу асосда «Муқаддамату-л-адаб»нинг йиғма илмий-танқидий матнини тузиш мақсад қилинади. Илмий иш икки қисм, биринчи қисм – тадқиқот қисми, иккинчи қисм - «Муқаддамату-л-адаб»нинг XI-XII асрларда китобат қилинган Тошкент кўлёмалари асосида тузилган арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матнидан иборат. Монографиянинг биринчи бобида тадқиқот объекти бўлган асарнинг тузилиши ҳақида маълумот берилади, иккинчи бобида асарнинг кўлёзма манбалари тавсифланади ва унинг жаҳон фондларида сақланаётган 70та ноёб кўлёзма манбаси ҳақида маълумот келтирилади. Учинчи бобда «Муқаддамату-л-адаб» таркибидаги арабча-туркий феъллар сўзлиги йиғма илмий-танқидий матнининг таҳлили амалга оширилган². 3.Исломов шу ўринда кейинги йилларда манбашунослик ва матншунослик фани эришган ютуқларга асосланган ҳолда, «Муқаддамату-л-адаб»нинг йиғма илмий-танқидий матнини тузиш принципларини ишлаб чиққанлигини баён этади. Хусусан, ишда асарнинг арабий сўзлик илмий-танқидий матнининг илмий таҳлили матн мазмунига доир таҳлил, имловий фарқ ва сакталиклар таҳлили шаклида ўтказилади, асар туркий сўзлиги йиғма матнининг илмий таҳлилида беш усул, яъни матн мазмунига доир таҳлил, жумла тузилишига доир таҳлил, жумлаларнинг шаклан ифодаланishiга доир таҳлил, имловий хусусиятлар таҳлили, имловий фарқлар таҳлили амалга оширилади³. Қиёслаш арабий сўзлик

¹ Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг кўлёзма манбалари ва арабча ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент кўлёмалари асосида): Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 1998. С. 4.

² Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлилий Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1993.

³ Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг кўлёзма манбалари арабча ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент кўлёмалари асосида). С. 23-25.

матнининг сезиларли ўзгаришга учрамаганлиги фақатгина айрим сўз мақолалари тушиб қолганлиги туркий сўзлик матнлари кўчирилиш ўрни ва даврига қараб ўзгаришларга учраганлигини кўрсатади. Иш натижасида «Муқаддамату-л-адаб» таркибига кирган арабча феъл мақолаларининг мукаммал матни яратилган.

«Муқаддамату-л-адаб» асарининг манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлилига оид тилшунос олим З.Исломовнинг қўлланмаси ҳам чоп этилган¹. Ушбу қўлланма икки бобдан ташкил топган. Муаллиф Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бергач, 1-бобда «Муқаддамату-л-адаб» асарининг тузилиши ва таркибий қисмларига тўхталади. Аҳамиятлиси шундаки, тилшунос асарнинг ҳар бир қисмига киритилган боблар ва фаслларга алоҳида эътибор қаратади, уларга киритилган сўзларнинг мавзуй гуруҳлари, миқдорини, шунингдек, бошланишидаги ва тугалланишидаги сўзларни қайд этиб ўтади. Қўлланманинг иккинчи боби «Муқаддамату-л-адаб»нинг Тошкент ва дунё мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланаётган қўлёзма манбалари ҳақида маълумот беришга қаратилган. Олим жаҳон мамлакатлари, хусусан, Тошкентда «Муқаддамату-л-адаб» асарининг 70 нусхаси аниқланганлигини қайд этиб ўтади. Бу бобнинг биринчи фаслида асарнинг Тошкентда сақланаётган тўрт нусхаси (шартли равишда «А», «Б», «В», «Г» нусха, деб атайди)нинг кўчирилиш муддати, шарт-шароитлари, улардаги ўзига хосликларни баён этади. Иккинчи фаслида «Муқаддамату-л-адаб»нинг Россия Фанлар академияси Шарқшунослик фонди нусхалари, Махачкала, Тожикистон, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Британия, Франция, Германия, Марсигли фондларида сақланаётган нусхалари ҳақида маълумот берилади.

«Муқаддамату-л-адаб»га оид махсус тадқиқот натижаси бўлган ўқув қўлланма тилшунос З.Исломов томонидан чоп этилган². Мазкур қўлланмада тадқиқот объекти бўлган китоб ва унинг нусхалари ҳақида батафсил маълумот берилган. Хусусан, «Муқаддамату-л-адаб» асарининг таркиби, тузилиши, асарнинг

¹ Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлилий Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1993.

² Исломов З.М. Адаб илмининг дурдонаси. – Т.: ТИУ, 2002. 23 б.

ёзилиши ва нусхаларининг яратилиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилади. Бундан ташқари, тилшунос асар матнида энг кўп учраган ён – ўзагидан ясалган феълларни таҳлил этади, бу мақсадда асарнинг Тошкентда сақланаётган XIII-XIV асрларга оид тўрт қўлёзмасини бир-бирига қиёслаб, улар англатган маъно хусусиятларни атрофлича ёритади¹. Олимнинг эътирофига қараганда, асардаги сўзликни илмий ўрганиш ва истеъфодага киритиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Асарнинг нақадар муҳим манба эканлигини англаш учун биргина феълнинг англатган маъно хусусиятларини атрофлича ёритиш етарли². Рисолада қайд этилишича, ён ўзагидан ясалган феъллар асарда 69 марта қўлланилган бўлиб, «қайтиб келмоқ, қайтиб тушмоқ, қайтмоқ», «оғмоқ», «қисқармоқ, кичраймоқ, қисқа бўлмоқ», «тузалмоқ, эс-ҳуши ўзига келмоқ, бирор камчиликдан холи бўлмоқ», «адашмоқ», «тоймоқ, четга чиқмоқ, озмоқ», «юз ўгирмоқ, тавба қилмоқ, сиғинмоқ», «ўгирилмоқ, ағдарилмоқ», «бузмоқ», «пайдо бўлмоқ» маъноларида қўлланган. Шу билан бирга, ён ўзагининг орттирма даражаси (ёндурди) феълининг ҳам «қайтармоқ, қайтариб олмоқ», «ҳайдамоқ, қайтариб олмоқ», «ҳайдамоқ, қувламоқ», «(бирор ишдан) қолдирмоқ, қайтишга рози қилмоқ», «тўнкармоқ, ағдармоқ», «такрорламоқ» каби маъноларини англатиши мисоллар орқали далиллаб берилади.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Ўзбекистонда ўрганилиш ҳолатини таҳлил этиш, мазкур асарнинг тил тарихига оид барча манбаларда қимматли асар сифатида эътироф этилишини кўрсатади. Шу билан бирга, Замахшарий ижодини ўрганишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса, уларнинг асосий қисми буюк мутафаккир олимнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари тадқиқига бағишланганлигини кўрсатади. Ушбу асар тадқиқида юқори натижаларга эришилганлигига шубҳа йўқ. Шундай бўлишига қарамай, бу борада ўз ечимини топмаган масалалар ҳали кўп. Жумладан, «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзликка киритилган энг қадимий Ёзгат-Хоразм қўлёзмаси манбашунослик, луғатшунослик, тилшунослик нуқтаи назари-

¹ Исломов З.М. Адаб илмининг дурдонаси. – Т.: ТИУ, 2002. – Б. 18-22.

² Ўша асар. – Б. 18.

дан тадқиқ этилмаган, мазкур асар нусхасининг асарнинг мавжуд қўлёзмалари сирасидаги ўрни қиёсий ўрганилмаган, асардаги туркий сўзликнинг маъно хусусиятлари ва матний тадқиқи амалга оширилмаган.

Юқоридаги тадқиқотларда Хоразмда кўчирилган, китобат тарихи кўрсатилган, асарнинг энг қадимий қўлёзмаси ҳақида айрим умумий маълумотларгина берилган. Лекин на хорижий ва на ўзбек олимлари томонидан мазкур нусханинг ўзи ҳар томонлама илмий муомалага киритилмаган ва айниқса арабий-туркий сўзлиги тадқиқ этилмаган. Юқорида кўриб ўтилганидек, айрим олимлар томонидан луғатнинг сўзлик қисмидаги айрим сўз туркумларининг фақат баъзи кўринишларигина таҳлил этилган бўлиб, ушбу йўналишдаги иш тугалланмаган.

**II БОБ. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» АСАРИНИНГ
ЎРТА АСР ЛУҒАТШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИК
АНЪАНАЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ
«Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабча-туркий
сўзликни жойлаштириш усуллари**

Араб тилшунослигининг назарий асосларини илмий тизимга солган, ҳозирги даврга қадар грамматик қоидалари асосида араб тили ўргатилаётган усулнинг асосчиси Маҳмуд Замахшарий араб тилшунослиги илмида етакчилик қилиб келмоқда. Олим ўзининг машҳур «Муфассал фи синаъти-л-иъроб» асарида араб тилининг мукаммал грамматик қоидаларини юксак илмий савияда баён этиб берган. У араб тилининг дунё олимлари, айниқса тилшунослари эътироф этган мукаммал асарларидан саналади.

Замахшарийнинг араб тили грамматикасига бағишлаган асарлари сирасида «Муқаддамату-л-адаб»нинг ҳам салмоқли ўрни бор. Асар араб бўлмаган миллатларнинг араб тилини мукаммал ўзлаштиришларига мўлжалланган ўзига хос грамматик қомусий асар ҳисобланади.

Аҳолиси араб бўлмаган минтақаларнинг араб тилини ўзлаштириши учун аввал сўз бойлигини ҳосил қилиши зарур бўлган. Айнан шу нуқтаи назардан Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб»нинг биринчи қисмига исм туркумига мансуб сўзларни киритган. Сўзлар араб луғатлари учун умумий қабул қилинган мавзулар тарзида берилган. Сўзларнинг бирлик шакли алоҳида кўрсатилиб, унинг турли кўринишдаги истифода этиладиган кўп-лик шакллари ундан сўнг киритилган. Бу тартиб сўзларнинг ўзига хос кўп-лик шакллари билан ёдда қолишига ёрдам беради. Шунингдек, исмлар қисмига сифат, сон, олмош туркумига кирувчи сўзлар ҳам киритилган.

Исмлар қисми қуйидаги боб ва фаслларга бўлинган¹.

Биринчи боб – замон, йил, фасл, ой номлари, кеча, кундуз ва уларнинг турли вақт бўлақларидаги номлари, ҳафта кунлари, диний байрамлар, вақт, муддат, қиёмат, дунё, жаҳон мазмунини

¹ Исмлар қисмининг таркибий тузилиши қуйидаги манбага асосан берилди
The Muqaddimat al-Adab: A Facsimile Reproduction of the Quadrilingual Manuscript (Arabic Persian, Chagatay and Mangal) – Tokyo, 2008. P. 75.

англатувчи сўзлар;

Мазкур бобдаги вақт мазмуни билан боғлиқ сўзларни статистик таҳлили ўзига хос жойлашув таркибини кўрсатади. Бобга 205 та араб тилидаги сўз киритилган бўлиб, уларнинг 163 таси бирлик, 42 таси кўплик шаклига мансуб. Бобдаги туркий сўзларнинг сони унга қараганда анчагина кам чунки сўзларнинг туркий тилидаги синонимлари орасида «мислуҳу» «унга ўхшаши» маъносида берилганлари ҳам учрайди. Бобда айнан «мислуҳу» ибораси билан 57 та сўз белгиланган.

Жумладан, «соат» сўзининг 2 та – *انى – инā – фйнатун* - «оқишом, кеч» сўзининг 4 та *عَشِيٍّ – ашиййун, عَشِيَّة – ашиййатун, عشا – иъша, اصيل – асийлун*, «тонг» ва «бир дафъа» сўзларининг 5 тадан *كَرَّه – курра, مرَّه – марра, مَرَّار – марārун, طَوْر – таврун, تاره – тāра*; «қиёмат куни» сўзининг 10 та – *يوم القيامة – йавм-ул-қийāмати, يوم النشور – йавм-ун-нушўри, يوم البعث – йавм-ул-ба‘си, يوم الدين – йавм-уд-дини, يوم الحشر – йавм-ул-ҳашари, يوم الحسرة – йавм-ул-ҳасрати, يوم الندامة – йавм-ун-надāмати, يوم الجمع – йавм-ул-жам‘и, يوم الحساب – йавм-ул-ҳисāби, يوم المرض – йавм-ул-маради*; «вақт» сўзининг 13 та *وَقْتُ – вақтун, حِينٌ – хийнун, اجل – ажалун, اوآن – авāнун, أَبَان – аббāнун, دهر – даҳрун, حَقْب – ҳақибун, حِقْبَه – хиқбатун, صرف – барихун, هنون – ҳанванун, عصر – а‘срун, زمن – заманун, صرف – сарфун, ريب – райбун* синоними келтирилган.

Иккинчи боб – осмон ва у билан боғлиқ сўзлар. Бобга жами 177 та арабий сўз киритилган. Улардан 131 таси бирлик, 46 таси кўплик шаклида кўрсатилган. Туркий сўзлар синонимлар билан бирга 133 тани ташкил этади.

Учинчи боб - ер, унинг турли ҳолатлардаги кўринишлари балчиқ, унумдор ер, юмшоқ ер, ҳосилсиз ер, чўл, тепалик, тоғ, унинг турли қисмларининг номланиши, турли ҳолатдаги тош номларига оид сўзлар;

Учинчи боб - маъданлар ва улар билан алоқадор сўзлар;

Тўртинчи боб - йўл, у билан боғлиқ атамалар, йўл ўртаси, кенг йўл, катта йўл, йўл ўлчовлари, карвон каби сўзлар;

Бешинчи боб - сув, мешдаги сув, идишдаги сув, айниган, тоза, лойка, оқар, шўр сув, ариқ турлари, булоқ, қудуқ ва соҳил

билан боғлиқ сўзлар;

Олтинчи боб - ўт, хўл ўт, буғдой, арпа каби ғалла номлари, турли ўсимлик, уруғлар номлари, қовун, тарвуз, саримсоқ тури, карам каби сабзавотлар, пахта, ғўзаларнинг турли кўринишлардаги номларига оид сўзлар;

Биринчи фасл - боғ, гул номлари, ўт номлари, кўкатларга оид сўзлар;

Иккинчи фасл - полизга оид сўзлар;

Еттинчи боб - деҳқончиликдаги ер турлари, кўш, омов, ерга ишлов бериш учун ишлатиладиган қуроллар;

Биринчи фасли - боғ, боғдорчилик, турли мева номлари, уларнинг уруғлари, хурмо ва унинг турларига оид сўзлар;

Саккизинчи боб - бозор, ҳаммом, масжид, мадраса, қабристон ва уларга алоқадор сўзлар, ҳайвонларнинг турар жойлари номлари;

Биринчи фасл - иморат, хона ва уларнинг асосий қисмлари номлари;

Тўққизинчи боб - тегирмон ва унинг қисмлари, чарх, элак, қозон, ўчоқ, идиш-товоқ каби сўзлар;

Биринчи фасл - сандиқ, бешик, чодир, умуман ёғочдан ясалувчи буюмлар номлари;

Ўнинчи боб - Аллоҳ, фаришталар, ирққа оид сўзлар, шайтон, жин каби сўзлар;

Ўн биринчи боб - инсон қомати, қиёфаси, инсон танаси, тана аъзоларининг номлари;

Биринчи фасл - катта бошли, кичик бошли, оқ юзли, холдор, сийрак соқолли, ўрта бўйли киши каби инсоннинг тана аъзолари тузилиши бўйича номланишига бағишланган сўзлар;

Иккинчи фасл - инсоннинг она қорнидаги ҳолатидан қаригунига қадар бўлган даврларнинг номлари;

Учинчи фасл - инсон табиати, хулқи, характериға оид ақл, қилиқ, одат, гина каби сўзлар;

Тўртинчи фасл - аёлларнинг ўсиш жараёни, яъни қиз бола, аёл, ўрта ёш аёл каби сўзлар;

Бешинчи фасл - қариндош-уруғчилик, оила аъзолари, кўни-кўшни, ёру-биродарларни билдирувчи сўзлар;

Олтинчи фасл - устоз, солиҳ, нодон, ўғри каби сўзлар;
 Ўн иккинчи боб - халифа, бек, амир, доруға, тириклик, тўкин-сочин ҳаёт, қашшоқлик каби сўзлар;
 Биринчи фасл - қул, канизак, шогирд, навкар, элчи, жарчи, лашкарбоши каби сўзлар;
 Ўн учинчи боб - дин, миллат, закот, суннат, савоб, хайр, гуноҳ каби сўзлар;
 Биринчи фасл - Қуръон, сура, оят, масал, ҳадис сўзлари;
 Иккинчи фасл - адаб, луғат, калам, дафтар, канцелярия буюмлари номлари;
 Ўн тўртинчи боб - жаннат ва унга алоқадор сўзлар;
 Биринчи фасл - муқаддас тўрт китоб номлари, роҳиб, санам каби сўзлар;
 Иккинчи фасл - жаҳаннам ва унга алоқадор сўзлар;
 Ўн бешинчи боб - паргор ва унга ўхшаш асбоблар;
 Биринчи фасл - қайиш, этик, ковуш, бошмоқ, хом тери, кўнчи каби сўзлар;
 Иккинчи фасл - мешкоп ва унга алоқадор сўзлар;
 Учинчи фасл - тери билан боғлиқ сўзлар, мўйнали ҳайвонлар номлари;
 Тўртинчи фасл - тикувчи, бўз тўкувчи ва улар ишлатадиган асбоб-ускуналар номлари;
 Бешинчи фасл - кемачиликка оид сўзлар;
 Олтинчи фасл - темирчи ва темирчиликка оид темир турлари, сангдон, болға, темир қайчиси, қисқич, эгов, кўмир каби сўзлар;
 Еттинчи фасл - овчи ва унга алоқадор тузоқ, тўр, балиқчи, қармоқ сўзлари;
 Саккизинчи фасл - ашула, соз ва уларга оид сўзлар;
 Тўққизинчи фасл - рақс билан боғлиқ сўзлар;
 Ўнинчи фасл - атторчиликка оид сўзлар;
 Ўн биринчи фасл - май ва унга оид сўзлар;
 Ўн иккинчи фасл - оқартирувчи ва у ишлатадиган асбоблар;
 Ўн учинчи фасл - дурадгор ва у ишлатадиган анжомлар;
 Ўн тўртинчи фасл - мол доктори, сўлик, ништар, тушов сўзлари;
 Ўн бешинчи фасл - қассоб ва қассобчиликка оид сўзлар;

Ўн олтинчи фасл - ҳижолатчиликка оид сўзлар;
 Ўн еттинчи фасл - ёғ ва унга оид сўзлар;
 Ўн саккизинчи фасл - тикувчиликка оид сўзлар;
 Ўн тўққизинчи фасл - ип йигирувчи машғулотиға оид сўзлар;
 Йигирманчи фасл - пахта тозаловчи, пахта тозалаш асбоб-
 ларига оид сўзлар;
 Йигирма биринчи фасл - доричиликка оид сўзлар;
 Йигирма иккинчи фасл - касал ва касалликларга оид сўзлар;
 Йигирма учинчи фасл - савдоға оид сўзлар;
 Ўн олтинчи боб - тўй, меҳмондорчиликка оид сўзлар;
 Биринчи фасл - от ва у билан боғлиқ сўзлар;
 Иккинчи фасл - от танаси аъзоларининг номланиши;
 Учинчи фасл - от пойгаси, отчопар, марраға биринчидан
 бошлаб энг кейинги келган от номлари;
 Тўртинчи фасл – от жабдуқларига оид сўзлар;
 Бешинчи фасл - жанг майдони, қўшин, қўшиннинг турли
 қисмлари номлари, отлиқлар, пиёда, сулҳ, ўлжа каби сўзлар;
 Олтинчи фасл - жангда қўлланиладиган асбоб-анжомлар;
 Еттинчи фасл - турли хил қуроллар билан қуролланган
 кишиларнинг номлари;
 Саккизинчи фасл - жангда ишлатиладиган аслаҳалар;
 Тўққизинчи фасл - найза ва унга оид сўзлар;
 Ўнинчи фасл - ёй-камонга оид сўзлар;
 Ўн биринчи фасл - ўқ ва унга оид сўзлар;
 Ўн иккинчи фасл - пичоқчи, пичоқ ва унинг қисмларига оид
 сўзлар;
 Ўн учинчи фасл - чўқмор, гурзи, тўқмоқ, ҳасса, қамчи, камар
 каби уруш қуроллари;
 Ўн тўртинчи фасл - совут, қалқон ва уларнинг турларига
 боғлиқ сўзлар;
 Йигирманчи боб - туяға оид сўзлар;
 Биринчи фасл - туя аъзоларининг номлари;
 Иккинчи фасл - туя асбоб-анжомлари;
 Учинчи фасл хачир, эшак, қулон ва уларнинг болалари
 номлари;
 Тўртинчи фасл - охир, ўт, тўқим, юк каби сўзлар;

Йигирма биринчи боб - қора молларга оид сўзлар;
 Биринчи фасл - қорамол шохи, туёғи каби сўзлар;
 Иккинчи фасл - қўй, эчкиларга оид сўзлар;
 Учинчи фасл - қўйларнинг сифат-хусусиятларига оид сўзлар;
 Тўртинчи фасл - қўй, туя каби хайвонларнинг юнглари номи-
 га бағишланган сўзлар;
 Бешинчи фасл - сут берадиган уй хайвонлари;
 Йигирма иккинчи боб - ёввойи хайвонлар номлари;
 Биринчи фасл - судралиб, ўрмалаб юрувчи хайвон номлари;
 Иккинчи фасл - ҳашоратлар;
 Йигирма учинчи боб - қарчиғай, лочин, бургут, қирғий каби
 йирик қуш номлари;
 Биринчи фасл - кичик қушлар номлари;
 Йигирма тўртинчи боб - сифат туркумига кирувчи сўзлар;
 Йигирма бешинчи боб - тур, жинс, нав каби турли ёрдамчи
 сўзлар;
 Йигирма еттинчи боб - равиш ва равиш ясовчи олд қўшим-
 чалар;
 Йигирма саккизинчи боб - сўроқ ва нисбат олмошлари.

«Муқаддамату-л-адаб» «исм» қисмига оид 28 бобдан иборат
 сўзлигида Замахшарий ўз даврида қўлланилган от, сифат, сон,
 олмошга оид барча соҳа сўз бирликларини, жумладан: йил, ой,
 кун ва бошқа вақт бирликлари, осмон жисмлари ва ер, сув
 ҳавзалари, деҳқончилик, савдо-иқтисодий терминлар, ҳунарманд-
 чилик, инсон ва инсоний ҳислатлар, дин ва диний атамалар,
 чорвачилик ва жанг қуролилари, шунинг учун сифат, равиш ва
 олмошларга бағишланган бобларни ўз ичига олади.

Маълумки, араб тилшунослигида феъл категориясига алоҳи-
 да эътибор берилган, чунки феъллар сўз туркумлари ичида
 асосий етакчилик қилган. Шу сабабли ҳам феъл, уларнинг тур-
 лари, тусланиши каби масалалар араб ва бошқа тилшунослар
 томонидан анчагина кенг ўрганилган, турли ёндошувларни ёқла-
 ган тилшунослик мактаблари пайдо бўлган. Умуман, тилшунос-
 лар феъл категориясига Маҳмуд Замахшарий асослаган, тартибга
 солган қоидалар асосида ёндошганлар. Улар феълларнинг энг
 камида уч ўзакли бўлишини шарт қилиб қўйдилар, уларни уч

ўзакли ва тўрт ўзакли турларга бўладилар. Уч ўзакли феълларнинг ўзини тўғри ва иллатли феълларга тақсим қиладилар. Тўғри феълларга уччала ўзаги бутун бўлган феъллар киритилган, улар тилшуносликда муфрад, деб номланиб, бу туркумга ўзаклардан бирортаси бўш, ноқис ҳарфлардан ифодаланган феъллар киритилган. Айнан шундай ёндашув тўрт ўзакли феълларга татбиқан ўрганилган, грамматик қоидалар тизимида ўз аксини топган.

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги сўзлик қисмларида грамматик қоидаларнинг амалий татбиқига урғу беради. Уларнинг илмий номларидан қочиб, амалий номларини асосида бўлакларга бўлади. Барча тилларда луғатлар унга юклатилган вазифа, мақсадлар ечимига қаратилган бўлади. Ўрта аср олимлари луғатларни 2 турга, яъни сўздан маънога ва маънодан сўзга қаратилган луғатларга бўлганлар. Дастлаб араб тилидаги луғатлар изоҳлаш усулига асосланди. Исломни қабул қилган мамлакатларнинг кўпайиши, ислом таълимотининг араб бўлмаган миллатлар орасида кенг тарқалиши таржима луғатларнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалишига зарурият яратди.

Айнан Маҳмуд Замахшарий даврига келиб демак XI-XII асрларда Абу Абдуллоҳ Завзанийнинг «Китабу-л масодир», Аҳмад Майдонийнинг «Сомий фи-л-асомий», Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» луғатлари анча такомиллашган, кенгрок қулайликка эга, араб тили луғатларининг замонавий талабларга яқин шакллантирилган.

Маҳмуд Замахшарий юқоридаги олимларнинг асарларидан фарқли ўларок «Муқаддамату-л-адаб»да араб тили грамматикаси қоидалари асосига таянади. Юқоридаги икки луғатга исмларга оид сўзлар ва уларнинг форсий таржималари киритилган. «Муқаддамату-л-адаб» таркибий нуқтаи назардан араб тили грамматикаси қоидалари, яъни, исмлар, феъллар, ҳарфлар сўз категорияларига бўлинган ҳолда тузилган. Маҳмуд Замахшарий моҳир ва билимдон тилшунос ҳамда луғатшунос олим сифатида илмий назардан тўғри усулни танлайди ва асар ҳар тарафлама қулайликларга эга бўлиб, тилни ўрганувчилар учун, фойдаланувчиларга содда, осон ҳолатга келтирилган.

Феъллар қисми асарнинг энг катта сўзлик киритилган қисми

саналади. Муаллиф феълларни ўзи асос солган ички тузилиш принципи асосида тузган. Ўздан олдинги луғатшунослар услубини такомиллаштирган ҳолда феълларнинг ўзак тизимини алифбо асосида тартиблаш қоидасини ишлаб чиқди ва уни ўз луғатида истифода этди. Мазкур усул Маҳмуд Замахшарий асос солган луғатшунослик принципи, деб ҳисобланади ва ҳозирга қадар замонавий араб тили луғатларида кенг истифода этилди. Араб тилининг замонавий луғатларига асос сифатида қабул қилинган ушбу усул такомиллашган шаклда истифода этилмоқда¹.

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб»нинг феъл сўзлигига ўзак асосида ёндашган ва уч ўзакли, тўрт ўзакли бобларга ажратган. Феъл қисмининг сўнгида ўзгармайдиган шаклда қўлланадиган бирикмаларни келтирган. Маҳмуд Замахшарий I бобга мансуб уч ўзакли феълларни 7 шаклдаги қолипларга бўлади ва *фа'ала яф'алу*, *фа'ала яф'улу*, *фа'ала яф'илу*, *фа'ила яф'илу*, кетма-кетлигида жойлаштиради.

Биринчи боб феъллари тизимида дастлаб тўғри феълларни келтиради. Улар биринчи боб феълларининг асосий таркибини ҳосил қилади. Араб тилидаги феъллар мураккаб ички тузилишга эга бўлганлигини инобатга олиб Маҳмуд Замахшарий феъллар қаторида уларнинг ички ўзгаришларида учраши мумкин бўлган барча ҳолатларни аниқлайди ва уларга оид мисолларни келтиради. Лекин бу ички тузилиш ҳолати барча биринчи боб феъллари учун бир хил эмас. Уларда бир-бирига мос келмайдиган ҳолатлар учрайди ва ўзакнинг ички тузилишида мавжуд ҳолатларгина берилади. Жумладан, *фаъала яф'илу* қолипидаги феъллар 7та, *фа'ала йафъулу* қолипидаги феъллар 4та, *фа'ла йаф'алу* 9та, *фа'ила йаф'алу* 2та, *фа'ала йаф'илу* 2та, *фа'илу йаф'илу* 4та, *фу'ила йуф'алу* 3та таркибий ички ўзгаришлар билан боғлиқ феъллар берилган. Барча I бобдаги феълларда тўғри феъллар асосий қисми ташкил этган. Айрим ички ўзгаришларга мисол тарзида биргина феъл мисол келтирилган. Демак, Маҳмуд Замахшарий феъллар қисмида араб тилида учраши мумкин бўлган яқка ҳолатларни ҳам эътиборга олган. *Фа'ала йаф'илу*

¹ Қаранг: Гранде Б. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом цвилизации. – М., 1998. С. 99.

қолипидаги феълларнинг биринчи ва учинчи ўзаклари иллатли кўринишига биргина, *валийа* ولي, феъли, *фа‘ила йаф‘илу* қолипидаги феълларнинг биринчи ўзаги *ё* билан ифодаланган иллатли феълларга *يسر* - *йасура* феъли, шу бобнинг иккинчи боб ўзаги билан ифодаланган қисмига *طال* - *тāла* феълининг берилиши мисол бўла олади.

Биринчи боб феълларидан сўнг 4-боб феъллари киритилган. Ундан тўғри феъллар ҳамда 7 та ички ўзгаришларга оид бўлимлар ўрин олган. Маълумки, замонавий луғатларда биринчи боб феълларидан сўнг иккиланган ўзакли *фа‘ала* кўринишидаги 2-боб феъллари келган. Маҳмуд Замахшарий эса 1-боб феълларидан сўнг айнан шу бобдан ясалган *аф‘ала* қолипидаги 4-боб феъллари келтирган. *Фа‘‘ала* қолипидаги бобида 8 та ички ўзгаришлар билан берилган сўзлар мавжуд.

Фа‘ала қолипидаги феъллар сирасига тўғри феъллар билан бирга 9 та ички ўзгаришли мисоллар киритилган. Уч ўзакли *ифта‘ла* бобига феълларнинг 6 та шаклга, *иф‘аввала* бобига жами 129 та феъл, *инфа‘ала* бобига 4 ўзгаришли ҳолатга оид 133 та феъл, *иф‘алла* бобига 3 та ички ўзгаришли ҳолат, *иф‘аллала* бобига 2 та ички ўзгаришли жами 9 та феъл, *фа‘‘ала* бобига 9 та ички ўзгаришли феъллар, *тафа‘‘ала* бобига 8 та ички ўзгаришли феъллар, *истиф‘ав‘ала* бобига 1 та ички ўзгаришли жами 12 та феъл киритилган. Феъллар қисмида тўрт ўзакли феъллар боби алоҳида ажратиб кўрсатилган. Унда *фаълала* қолипидаги 7 та ўзгаришли феъллар, *тафа‘лала* боби ва 4 та ўзгаришли феъллар, *тафа‘лала* бобига тегишли 3 та феъл, *ин‘анлала* бобига оид 7 та феъл, *иф‘алалла* боби феъллари киритилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги феъл бобларнинг жойлашиш тартиби замонавий илмий адабиётларда келтирилган феъл бобларнинг кетма-кетлигидан фарқ қилади.

Феъллар қисмига киритилган бобларнинг таркиби бир бирига ўхшаш бўлиб, айрим ҳолатлардагина фарқли жиҳатлари учрайди. Барча феъл боблари анъанавий тўғри феъллар билан бошланган. Бу турдаги феъллар аксарият кўпчиликни ташкил этади. Улар охирги ўзак ҳарфининг алифбо тартибида жойлашишига асосланган. Матнда охирги ўзак ҳарфлари ажратиб кўрсатилган. Дастлаб

араб тили грамматикаси қоидаларига биноан III шахс бирликдаги инфинитив сифатида қабул қилинган ўтган замон феъли берилган. Сўнгра унинг ҳозирги келаси замон кўриниши ва турли масдарлари келтирилади.

Феъл бобларининг кетма-кетлик тартиби қиёси

Муқаддамату-л-адаб	Боб номи	Гранде	Боб номи
فَعَلَ يُفَعِّلُ فِعْلًا	I боб	فَعَلَ	I боб
فَعَلَ يَفْعُلُ			
فَعَلَ يَفْعُلُ			
فَعَلَ يَفْعُلُ			
فَعَلَ يَفْعُلُ			
فَعَلَ يَفْعُلُ			
فَعَلَ يَفْعُلُ			
أَفْعَلَ يُفَعِّلُ إِفْعَالًا	IV боб	فَعَلَ	II боб
فَعَلَ يُفَعِّلُ تَفْعِيلًا وَ تَفْعِلَةً	II боб	فَاعَلَ	III боб
فَاعَلَ يُفَاعِلُ مُفَاعَلَةً وَ فِعَالًا	III боб	أَفْعَلَ	IV боб
إِفْتَعَلَ يَفْتَعِلُ إِفْتِعَالًا	VIII боб	تَفَعَّلَ	V боб
إِفْعَوَلَ يَفْعَوُلُ إِفْعَوَالًا	XIII боб	تَفَاعَلَ	VI боб
إِنْفَعَلَ يَنْفَعِلُ إِنْفِعَالًا	VII боб	إِنْفَعَلَ	VII боб
إِفْعَلَ يَفْعُلُ إِفْعَالًا	IX боб	إِفْتَعَلَ	VIII боб
إِفْعَالَ يَفْعَالُ إِفْعِيَالًا	XI боб	إِفْعَلَ	IX боб
تَفَعَّلَ يَتَفَعَّلُ تَفْعَلًا	V боб	إِسْتَفْعَلَ	X боб
تَفَاعَلَ يَتَفَاعَلُ تَفَاعُلًا	VI боб	إِفْعَالَ	XI боб
إِسْتَفْعَلَ يَسْتَفْعِلُ إِسْتِفْعَالًا	X боб	إِفْعَوَلَ	XII боб
إِفْعَوَلَ يَفْعَوُلُ إِفْعِيَالًا	XII боб	إِفْعَوَلَ	XIII боб
		إِفْعَنَلَ	XIV боб
		إِفْعَنَلَى	XV боб
فَعَّلَ يُفَعِّلُ فَعْلَلَةً	4 ўзакли феълларнинг I боби	فَعَّلَ	4 ўзакли феълларнинг I боби
تَفَعَّلَ يَتَفَعَّلُ تَفْعَلًا	4 ўзакли феълларнинг II боби	تَفَعَّلَ	4 ўзакли феълларнинг II боби

إِفْعَلَّلَ تَمَفْعَلُ يَتَمَفْعَلُ تَمَفْعَلًا	4 ўзакли феълларнинг III боби	إِفْعَلَّلَ	4 ўзакли феълларнинг III боби
إِفْعَلَّلَ يَفْعَلِّلُ إِفْعَلَّلًا	4 ўзакли феълларнинг IV боби	إِفْعَلَّلَ	4 ўзакли феълларнинг IV боби

Тўғри феъллардан сўнг иккиланган, яъни II ҳамза III ўзаклари бир хил ундош билан ифодаланган феъл шакли берилади. Ундаги феълларнинг жойлашиши тартиби ҳам охириги ўзак ҳарфига қараб белгиланган.

Маълумки араб феълларининг ўзак ҳарфлари соғлом аниқ ундошлар билан ифодаланган. Лекин ўзак ундошларидан бирининг ёки иккисининг *вов* ёки *йа* ҳарфлари билан ифодаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Анъанавий грамматик асарларда бундай феъллар *му‘тал* – «касал», «иллатли» деб номланади. Айнан шундай номланиш асосида жойлаштириш усулини «Муқаддамати-л-адаб» асарида кўриш мумкин.

Умуман олганда, тилшунослик луғатшунослик тарихида Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамати-л-адаб» асари каби манба учрамайди. Чунки бу принцип асосида яратилган асар мавжуд эмас. Маҳмуд Замахшарий ҳам тилшунос, ҳам луғатшунос, ҳам адабиётшунос олим сифатида тил ўрганиш жараёнини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини қориштирган ҳолда янги андоза услубдаги қўлланмани яратган.

«Муқаддамати-л-адаб» асарининг араб тили грамматик назарияси ривожланишига қўшган ҳиссаси.

«Муқаддамати-л-адаб»даги исм сўз туркумининг талқини

Жаҳон шарқшунослигида «Муқаддамати-л-адаб» асосан луғат сифатида танилган. Чунки унинг асосий катта қисмлари исм ва феълларга бағишланган. «Муқаддамати-л-адаб»нинг учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлари грамматик мавзуларга бағишланган. Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамати-л-адаб»даги грамматик материалларга ўзининг грамматика бўйича капитал асари «Муфассал фи синаъти-л-иъраб»нинг таркибий тузилиши асосида

ёндашган. Асарнинг кенг оммага мўлжалланган услуби содда, баёни тушунарли тарзда ёзилган. Шу сабабли ҳам «Муқаддамату-л-адаб»нинг грамматик қисмлари китобхон толиби илмлар томонидан яхши қабул қилинган. Асосий таълим муассасалари ҳисобланган мадрасаларда араб тили таълимида кенг миқёсда фойдаланилган. Давр ўтиши билан асарнинг грамматикага оид қисмлари мустақил асар сифатида мадрасалар учун асосий қўлланма шаклида китобат қилинган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг тўртинчи қисми «Тасрифу-л-асма» деб аталган ва у араб адабий тилида исмларнинг турланишига бағишланган. Мазкур қисм халқ орасида унинг бошланиш сўзи «*Харакат*» билан машҳур бўлган. Асарда гапда турли грамматик омиллар таъсири остида исмларнинг охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар изоҳланади. Улар араб тилидаги бош келишик (الرفع - *ар-раф*'), қаратқич келишиги (الجر - *ал-жарр*), тушум келишиги (النصب - *ан-насб*) ҳолатларида намоён бўлади. Исмларнинг турланишига бағишланган ушбу қисм 32 фаслдан иборат. У анъанавий «Басмала»дан бошланиб, сўнг араб наҳвидаги *эъроб* тушунчасига қисқача таъриф берилган¹.

Биринчи фасл грамматик аниқ ва ноаниқ ҳисобланган исмларга бағишланган бўлиб, унда исмларнинг аниқ ва ноаниқ ҳолатларининг аломатлари мисоллар билан изоҳланган.

Иккинчи фаслда аниқлик артикли ال- *алӣф* - *лām* баён этилади. Унга кўра *танвин* ва *алӣф* – *лām* бир пайтнинг ўзида бир исмда жамланиши мумкин эмас, исмга *алӣф-лām* орттирилганда *танвин* тушиб қолади ва *танвин* билан *алӣф* – *лām* қўлланилмайди. Бу ҳолатга мисоллар билан далиллар келтирилган.

Учинчи фасл исмларнинг турланишига бағишланган «Турланадиган исмлар» мавзусида уч келишикли المنصرف - *ал-мунсарифу*, икки келишикли غير منصرف - *ғайру мунсарифин* – шунингдек, ўзгармас, турланмайдиган المبني – *ал-мабнӣ* исмлар ҳақида умумий қоидалар мисоллар билан баён қилинган.

¹ Мавзулар кетма-кетлиги айнан асардаги тартибда берилди. Махмуд Замаҳшарий «Муқаддамату-л-адаб». ЎзР ФА Абу Райхон Бериий номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв. № 429. – В. 354-360 б.

Тўртинчи фаслда *алиф мақсура* билан тугаган исмларнинг ҳар уч келишиқда ўзгармай қолиши ҳақида маълумот берилади.

Бешинчи фасл исмлардан иккилик шаклининг ясалишига бағишланган. Унда иккилик кўшимчаси кўшилиши билан содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида фикр юритилиб, бош, қаратқич ва тушум келишиқларининг белгиларига тўхталиб ўтилган.

Олтинчи фасл. Бу фаслда тўғри ҳамда синиқ кўплик, синиқ кўпликнинг бир хил қолипда ясалмаслиги ҳақида сўз юритилиб, музаккар жинсдаги исмлардан тўғри кўплик шаклининг ясалиши изоҳланган.

Еттинчи фасл. Музаккар жинс тўғри кўплик шаклидаги исмнинг келишиқларда турланишига бағишланган. Уларнинг икки келишиқли бўлиши мисоллар билан кўрсатилган ва шу билан бирга бу кўпликларнинг қўлланиш ўринлари фарқлаб берилган.

Саккизинчи фасл. Синиқ кўплик шаклига бағишланган бўлиб, унда *افعل* - *аф* 'улун, *افعال* - *аф* 'ālун, *افعة* - *аф* 'илатун, *فعلة* - *фи* 'латун қолипидаги сўзларнинг *جمع القلة* - *жам* 'у-л-қилла, яъни «кам сонли кўплик» деб аталмиш ўн ва ундан ортиқ бўлмаган нарсалар, буюмларнинг ҳисоби изоҳланган.

Тўққизинчи фаслда *جمع القلة* - *жам* 'у-л-қилладан кўплик шакли ясалиши берилган ва бу ҳолат *أكلب* - *аклубун* - *أكالب* - *акāлибу* «итлар» *أنعام* - *ан* 'амун - *أناعيم* - *анā* 'īму – «ҳайвонлар» каби мисоллар билан ёритилган.

Ўнинчи фаслда иккиликни ифодалаш учун кўплик шаклидан фойдаланиш мумкинлиги, лекин бу ҳолат мазмунан иккиликни ифодалашни ёритилади. Масалан, *ما أحسن رأسيهما* - *ма ахсана ра* 'сайҳимā ўрнига *ما أحسن رؤوسهما* *ма аҳсана ру* 'усаҳумā иборасини қўллаш мумкинлиги изоҳланган.

Ўн биринчи фаслда дона отларнинг ясалиши ҳақида сўз юритилади. Жамловчи маънодаги отларга *ة* - *атун* кўшимчасини қўшиш билан дона отлари ясалади, масалан: *نخل* – *нахл* (умуман) «хурмо», *نخلة* - *нахлатун* «бир дона хурмо» каби.

Ўн иккинчи фасл охирида *касрали йа* билан тугаган исмлардан кўплик ясалишига бағишланган. Уларнинг келишиқларда турланиши мисоллар билан тушунтирилган. Масалан, *قاض* -

қаддин, قاضون - қадўна, قاضين - қадўна.

Ўн учинчи фасл охири *алйф мақсура* билан тугаган исмлардан кўплик ясалишига бағишланган бўлиб, унда юз берадиган ўзгаришлар ва уларнинг келишикларда турланиши мисоллар билан тушунтирилган. Масалан, اعلون - а'лўна, бош келишикда, اعلين - а'лўна, тушум ва қаратқич келишигида.

Ўн тўртинчи фасл. Бу фасл изофага бағишланган. Унда изофанинг биринчи қисми *алйф-лām* олмаслиги, уч келишикдан бирида келиши, иккинчи қисм эса вазиятга қараб аниқ ёки ноаниқ келиши ҳақида фикр юритилади, мисоллар келтирилади.

Ўн бешинчи фасл иккилик сон ва музаккар жинс тўғри кўплик шаклидаги исмларнинг изофа таркибига кириши ва уларнинг таркибида оғзаки нутқ ва ёзувда рўй берадиган ўзгаришларга бағишланган.

Ўн олтинчи фаслда исмлардан муаннас шаклини яшаш қоидаси изоҳланган. Масалан, مسلم – *муслим*, مسلمة – *муслима*.

Ўн етинчи фасл санок сонларга бағишланган. Унда дастлаб ўнгача бўлган санок сонлар, уларни саналмиш билан мослашиш қоидалари, сўнгра ўн бир, ўн икки сонларининг ўзига хос хусусиятлари ва ундан ортиқ бўлган сонлар ҳақида маълумот берилади.

Ўн саккизинчи фаслда муаннаслик белгиси бўлмасада, муаннас ҳисобланган исмлар келтирилган. Бу фаслда шаклан музаккар бўлса ҳам муаннас ҳисобланувчи عين – *айн*, شمس – *шамс*, نار - *нār* каби сўзлар билан боғлиқ ҳолатлар кўрсатилган.

Ўн тўққизинчи фасл муаннас жинсдаги исмлардан тўғри кўплик шаклини яшаш, уларнинг келишикларда турланиши баён этилган ва мисол билан исботланган.

Йигирманчи фасл فعلة - *фа'латун* қолипдаги исмлардан кўплик шаклининг ясалишига бағишланган. Агар فعلة – *фа'латун* қолипдаги сўз исм бўлса, ундан кўплик ясалганда ўрта ўзакдаги **суқун фатҳага** айланади. Масалан, ركعة – *рак'а*, ركعات – *рак'āt*. Агар мазкур қолипда сифат ясалган бўлса, бу ҳолда кўплик шаклида ҳам ўрта ўзакдаги суқун ўзгармай қолади. Масалан, ضخمة – *дахматун*, ضخامات – *дахмāt*.

Йигирма биринчи фасл исмларнинг синик кўпликдаги шак-

ли билан бирга ишлатилишига бағишланган.

Йигирма иккинчи фасл гапнинг эга ва кесимига бағишланган. Бу фаслда исмий содда гапларнинг тузилиши шарҳланади. Унга кўра, бош келишидаги икки ёнма-ён келган исмларнинг бири атоқли, иккинчиси турдош отдан ифодаланган бўлса, уларнинг биринчиси эга, иккинчиси кесим вазифасида келади. Масалан: زيد ذاهب - Зайд *zāḥīb*, عمرو خارج - Амру *xārij*.

Йигирма учинчи фаслда от билан сифатнинг мослашиши изоҳланади. Араб тилида улар жинсда, сон, ҳолат ва ҳаракатда мослашади. Улардан кейин келаётган мослашган аниқловчилари ўзлари боғлиқ бўлган сўзлар билан ҳаракатда мослашади. Бу ҳолатлар кўп сонли мисоллар билан мустаҳкамланган.

Йигирма тўртинчи фаслда алиф мақсура ва алиф мамдўдали исмлар шарҳланган. Алиф мақсурали исмларга حبلّی - хублā, بشرى - бушрā, алиф мамдўдага حمراء - ҳамрā'у, صحراء - саҳрāу каби мисоллар келтирилган.

Йигирма бешинчи фасл араб тилидаги атоқли отлардан иккилик ҳамда кўплик шакллари ясалишига бағишланган. Унда زيد - Зайд, هند - Ҳинд каби атоқли отлар иккилик ва кўплик шаклида алиф - лām олиши изоҳланади. Масалан, زيد - Зайд, الزيدان - аз-Зайдāн, الهند - Ҳинд, الهندان - ал-Ҳиндāн, الهنات - ал-ҳиндāт.

Йигирма олтинчи фаслда нисбий исмлар изоҳланган. Уларнинг сўз охирига қўшалок ى - йā қўшиш билан ясалиши кўрсатилган, масалан. بلد - балад, بلدى - баладй, مصر - Миср, مصرى - мисрий. Шунингдек, муаннас жинсдаги исмлардан нисбий отлар ясалишида ة - та марбутанинг тушиб қолиши кўрсатилган: البصرة - ал-Басра, بصرى - басрий, الكوفة - ал-Кўфа, كوفى - кўфий.

Йигирма еттинчи фасл кўплик шаклидан нисбий сифатларни ясаб бўлмаслиги ҳақида. Унда изоҳланишича, кўпликдаги فرائض - фарāиду, صحائف - саҳāифу каби сўзлардан فرائضى - фарāидий, صحائفى - саҳāифий шаклида нисбий сифат ясаб бўлмайди.

Йигирма саккизинчи фасл исмлардан кичрайторма отлар ясашга бағишланган. Бунда уч ўзакли сўзлардан فعيل - фу'айл -

فلس – филс - فليس – фулайс, тўрт ўзакли сўзлардан درهم – дирҳам – دىنير – динир – دينار – дйна̄р, беш ўзакли сўзлардан دريهم – дурайҳим, дунайн̄р шаклида кичрайтирма отлар ясалиши изоҳланган.

Йигирма тўққизинчи фасл кўпликдаги исмлардан кичрайтирма исм ясашга доир бўлиб, агар кўпликдаги исмлардан кичрайтирма исм ясаш лозим бўлса, у ҳолда бу исм бирлик ҳолатига келтирилади ва кичрайтирма исм ясаиб, кўплика ўғирилади. Масалан, دراهم – дарāҳим, درهم – дирҳам - دريهم – дурайҳим – دريهمات – дурайҳимāt; مساجد – масāжид – مسجد – масжид – مساجدāt – мусайжидāt – مسيجد – мусайжид.

Ўттизинчи фасл исмларни сукун ва танвинсиз ўқиш ҳақида. Агар исм бош ва қаратқич келишигида бўлса уни сукунли, агар исм тушум келишигида бўлса, фатҳали ўқилади. Масалан, رأيت زيد - Ҳазā Зайдун, مررت بزید - марарту би-Зайдин, هذا زيد - ра'айту Зайда.

Ўттиз биринчи фасл бошланиши васлани хамза билан ифодаланган ўнта сўзга бағишланган. Улар: اسم – 'исм, إسم – 'ист, إثنان – 'иснāн, إثنان – 'иснатāн, امرأة – 'имра, امرأة – 'имра'атун, أيم – 'айм.

Ўттиз иккинчи фаслда мураккаб санок сонлар ўз ифодасини топган. Юз ва минг сонларининг саналмиш билан мослашиш ҳолатлари изоҳланган. Масалан, ثلاثمائة ثوب – саласу мийати савбин, ألف درهم – алфу дирҳамин.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг «تصريف الأسماء» – тасрйфу-л-'асмā'и «деб номланувчи 4-қисми исмларнинг турланишига бағишланган. Олим ўзининг тилшуносликка оид барча ишларида “турланиш” масаласига жиддий эътибор қаратган. Алломанинг фикрича, араб тили грамматикасининг асосини “اعراب” - и'рāб”- флексия ташкил қилади¹. Араб тилида “эъроб” деганда сўзларнинг охирги бўғин унлисининг ўзгариши тушунилади. Исмларда бу ўзгариш унинг келишигини, феъллардаги (ҳозирги замон) ўзгариш эса унинг майлини ифодалайди.

¹ Қаранг : Маҳмуд Замахшарий. Ал-Муфасссал фи-н-наҳв. – Миср: Қоҳира , 1987.

Флексия расман ва шаклан усулларда амал қилади. Флексияга учрайдиган сўз туркуми бу исм ва ҳозирги-келаси замон шаклидаги феъл бўлиши мумкин. Исм ва феъл учун умумий флексив шаклунинг “рафъ” ва “насб”, яъни “-у” ва “-а” (исмнинг бош ва тушум келишиги, феълнинг эса дарак ва истак майли) га тугашидир. “Жарр” қаратқич келиши кўшимчаси “-и” исмга хос бўлса, “жазм” (сўзнинг ундошга тугаши) феълнинг шарт майли кўринишидир¹.

Замахшарий келишиклар ҳақида шундай ёзади: “Келишикларнинг ҳаракатлари “рафъ”, “насб” ва “жарр” деб аталади. Улар турли омиллар туфайли исмларнинг охирида бўладиган ўзгаришлар саналади, масалан: *جاءني الرجل* - *жā’анӣ ар-ражулу* - «олдимга киши келди», *رأيت الرجل* - *ра’айту ар-ражула* - «кишини кўрдим», *مررت بالرجل* - *марарту бир-ражули* - «кишининг олдидан ўтдим»².

Рафъ-исмларда бош келишикни, феълларда дарак майлини; насб-исмларда тушум келишигини, феълларда истак майлини; жарр – исмларда қаратқич келишигини билдирса, жазм феълларда шарт майлининг кўрсаткичи ҳисобланади. Мисоллардан кўриниб турибдики, рафъ – бош келишикни ифодалайди: *جاءني الرجل* - *жā’анӣ ар-ражулу*. Бу гапда “*الرجل* - *ар-ражулу*” эга, кўрсаткичи “дамма”; *رأيت الرجل* - *ра’айту ар-ражула*» кишини кўрдим» гапида “*الرجل* - *ар-ражула*” сўзи ўтимли феъл таъсирида тушум келишигидаги тўлдирувчи, кўрсаткичи эса “фатҳа”; учинчи *مررت بالرجل* - *марарту бир-ражули*» кишининг олдидан ўтдим» гапида “*الرجل* - *бир-ражули*” сўзи *ب* - *би* олд кўмакчиси таъсирида қаратқич келишигида, кўрсаткичи “жарр” ҳаракатидир.

Замахшарий эъроб ҳақидаги фикрларни давом эттириб шундай дейди: “Бинонинг³ ҳаракати “дамма, фатҳа ва касра” деб аталади. Агар исмларнинг олдидан турли омиллар келмаса, улар мана шу ҳаракатга ўзгармас бўлади. Масалан: *من حيث* - *мин ҳайсу*,

¹ Насырова М. Из истории возникновения арабской грамматики: понятие флексии // Востоковедение. – ТошДШИ. 2008. № 1-2. – С.107-111.

² Махмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 361а.

³ الشَّيْخُ مُصْطَفَى عَلَّابِي. جامع الدروس العربية. منشوات المكتبة العصرية. القاهرة، ص

امس – айна, اين – кайфа, كيف – мин ба‘ди, من بعد – мин қабли, من قبل – амси, هو – ҳува, لا – илла. Шу каби сўзнинг бошида ёки ўртасида келган ҳар бир ҳаракат ўзгармас ҳисобланади¹.

Турланмаслик, яъни “бино” - сўзнинг охири, ундан олдин турган омиллар ўзгарса ҳам, бир хилда ўзгармасдан қолишидир. Бундай сўзга ўзгартирувчи омиллар таъсир қилмайди². Агар сўзнинг охири таъсир қилувчи омиллар натижасида ҳам ўзгармаса, бундай сўзларга “турланмайдиган исмлар” дейилади. Бу сўзлардан олдин келган омиллар ўзгарса ҳам уларнинг охиридаги ҳаракати ўзгармайди. Масалан: اكتب – актубу, كتب – катаба, من – ман, أين – айна, هذه – ҳазихи.

Замахшарий араб тилидаги икки ва уч келишликли исмларни қуйидагича тушунтиради: “Танвин ва учта ҳаракат билан кела оладиган исм “келишликларда тўлиқ турланадиган” дейилади, масалан: رأيت رجلاً – ра’айту ражулан, هذا رجلٌ – ҳазра ражулун, مررت بمررت برجلٍ – марарту бирожулин. Фақат рафъ ва насб ҳолатида келадиган, танвин ва жарр ҳолатида келмайдиган ҳамда жарр ҳолатида ҳам насб бўлиб келадиган исм “келишликларда тўлиқ турланмайдиган” дейилади, масалан: هذا أحمدٌ – ҳазра’аҳмаду, راييت مررت بأحمدٍ – марарту би’аҳмада.

Уччала ҳаракат билан ҳам, танвин билан ҳам келмайдиган исм “келишликларда турланмайдиган” дейилади, масалан: امس – амси, هو – ҳува, لا – ла, من – ман.

Машҳур тилшунос Мустафо Ғалайийний: “Араб тилида уч келишликда турланмайдиган, яъни икки келишликли исмлар ҳам бўлиб, уларни “мамнуъун мина-с - сарф” деб ҳам айтилади. Бундай сўзлар أَحْمَدُ – аҳмаду, يَقُوبُ – йақубу ва عَطْشَانٌ – атшиъану – га ўхшаш танвин ёки касра билан тугамайдиган сўзлар киради”³, деб Замахшарийнинг фикрларини тасдиқлайди.

Икки келишликли исмлар қаратқич келишигида касра ҳарака-

¹ Махмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 355а.

² الشَّيْخُ مُصْطَفَى غَالِيَيْنِي. جامع الدروس العربية. منشوات المكتبة العصرية. القاهرة, ص

³ الشَّيْخُ مُصْطَفَى غَالِيَيْنِي. جامع الدروس العربية. منشوات المكتبة العصرية. القاهرة, ص

тининг ўрнига фатҳа ҳаракати билан келади, масалан: مَا الْفَقِيرُ الْقَانِعُ - *мā-л-фақйру ал-қāни‘у би‘афдала мин ал-ғаниййи аш-шāкир. Бориға қаноат қилувчи қамбағал шукур қилувчи бойдан афзалроқ.*

Замахшарий “Агар сўзнинг охирида алиф мақсура бўлса, бундай сўзнинг эъроби кўринмайди”, деб هَذَا الرَّحَى - *ҳаза ар-раҳā, مررت بِالرَحَى - марарту би-р-раҳā- رأيت الرَّحَى - ра‘айтуар-раҳā, мисолларни келтирган.*

Араб тилида аниқлик - ноаниқлик категорияси мавжуд бўлиб, Замахшарий аниқ ва ноаниқ исмларга шундай таъриф берган: “Олдиндан маълум бўлган исм “маърифа” деб аталади. ال-“алиф ва лом” ҳамда изофа уларнинг аломати бўлади, масалан: الرَّجُل - ар-ражулу, الْغُلَامُ - ал-ғулāму, الْفَرَسُ - ал-фарасу, غُلَامُكَ - гулāмука, الْفَارَسُكَ - фарасука. Аталмиши олдиндан маълум бўлмаган исм “накира” деб аталади. Унинг белгиси ال-“алиф ва лом” ҳамда изофасиз келиши ҳисобланади. Масалан: رَجُلٌ - ражулун, غُلَامٌ - гулāмун, فَرَسٌ - фарасун. Танвин ва алиф-лом бир сўзда жамъ бўлиб баробар келмайди, رَجُلٌ - ражулун ёки غُلَامٌ - гулāмун дейилади, аммо الْغُلَامُ - ал-гулāмун деб танвин билан айтилмайди”¹.

Араб тилида грамматик сон категорияси мавжуд бўлиб, Замахшарий унга шундай таъриф берган: “Агар исм иккиликка айлантирилса, охирига алиф ва касралик нун қўшилади ёки ўзидан олдинги ҳарфи фатҳаланган йа ҳарфи ва касраланган нун қўшилади, масалан: رَجُلَانِ - ражулāни, رَجُلَيْنِ - ражулайни, غُلَامَانِ - гулāмāни, غُلَامَيْنِ - гулāмайни.

Иккилик исмларда рафънинг аломати алиф бўлади, йа эса насб ва жаррнинг аломати бўлади. جَاءَنِي غُلَامٌ - жā‘анī гулāмун, هَذَا رَجُلَانِ - ҳаза ражулун деганимиз каби رَجُلَانِ - ражулāни, جَاءَنِي غُلَامَانِ - жā‘анī гулāмунāни дейилади. رأيت غُلَامًا - ра‘айту гулāман деганимиз каби رَأَيْتُ غُلَامَيْنِ - ра‘айту гулāмайни дейилади, مَرَرْتُ بِغُلَامٍ - марарту бигулāмин дейилгани каби

¹ Махмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 355б.

بِغَلَامَيْنِ - марарту бигуламайни дейилади”¹.

Грамматик сон категориясини давом эттириб Замахшарий шундай ёзади: “Кўплик икки хил - тўғри ва синиқ кўплик шаклида бўлади. Синиқ кўпликда шу сўзнинг бирлик шаклидаги тартиби ўзгаради, масалан, رجل – ражулун - сўзининг кўплиги رجال - рижаълун - бўлади. Тўғри кўпликда сўзнинг бирлик ҳолатидаги тартиби ўзгармайди, масалан, مسلم - муслим сўзининг кўплик шакли مسلمون - муслимўна бўлади”².

Кўплик сондаги исмларнинг эъроби ҳақида Замахшарий шундай ёзади: “Агар сўздан тўғри кўплик шакли ясалса, унга ўзидан аввалги ҳарфи даммалик бўлган “вов” ҳарфи ва фатҳалик “нун” қўшилади, ёки ўзидан аввалгиси касралик бўлган “йа” ҳарфи ва фатҳалик “нун” қўшилади. Бу ерда алиф худди иккиликда бўлгани каби рафъ аломати, “йа” эса насб ва жарр аломати бўлади, масалан: مررت بمسلمين – марарту бимуслимийна, رأيت رجلاً مسلماً - ра’айту муслимийна, جاءني مسلمون - жа’анӣ муслимўна. Бундай кўплик инсонларга тегишли бўлиб, “тўғри кўплик” деб аталади. Синиқ кўплик эса инсонларга ва бошқа нарсаларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Араб тилида сўзларнинг “оз миқдорни англатувчи кўплик”, “кўп миқдорни англатувчи кўплик” ва “кўпликдаги кўплик” шакллари мавжуд бўлиб, улар синиқ кўпликнинг махсус вазна-ридан ясалади. Замахшарий бу ҳақда шундай ёзган: “Тўғри кўпликдаги исмлар ҳам музаккар, ҳам муаннас жинсларда оз миқдордаги кўпликни билдиради. Шунингдек أَفْعُل - аф’улун, أَفْعَلَةٌ - аф’илатун, فَعْلَةٌ - фи’латун, أَفْعَالٌ - аф’алун вазнидаги أَفْئَلٌ - афласун, أَفْرَاحٌ - афрāхун, أَلْسِنَةٌ - алсинатун, غِلْمَةٌ - гилматун каби сўзлар озчилик эканини билдирувчи кўплик шакли саналади. “Озчилик” деганда ўнтадан кам миқдор назарда тутилади. “جمع القلة” - жам’у-л-қиллати дан жамъул-жамъ, яъни кўпликнинг кўплик шакли ясалади, масалан: اكلب - аклабун - акāлӣбу, انعام

¹ Махмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429. – В.356а.

² Ўша манба.-В. 356а.

اسورة - اسواره - ин ‘āmун - анā ‘ūму, اناعيم - اساوره - асваратун - асāвироту”.¹

Мустафо Галайийний буларга аниқлик киритиб, “جمع القلة” - жам ‘у-л-қиллати оз миқдор - 10тагача бўлган нарса, “جمع الكثرة” - жам ‘у-л-касираати кўп миқдор -10 дан ортиқ бўлган нарсани англатади”², - дейди.

Кўплик ва бирлик тушунчаларини давом эттириб Замахшарий шундай ёзган: “ Кўплик ва шу сўзнинг бир донасини англатувчи сўз ўртасидаги фарқ “та” ە ҳарфи билан ажратиб олинади, масалан: نخلة – нахлатун - نخل – нахлун, ثمرة – тамратун - تمر - тамрун, صحرة – саҳратун - صحر - саҳрун, بطيخة – биттӣхатун – بطيخ - биттӣхун. Бу каби кўплик фақат яратилган нарсаларга тегишли, ясалган нарсаларга эмас”.

Араб тилида сўзлардан кўплик яшаш қоидаларини давом эттириб, Махмуд Замахшарий шундай ёзган: “Агар قاض - қāдин, غاز - gāзин каби ўзидан аввалги ҳарфи йа ҳарфига тугаган сўзлардан тўғри кўплик ясалса ундаги “йа” ҳарфи тушиб қолади ҳамда “йа” дан аввалги ҳарф бош келишикда даммага, қаратқич ватушум келишигида касрага тугайди, масалан: هم قاضون غازون - ра’айту қāдйна ва gāзйна, رايث قاضين و غازين - марарту биқāдйна gāзйна”³

Араб тилида учинчи ўзак ҳарфи иллатли бўлган “قاض غاز” - қāдин gāзй каби сўзлардан тўғри кўплик ясалганда иллатли ўзак ҳарф тушириб қолдирилади ва кўплик ясавчи “ون - ўна” қўшимчаси қўшилади ва бош келишикда ҳисобланади. Бундай сўзларнинг қаратқич-тушум келишиги худди шу усулда, фақат “ين-йна” қўшимчасини қўшиш билан ясалади.

Мавзуни давом эттириб Замахшарий шундай ёзади: “Агар

¹ Махмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429. – В.356а.

² Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Вост.лит., 1998. –С.268.

³ Махмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 356а.

охирида алиф мақсура билан тугаган сўзлардан тўғри кўплик ясалса, “алиф” тушиб қолади ва “вав” ва “йа” ҳарфларидан олдинги ҳарфи фатҳалик бўлади: *هم أعلنون* – *ҳум а’лўна*, *رايت أعلنين* – *ра’айту а’лўна*, *مررت بأعلنين* – *марарту биа’лўна*. Шунингдек, *المصطفون* – *алмустафўна*, *المرتضون* – *ал-муртадўна*, *المصطفين* – *алмустафўна*, *المرتضين* – *ал-муртадўна* каби сўзларда ҳам юқоридаги қоидага амал қилинади¹.

Замахшарий томонидан қисқа ва содда қилиб тушунтирилган мазкур қоида аслида бирмунча мураккаб бўлиб “иллатли ўзак ҳарф, заиф товуш” каби тушун-чалар билан боғлиқ. Араб тилидаги “ вав” ва “йа” ундошлари иллатли ҳисобланиб сўз таркибида унлилар билан келганида заиф ва ўзгарувчан товуш бирикмаларини ҳосил қиладилар.

Маълумки, араб тилида иккита грамматик жинс категорияси мавжуд. Улар: музаккар жинс ва муаннас жинс. Қоидага кўра араб тилидаги исмларнинг жинси унинг қўшимчасига, яъни морфологик белгисига қараб аниқланади. Замахшарий бу хусусда шундай ёзади: “ Агар сўз муаннасга айлантириладиган бўлса, охирига “та” ҳарфи қўшилади, ундан олдинги ҳарф эса фатҳалик бўлади, масалан: *صالح* - *салиҳ* - *салиҳатун*, *مسلمة* – *муслимун* – *муслиматун*. Муаннасликни билдирувчи “та” ҳарфини икки нарсадан билиш мумкин, биринчиси ўзидан аввалги ҳарф фатҳалик бўлади, иккинчиси агар шу сўзда вақф қилинса (тўхталса), “та” ҳарфи “ҳа” га айланади. Масалан: *صالح* - *салиҳ* - *салиҳатун*, *مسلمة* – *муслимун* – *муслиматун*..²

Маҳмуд Замахшарий “Агар исмнинг охирида биргина алиф келса, *بشرى* - *бушрā*, *حبلى* - *ҳублā*, *عصى* - *‘асā*, *رحى* - *рахā* каби, у “мақсур” деб номланади, агар алифдан сўнг ҳамза келса *صحراء* – *сахрā’у*, *حمرأ* - *хамрā’у* каби, у “маҳдуд” дейилади”, - дейди³.

Б.М.Гранде ушбу қоидани тасдиқлаб, “Музаккар жинс учун махсус морфологик кўрсаткич йўқ. Шаклан муаннас жинсдаги

¹ Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429. – В.356 б.

² Ўша манба. – В. 356 б.

³ Ўша манба. – В.356 б.

исмлар - 1. ضحمة - *дахматун* - *t*; 2. كبرياء - *а* - *кибрийā* 'у - *ā* 'у; 3. ذكرى - *зикрā* - *ā*; 4. دنيا - *а* - *дунийā* - *ā* кўшимчалари билан тугайди”¹.

Араб тилшуноси Мустафо Ғалайиний муаннас жинс ҳақидашундай фикрларни билдиради: “Муаннас жинсининг 3 та белгиси мавжуд. Булар *ё* - та марбута, алиф мақсура, алиф мамдуда. Масалан, *فاطمة* - *фāтиматун*, *سلمى* - *салмā*, *حسنا* - *ҳасанā* 'у.

ё - та марбута сифатларнинг музаккар ва муаннасини ажратиш учун хизмат қилади. Масалан, *محمود* - *махмūdун* ва *محمودة* - *махмūdатун*, *عالم* - *āлимун* ва *عالمة* - *āлиматун*, *بائع* - *бā'и* 'ун ва *بائعة* - *бā'и* 'атун.

ё - та марбутанинг сифатлардан бошқасига кўшилиб келиши симоъийдир, яъни камдир. Масалан: *تمرة* - *тамратун*, *غلامة* - *гулāматун*, *حمارة* - *ҳимāратун* кабилар”².

Икки жинс шаклига эга бўлган от ва сифатдан муаннас жинс -*ё* кўшимчасини музаккар жинсдаги исмга кўшиш орқали яалади, масалан: *ابن* - *ибнун* - “ўғил”, *ابنة* - *ибнатун* - “қиз”, *جد* - *жаддун* - “бува”, *جدة* - *жаддатун* - “буви”, *طويل* - *тавйлун* - *طويلة* - *тавйлатун* - “чиройли”, *جميل* - *жамйлун* - *جميلة* - *жамйлатун* - “узул”, *جمل* - *жамлун* - “жамлун”.

Маҳмуд Замахшарий муаннас жинс ҳақидаги фикрларни давом эттириб шундай ёзади: “Исмлардан муаннас бўлиб, лекин “тамарбута” ҳарфисиз келадиган *عين* - *айнун* - *кўз*, *نفس* - *нафсун* - *нафс*, каби 36 та сўзни келтиради.

Ҳам муаннас ҳам музаккар жинсда келадиган исмлар: *هدى* - *ҳадā* - *тўғри* йўл, *قفا* - *қифā* - *бўйин*, *سلم* - *салам* - *тинчлик*, *درع* - *лисāнун* - *лар* 'у - *л-ҳадй*д - *совут*, *سوق* - *сўқун* - *бозор*, *لسان* - *лисāнун* - *тил*, *سبيل* - *сирāтун* - *йўл*, *صراط* - *сирāтун* - *йўл*, *سبيل* - *сабйлун* - *йўл*, *متين* - *мустаҳкам*, *عنق* - *унқун* - *бўйин*, *طريق* - *тарйқун* - *йўл*, *ذنوب* - *зунўбун* - *гуноҳлар*, *سلاح* - *силāхун* - *қурол*, *منون* - *манўнун* - *миннат*, *قوم* - *қавмун* - *қавм*, *حرب* - *ҳарбун* - *уруш*, *طاغوت* - *тағўтун* - *шайтон*.³

¹ الشَّيْخُ مُصْطَفَى غَالِيْنِي. جامع الدروس العربية. منشوات المكتبة العصرية. القاهرة, ص1

² مصطفى غالييني. جامع الدروس العربية. 2003. - ص

³ Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамоту-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 356 б.

XX асрнинг машҳур тилшунос олими Мустафо Ғалайиний араб адабий тилида муаннас жинснинг келиб чиқиши ҳақида шундай фикр билдиради: “Исм ё музаккар, ё муаннас бўлади. Музаккар шуки, уни *هذا* кўрсатиш олмоши билан кўрсатиб бўлади. Масалан, *رجل* - *ражулун*, *حصان* - *ҳисанун*, *قمر* - *қамарун*, *كتاب* - *китабун* кабилар. У икки қисмга бўлинади:

1) Ҳақиқий. Бу инсонлар ва ҳайвонлардан эркакларини билдиради. Масалан, *رجل* – *ражулун*, *صبي* - *сабийун*, *اسد* - *асадун*, *جمل* - *жамалун* каби.

2) Мажозий. Бу инсонлар ва ҳайвонлар ва улардан бошқа нарсаларнинг музаккар муомаласида ишлатилишидир. Масалан, *بدر* - *бадрун*, *ليل* – *лайлун*, *باب* - *бабун* кабилар.

Муаннас шуки, уни *هذه* - *ҳазихи* кўрсатиш олмоши билан кўрсатиш мумкин. Масалан, *امراة* - *имра’атун*, *ناقة* - *нақатун*, *شمس* - *шамсун*, *دار* - *дарун* кабилар.

Муаннас тўрт хил бўлади: лафзий, маънавий, ҳақиқий, мажозий.

1) Лафзий муаннас шуки, музаккарга далолат қиладими ёки муаннасга далолат қиладими, охирига муаннаслик белгиси қўшилади. Масалан, *فاطمة* – *фатиматун*, *خديجة* - *хадйжатун* ёки *طهة* - *тахатун*, *حمزة* – *хамзатун*, *زكرياء* - *закарийа’у*, *بهمة* - *бахматун* кабилар.

2) Ҳақиқий муаннасшуки, инсонлар ёки ҳайвонларнинг аёл ва урғочиларига далолат қилади. Масалан, *اتان* - *атанун*, *ناقة* - *нақатун*, *امراة* - *имра’атун* кабилар.

3) Мажозий муаннас шуки, инсонлар, ҳайвонлар ҳамда улардан бошқа нарсаларнинг муаннаси ўрнидаги сўзлардир. Масалан, *رجل* - *ражулун*, *عين* - *айнун*, *دار* - *дарун*, *شمس* - *шамсун*.

Яна шундай исмлар борки, улар музаккар ҳам, муаннас ҳам бўлади. Масалан, *دلو* - *далвун*, *سكين* – *сиккйнун*, *سبيل* - *сабйлун*, *طريق* - *тарйқун*, *سوق* - *сўқун*, *لسان* - *лисанун*, *ذراع* - *зирā’ун*, *سلاح* - *силāхун*, *عناق* - *унқун*, *خمر* - *хамрун* ва бошқалар. Яна шундайлари ҳам борки, муаннаслик белгиси бору, лекин ҳар иккала жинс учун қўлланилади. Масалан, *حياة* - *хаййатун*, *شاة* -

шāтун, رابعة - руб‘атун каби сўзлар”¹.

Маҳмуд Замахшарий муаннас жинсдаги сўзларнинг кўплик шакли ҳақида шундай ёзади: “Агар муаннас жинсдаги исмдан тўғри кўплик ясалса охирига, “алиф” ва “та” қўшилади, масалан: مسلمات - муслимāтун, صالحات - салихāтун.

Бу сўздаги “та” ҳарфи дамма ҳолида бош келишикда, фатҳа ва касра ҳолида қаратқич келишигида бўлади, масалан: جاءني - жа‘анī муслимāтун, رايـت مسلمات - ра‘айту муслимāтин, مررت بمسلمات - марарту би муслимāтин. Агар فَعْلَة - фа‘латун вазнидаги сўз сифат бўлмай от бўлиб, ундан кўплик ясалса, унинг ўрта ўзак ҳарфи фатҳа бўлади ва охирига “та” қўшилади, масалан: تمرّة - тамратун - تمرّات - тамрāтун, ركعة - рук‘атун - رگعات - рук‘ātун.

Агар бу сўз сифат бўлиб келса, ўрта ўзаги сукун ҳолича қолади, масалан:

عيلة - ийлатун - عيالات - дахмāтун - داخـماتـون - ضخمة - ضخّمات - ийлāтун.

Шунингдек, агар сўзнинг ўрта ўзаги иллатли ҳарф бўлса, у ҳам сифат каби сукунлича қолади, масалан: بيضة - байдатун - بيضات - жавзатун - جـوزة جوزات - жавзāтун.

Ўрта ўзаги иллатли бўлган бундай исмлар (بيضة - байдатун каби) билан сифатларнинг (عيلة - ийлатун каби) кўплиги бир хил шаклда бўлади.

Муаннас жинсдаги исмлар (от, сифат)дан тўғри кўплик ҳосил қилиш учун уларнинг охирига “алиф” ва “та” қўшилади. “Та” бош келишикда “дамма” билан, қаратқич ва тушум келишигида “касра” билан ҳаракатланади, масалан: “ўқитувчи аёллар” сўзи бош келиишкда معلّمات - ма‘лумāтун қаратқич-тушум келишигида معلّمات - ма‘лумāтин кўринишида бўлади. Биз юқорида таърифлаган музаккар ва муаннас жинсдаги исмларнинг тўғри кўплик шакллари баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда онгли, яъни

¹ Носирова М.Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Т.: ТДШИ, 2005. –Б.111.

одамлар учун ишлатилади”¹.

Араб тили грамматикасида “сон” туркуми мураккаб бўлиб, сон билан саналмишнинг мослашувида бирқанча қоидалар амал қилади. Шу хусусда Махмуд Замахшарий шундай ёзади: “Учдан ўнгача бўлган сонларнинг жинси саналмишнинг жинси муаннас бўлса унга тескари жинсда, яъни музаккарда бўлади. Масалан: *عشر* - *арба’у нисватин*, *اربعة نسوة* - *салāсату нисватин*, *ثلاث نسوة* - *ашару нисватин*.

Саналмиш муаннас бўлган сондан “та” ҳарфи тушиб қолади, агар саналмиш музаккар бўлса “та” ҳарфи қолади. Масалан: *ثلاثة* - *салāсату рижа́лин*, *اربعة رجال* - *арба’ату рижа́лин*, *تسع* - *ашарата имра’атан* деган сўзгача бўлган сонларда биринчисидан “та” ҳарфи тушиб қолади, иккинчисида туради. Музаккарда қуйидагича бўлади.

اثناعشر رجلا - *аҳада’ашара ражулан*, *احدى عشر رجلا* - *салāсата’ашара ражулан*, *تسعة* - *ашарата’ашара ражулан*, *ثلاثة عشر رجلا* - *тис’ата’ашара ражулан*..... Бунда биринчи сонда “та” ҳарфи туради, иккинчисида тушиб қолади.

Сонлар учдан ўнгача кўплик ҳолида, юз ва ундан юқориси бирлик ҳолатда келади, масалан: *عشرة رجال* - *аширату рижа́лин*, *ثلاث مائة* - *ми’ату ражулин*, *عشر نسوة* - *аширату нисватин*, *مائة رجل* - *салāса миа’ти савбин*, *الف درهم* - *алф дирҳамин*.

Араб тилида муҳим, шу билан бирга мураккаб мавзулардан бири “сон” мавзусидир. Сон билан саналмиш муносабатлари турли сонларда турлича. Масалан, учдан ўнгача бўлган санок сонларда сон билан саналмишнинг жинси бир-бирига текари (қарама-қарши) бўлади. Саналмиш кўплик, қаратқич келишигида ва ноаниқ ҳолатда бўлади, масалан: *خمس اقلām* - *хамсату ақлāмин*, *عشر طاولة* - *ашару тāвилатинг*.

11 дан 19 гача бўлган мураккаб сонларда сон билан саналмиш қуйидагича мослашади: 1. Саналмиш ҳар доим бирликда ва тушум келишигида бўлади. 2. Бирлик сон саналмишнинг жинсига

¹ Носирова М.Махмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Т.: ТДШИ, 2005. –Б. 116.

тескари, ўнлик сон эса саналмиш билан бир хил жинсда бўлади. 3.Таркибида бир ва икки сонлари бўлган мураккаб сонларда (11,12 каби) бирлик сон ҳам, кўплик сон ҳам саналмиш билан жинсда тўлиқ мослашади, масалан: *أحد عشر رجلا* – ‘аҳада ‘ашара ражулан – 11 та киши, *اثنتا عشرة امرأة* – иснатā ‘ашарата имра’атан 12 та аёл, *تسعة و تسعون قلما* – тис‘ату ва тис‘ўна қаламан – 99 та қалам”¹.

“Атоқли отлар” ҳақида Замахшарий шундай ёзади: “Атоқли от” деб “ал” артиклисиз келадиган исмларга айтилади, масалан, *زيد* – зайдун, *عمر* – умару, *هند* – ҳинду, *رعد* – ра‘дун каби киши исмлари ҳам шундай. Агар ундан иккилик ёки тўғри кўплик ясалса, унда аниқ ҳолатда унга ал артикли қўшилади, масалан: *الزيدان* – аз-зайдāни, *الزيدون* – аз-зайдўна, *الهندان* – ал-ҳиндāни, *الهندات* – алҳиндāту”².

Маҳмуд Замахшарий нима учун атоқли отларга артикл қўшиш мумкин деганини унинг бошқа асаридаги шу мавзуга оид фикридан билиш мумкин. Жумладан, олим ўзининг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарида шундай ёзади: “*العلم – الغالب عليه أن ينقلب عن*” – ал-‘илму – ал-ғалибу ‘алайҳи ан йанқалиба ‘ан исми жинси кажса ‘фар ва қад йанқалибу ‘ан фи‘лин казайдин ва қад йартажилу кағатфāни. Атоқли отларнинг аксарияти турдош отлардан ясалади, масалан, “*Жаъфар*”; феълдан ҳам ясалиши мумкин, масалан: “*Йазид*”; тўқима бўлиши ҳам мумкин, масалан: “*Ғатафан*” каби”³. Араб тилида аксарият исмлар турдош отлардан ясалади. Масалан, “*Жаъфар*” исмининг асл маъноси “булоқ”, “*Йазид*” исми *زاد* – *zāda* феълининг ҳозирги-келаси замон шаклидир. “*Ғатафан*” исми эса араб луғатларида маъно фарқламайди. Демак, у тўқима.

Араб тилида нисбий исм яшаш учун сўзнинг охирига “иййун” қўшимчаси қўшилади, масалан: *مصري* – мисру, *مصريّ* – мисриййун

¹ НосироваМ. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар. –Т.:ТДШИ, 2004. -25.б.

² Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 357а.

³ Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. –М.: Наука, 1985. -С.87.

–“мисрлик”. Бундай исмлар бирор-бир предметга, шахсга, шаҳар, давлат, қабилага мансубликни англатади, масалан:

عربي - ‘арабун - ‘арабиййун каби. Муаннас жинсдаги исмдан, иккилик ёки кўплик шаклидаги исмлардан нисбий отлар ясалганда уларнинг охиридаги муаннаслик белгиси *ة - т* , иккилик ёки кўплик кўшимчаси бўлган *ن - н* ҳарфи тушиб қолади. Масалан: قنسرین - қансариййун, قنسرى - қансариййун, مكية - маккатун - маккиййун, مكية - маккатун - маккиййун, زيدان - зайдāни - зайдиййун каби.

Араб тилидаги “кичрайтма отлар” мавзуси асарда қуйидагича баён қилинган: “Агар исмдан кичрайтма шакл ясалса ва уч ҳарфлик бўлса *فُعِيل* - *фа‘айлун* вазнида бўлади, масалан: فَلْس - фалсун - фалайсун; агар тўрт ҳарфлик бўлса *فُعَيْلِل* - *фа‘айлилун* вазнида бўлади, масалан: دُرَيْهْم - дирҳамун - дурайҳимун; борди-ю беш ҳарфлик бўлса *فُعَيْلِيل* - *фа‘айлїлун* вазнида бўлади, масалан: دِينَار - дїнāрун - дунайнїру.

Н.В.Юшманов Замахшарий фикрларига қўшилиб, “Кичрайтма отлар уч ўзакли исмлардан *فُعِيل* - *фа‘айлун* қолипидан ясалади, масалан: هَرِير - ҳиррун - ҳарайрун “мушукча”, тўрт ўзакли исмлардан *فُعَيْلِل* - *фа‘айлилун* қолипида ясалади, масалан: ثَعْلِب - са‘лабун - са‘алїбун - “тулкича”, агар исмларнинг учинчи ўзак ҳарфидан кейин чўзиқ унли бўлса, бундай исмлар *فُعَيْلِيل* - *фа‘айлїлун* қолипида кичрайтиради, масалан: عَصْفُور - ‘усфўрун - ‘асафрїрун – “чумчуқча”¹, дейди.

Маҳмуд Замахшарий “Кичрайтма отлар” мавзусини давом эттириб: “Агар кўпликдан кичрайтма от ясалса, кўплик аввал бирликка айлантиради, сўнг ундан кичрайтма от ясади, кейин охирига “алиф” ва “та” қўшилади, масалан: مَسَاجِد - масāжиду - мусайжидāt ва دُرَيْهَم - дарāҳиму – дурайҳимāt. Лекин “жамъул-қилла”, яъни озчиликни англатган кўплик шаклида ундай бўлмайди. Бундай кўпликнинг кичрайтма шакли оддий бирлик сонда турган сўздан қандай кичрайтма шакл ясалса,

¹ Носирова М., Турдалиев Б. Араб тилида эга ва кесим категорияси. – Т.: ТДШИ, 2007. – Б.32.

шундай ясалади, масалан: *أفلس-أفيلس* - 'афласу - 'афайласу, *أجمال* - 'алайсинату - 'алсинату, *السنة-اليسنة* - 'алсинату - 'алайсинату, *أجيمال* - ажмалу - ажаймалу, *غلمة-غليمة* - гулматун- гулайматун бўлади", - дейди¹.

Дарҳақиқат, кичрайтма отларнинг кўплик сони унинг бирлик шаклидан тўғридан-тўғри кўплик ҳосил қилинади. Масалан: *مسلم* - муслим - *مسيلمون* - мусайлимун - *مسلمون* - муслим - *مسلمون* - мусайлимун "кичик мусулмонлар", *جارية-جوار* - жаврийатун - живарун - живайрийатун - живайрийатун "жория қизчалар".

Махмуд Замахшарий араб тили грамматикасининг асоси бўлган синтаксис ҳақида: "Агар икки бош келишиқдаги исм келиб, биринчиси аниқ ҳолатда ҳамда иккинчиси ноаниқ ҳолатда бўлиб, иккинчи сўз биринчиси ҳақида хабар бераётган бўлса, биринчиси "мубтадо", яъни эга, иккинчиси "хабар", яъни кесим дейилади, масалан: *زيد ذاهب* - зайдун *زايҳибун*, *عمر خارج* - умару *харижун*.²

Гапнинг таркибий асоси ва бирлигини ташкил қилган эга ва кесим бир-бири билан ўзаро маъно (мазмун) ва грамматик жиҳатдан боғланган. Гапдаги бош бўлақларнинг мазмуний алоқаси предикатив муносабатни ифодалайди.

Эга гапнинг бош бўлақларидан бири бўлиб, фикр ифодасида, гап тузилишида алоҳида ўрин тутаяди. У фикр объектини, нутқ предметини белгилайди. Араб тилида исмий гапнинг эгаси – "мубтадоъ", кесими эса "хабар" дейилади. Феълий гапнинг эгаси – "фоъил", кесими – "фиъл" дейилади³.

Араб тилшуносларининг фикрича, мубтадо бу гапнинг бошида қўлланадиган ва у ҳақда хабар бериш мақсадида грамматик омиллар таъсиридан озод бўлган ҳар қандай исмдир. Фоъил эса аниқ даражадаги феълдан кейин қўлланадиган ва иш-ҳаракатнинг ким томонидан бажарилганлигига ишора қиладиган исмдир⁴.

¹ Махмуд Замахшарий. "Муқаддамату-л-адаб". ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 357 б.

² Ўша манба. – В.358 а.

³ فؤاد نعمة. قواعد اللغة العربية. مصر. 1973. ص

⁴ Белова А.Г. Синтаксис письменных текстов арабского языка. –М.: Наука, 1985 –С.52.

А.Г.Белова: “Араб тилида гапнинг асосий таркиби, яъни “синтактик бирликнинг структураси феълий ёки исмий бўлишига” кўра икки хил: исмий ва феълий бўлади”¹, - деб ёзган.

Замахшарий феълий гапларда эга-кесим мослашуви, аниқроғи эганинг кесим билан жинсда мослашуви ҳақида оригинал фикрларни баён этган. Жумладан, “Агар феъл синик кўпликдаги исмдан олдин келаётган бўлса, музаккар ва муаннас ҳам бўлиши мумкин, масалан: *جاءني الرجال* - *жā’анӣ ар-рижāлу*, *جاءني النساء* - *жā’анӣ ан-нисā’у*, *جاءتني الرجال* - *жā’атнӣ ар-рижāлу*, *جاءتني النساء* - *жā’атнӣ ан-нисā’у*²

Мисолларга тушунтириш берсак, *جاءني الرجال* – *жā’анӣ ар-рижāлу* -менинг ёнимга эркаklar келди[лар]; *جاءني النساء* - *жā’анӣ ан-нисā’у* - менинг ёнимга аёллар келди[лар]. Бу икки мисолда гапнинг эгаси иник кўпликдан ҳосил қилинган икки хил жинсдаги сўз, аммо кесими бир хил - музаккар жинс, бирлик формасидаги феъл. Кейинги икки мисол: *جاءتني الرجال* – *жā’атнӣ ар-рижāлу* ва *جاءتني النساء* - *жā’атнӣ ан-нисā’у* гапларида эга худди аввали икки гапдаги каби, бироқ феъл-кесим муаннас жинс, бирлик формасидаги феъл. Бошқача қилиб айтганда кесимнинг жинси ўзгартирилган.

Замахшарий атрибутив сўз бирикмалари ҳақидаги фикрларини давом эттириб аниқловчи -аниқланмиш муносабатларини, яъни мослашмаган аниқ-ловчили бирикмани баён этади: “Изофа икки исмдан ясаиб, биринчи сўз туфайли иккинчиси қаратқич келишигида бўлади, биринчи сўздан танвин тушиб қолади, масалан: *غلامٌ زيدٌ* - *гуламу зайдин*, *دارٌ خالدٌ* - *дāру хāлидин*, *ثوبٌ بكرٌ* - *сабу бакрин*.

Булардан биринчиси “музоф”[яъни аниқловчи], иккинчиси “музоф илайҳи” [яъни аниқланмиш] дейилади. Биринчи аниқловчи келишигига кўра бош,тушум, қаратқич келишикларидан бирида бўлиши мумкин. Иккинчиси сўз эса, яъни аниқланмиш доим қаратқич келишигида бўлади, масалан: *جاءني غلامٌ زيدٌ* - *жā’анӣ гуламу зайдин*, *مررت بغلامٍ* - *ра’айту гулама зайдин*, *رأيت غلامٌ زيدٌ* - *ра’айту гулама зайдин*.

¹ Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. –СПб., 1973. –С.93.

²Маҳмуд Замахшарий. “Мукаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 358 б.

زيد - марату бигулāми зайдин.

Музофга алиф-ломни ҳам, танвинни ҳам қўшиб бўлмайди. Музоф илайҳи иккови билан ҳам келиши мумкин. ثوب الرجل - *савбу ар-ражули*, ثوب رجل - *савбу ражулин* - дейиш мумкин, лекин الثوب الرجل - *ас-савбу ар-ражули*, ثوب رجل - *савбун ражулин* дейиш мумкин эмас”.

Бир отнинг иккинчи отни қаратқич келишигида бошқариб келишига “изофа” дейилади. У икки хил бўлади: 1. Маъновий изофа, яъни ҳақиқий бирикув. 2. Лафзий изофа, яъни формал бирикув¹.

Араб тилшунослигида маъновий изофа الأضافة الحقيقية *ал-’идāфату ал-ҳақӣқиййату* “ҳақиқий изофа” ёки الأضافة المحضة - *ал-’идāфату ал-маҳдату* - “тоза (соф) изофа” деб аталади².

Маъновий изофа - دار عمرو - *дāру ‘амри* “Амрнинг уйи” - бирикмасида *الـمضاف* *ал-мудāфу* - *дар* - *дāру* яъни “аниқловчи”, *الـمضاف اليه* *ал-мудāфу илайҳи*, яъни “аниқланмиш” бўлиб, у ҳар доим қаратқич келишигида туради. Бундай изофа бирикмасида *لـ* - *ли* ёки *من* - *мин* предлогларининг маъноси бўлади. Масалан: *دار عمرو* - *дāру ли ‘амри* = *دار عمرو* - *дāру мин хашабин* ³ *دار خشب* ёки *دار عمرو*

Қоидага кўра изофа бирикмасининг биринчи бўлаги, яъни аниқловчи доим “أل” - *ал* артиклиз ва танвинсиз ҳолатда, аниқланмиш эса мазмунидан келиб чиқиб “أل” - *ал* артикли билан ёки усиз танвин билан келиши мумкин. Бироқ аниқловчи –аниқланмишнинг иккови ҳам “أل” артикли билан ёки аниқловчи – аниқланмишнинг иккови ҳам танвин билан туриши мумкин эмас.

Изофа мавзусини давом эттириб Замахшарий шундай ёзади: Агар иккилик сондаги исмни бирлик ҳолидаги исмга изофа

¹ مصطفى غلايينى . جامع الدروس العربية. ص2003

² Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Т.: ТДШИ, 2005. –Б.103.

³ Н.Иброҳимов, М.Юсупов. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. –Б.20.

қилинса, иккиликдаги “нун” ҳарфи тушиб қолади:

Бош келишикда- *جاءني غلامًا رجل* – *жа’анӣ гулама ражулин* - менинг ёнимга (қандайдир) кишининг икки гуломи келди.

Тушум келишигида - *رأيتُ غلامِي رجل* – *ра’айту гуламай ражулин* (қандайдир) кишининг икки гуломини кўрдим.

Қаратқич келишигида - *مررتُ بِغلامِي رجل* – *марарту биғуламай ражулин* (қандайдир) кишининг икки гуломи ёнидан ўтдим.

Агар агар иккилик сондаги исмни иккилик сондаги исмга изофа қилинса, унда ҳам биринчи сўзнинг “нун” ҳарфи тушиб қолади.

Бош келишикда- *جاءني غلامًا رَجُلَيْن* – *жа’анӣ гулама ражулайни* (қандайдир) икки кишининг икки гуломи ёнимга келди.

Тушум келишигида - *رأيتُ غلامِي رَجُلَيْن* – *ра’айту гуламай ражулайни* (қандайдир) икки кишининг икки гуломини кўрдим.

Қаратқич келишигида - *مررتُ بِغلامِي رَجُلَيْن* – *марарту биғуламай ражулайни* (қандайдир) икки кишининг икки гуломи ёнидан ўтдим.

Араб тилида иккилик сондаги сўзларнинг хусусиятларидан бири шуки, улар бошқа от билан изофа ҳолатига кирганда “нун” ҳарфи тушиб қолади. Бошқача айтганда, иккилик сондаги сўз аниқловчи вазифасида келса, иккилик “нуни” тушиб қолади. Агар иккилик сондаги сўз аниқланмиш вазифасида келса, “нун” сақланиб қолади.

Замахшарий “изофа” мавзусини давом эттириб шундай ёзади: “Агар кўплик шаклидаги сўз изофа қилинса, ундаги “нун” ҳарфи тушиб қолади, масалан:

جاءني صالحو قومك - *жа’анӣ салиҳу қавмика* - қавмингнинг солиҳ кишилари ёнимга келдилар.

رأيتُ صالحِي قومك - *ра’айту салиҳи қавмика* - қавмингнинг солиҳ кишиларини кўрдим.

مررتُ بِصالحِي قومك - *марарту би-салиҳи қавмика* - қавмингнинг солиҳ кишилари ёнидан ўтдим.

Агар кўплик сондаги сўзни *ال* – *ал* - алиф-ломи бўлган сўзга изофа қилинса, унда кўпликнинг “вав” ҳарфи ҳам, “нун” ҳарфи ҳам тушиб қолади. Ёзувда “вав” ҳарфи сақланиб қолади, лекин талаффуз этилмайди. “Йа” ва “нун” ҳарфлари ҳам шундай тушиб

қолади, масалан:

جاءني صالحو القوم - жă'анї сăлихў ал-қавми - қавмнинг солих кишилари ёнимга келдилар.

رأيت صالحِي القوم - ра'айту сăлихї ал-қавми - қавмнинг солих кишиларини кўрдим.

مررت بِصَالِحِي القوم - марарту бисăлихї ал-қавми - қавмнинг солих кишилари ёнидан ўтдим”.

Араб тилида тўғри кўплик музаккар жинсдаги сўзлар “мослашмаган аниқловчили бирикма”да аниқловчи вазифасида келса, сўзнинг охиридаги кўплик белгиси бўлган “нун” ҳарфи тушиб қолади. Бош келишикда “вав” ҳарфи ёзувда сақланиб қолса-да, талаффуз қилинмайди”¹.

Замахшарий рисолада “Бошида васлали ҳамза бўлган” اسم – исмун, ابن – ибнун, ابنة – ибнатун, اثنان – иснāни, اثنتان – иснтāни, امرأ – имра'ун, امرأة – имра'атун, ايم الله – аймуллоҳ” исмларини изоҳлайди².

Умуман олганда Маҳмуд Замахшарий “Тасрифу-л-асмо” рисоласида араб тилида “эъроб” деб номланган сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгаришларга оид барча қоидаларни содда тарзда тушунтириб берган ва мисоллар келтирган. Шу сабабли ҳам мазкур рисола мадрасалар тизими учун минглаб қўлёзмалар шаклида кўчирилган ва кенг халқ орасида шуҳрат топган.

«Муқаддамату-л-адаб» асарида феъл сўз туркуми

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асарининг сўнгги «Тасрифу-л-афъол», деб номланган қисми феълларнинг тусланишига бағишланган. Феъл араб тилида муҳим аҳамият касб этувчи сўз туркуми саналади. У бошқа сўз туркумлари ичида салмоқли ўрин эгаллайди. Араб тилидаги феълларнинг морфологик хусусиятларини билмай туриб, бошқа туркумларга хос кўпгина грамматик қоидаларни ўзлаштириш мумкин эмас. Бир қатор сўз туркумлари, хусусан масдар, сифатдошлар, сифат даражалари айнан феъл ўзагидан ясалади. Ўзбек, рус ва бир қанча Европа тилларида мавжуд бўлган феълларнинг инфинитив шакли

¹ Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429.-В. 359 а.

²Ўша манба. – В.360 а.

(ўзбек тилида –»моқ», инглиз тилида –»to») араб тилида йўқ бўлганлиги сабабли, араб тилшунослари шартли равишда феълнинг бирлик, 3-шахс, музаккар шаклини инфинитив шакл сифатида қабул қилганлар.

Араб тилшунослари феълнинг асосий сифати деб, унда **الفعل** **ما دل على اقتران حدث بزما ن**, яъни воқеаларнинг замон билан боғлиқлигини кўрсатадилар. Арабшунос Б.М.Гранденинг таъкидлашича, араб тилида феъл шахс-сонда ва замонда тусланиши билан (исмдан) ажралиб туради. Араб тилида феълларда иккита ўтган ва ҳозирги-келаси замон; учта шахс (биринчи, иккинчи, учинчи); учта сон (бирлик, иккилик, кўплик); бешта майл (дарак, истак, буйруқ, шарт, кучайтирма); иккита даража (аниқ ва мажхул) мавжуд¹.

Маҳмуд Замахшарий эса «ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарида **الفعل هو ما صح ان يدخله «قد» و حروف الاستقبال و الجوازم و اتصل به ضمير المرفوع و «تاء» التانيث الساكنة نحو : قد ضرب و سيضرب و سوف يضرب و لم يضرب و لم يضرب و ضربت و ضربت** «Феъл – «қд» юкламасини, келаси замон «с-син» ва «савфа» юкламаларини оладиган, шарт майлида бўладиган, бош келишикдаги бирикма олмошларини ва муаннас жинснинг сукунли «т - та»сини қабул қиладиган сўздир, масалан: **قد ضرب – қад җараба**, **سيضرب – сайадриб**, **ضربت – савфа йадрibu**, **لم يضرب – лам йадриб**, **ضربت – җарабат**, **ضربت - җарабти»²**, - деб таъкидлайди.

«Муқаддамату-л-адаб» асарида эса, «Араб тилида феъллар уч ўзакли ҳамда тўрт ўзакли феълларга бўлинади. Араб тилида аксарият феъллар уч ўзакдан ташкил топади. Бундай феълларнинг бошланғич шаклини араб тадқиқотчилари **فعل ثلاثي مجرد - фи‘лун сулāсийун мужаррадун**, - деб аташади. Тўрт ўзакдан ташкил топган тўрт ўзакли феълларнинг бошланғич шаклини **فعل**

¹ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Вост. лит., 1998. С.121.

² Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: ТДШИ, 2005. Б.122.

رباعى مجرد - *фи‘лун рубā‘иййун мужаррадун* - деб аташади¹. Маҳмуд Замахшарий: «Билгинки, тилшунос олимлар - *ف فا*, - *ع ‘айн*, - *ل лām* ҳарфларини мезон қилиб олишган. Агар сўзнинг бирор ҳарфи *فел* - *фа‘ала* ҳарфларидан бирортасига тўғри келса, демак у асл ўзак ҳарфи бўлади. Агар тўғри келмаса, у ҳолда бу ҳарф ўзак ҳарф эмас. Масалан, *ضرب* - *дараба* феълининг барча ҳарфлари ўзак ҳарфлари саналади. Чунки, *ض ر ب* - ҳарфлари *فел* - *фа‘ала* даги *ع ل* ҳарфларига тўғри келади. *دحرج* - *дахража* феъли ҳам шундай. Чунки бунинг вазни *فعلل* бўлиб, *د* ҳарфи *ف* нинг, *ح* ҳарфи *ع* нинг, *ر* ҳарфи биринчи *ل* нинг, *ج* ҳарфи иккинчи *ل* нинг ўрнидадир», - деб ёзади².

Тўрт ўзакли феъллар ҳам худди уч ўзакли феъллар каби ўша суффикслар ва префикслар ёрдамида тусланади. Ҳозирги замон шакли, буйруқ майли, масдар, сифатдошларини ясашда ҳам худди ўша уч ўзакли феълларда мавжуд қоидалар асос қилиб олинади.

Одатда араб тилидаги мавжуд феъллар икки катта гуруҳга бўлиб ўрганилади. Улар:

1. Тўғри феъллар – *الأفعال الصحيحة* – *ал-‘аф ‘āl ас-сахīҳату*
2. Нотўғри феъллар – *الأفعال المعتلة* - *ал фи ‘āl ал-му‘талимату*³

Тўғри феъллар деб, таркибида иллатли (*ا, و, ي*) ҳарфлар бўлмаган, кўп ҳолларда ҳар уч ўзак ундоши турли хил ҳарфлардан ташкил топган феълларга айтилади. Уларнинг «мустаҳкам», «қаттиқ» дейилишининг боиси шундаки, бу ўзак ундошлар ўзгармайди, тушиб қолмайди ва бошқаси билан алмаштирилмайди.⁴

Маҳмуд Замахшарий нотўғри феълларни қуйидагича гуруҳлайди:

1. Иккиланган феъллар
2. Иллатли феъллар

¹ Иброҳимов Н, Юсупов М. Араб тили грааматикаси. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. Б.79.

² Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» ЎР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв № 429-В. 361а.

³ Б.М. Гранде уларни *فعل غير سالم* ва *فعل سالم* тарзида беради.

⁴ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Вост. лит., 1998. С.121.

3. Ҳамзали феъллар

Замонавий тилшунослар ҳам нотўғри феълларни худди шундай таснифлайдилар¹. Маҳмуд Замахшарий иккиланган феълларни қуйидагича таърифлайди. Уч ўзакли феъллар туркумидаги иккиланган феъллар иккинчи ва учинчи ўзаклари бир хил ҳарфдан иборат бўлган феъллардир. Икки бир хил ҳарфнинг биринчиси ассимиляцияга учрайди, икки бир хил ҳарфнинг биринчиси مد، شد - *шадда, мадда* каби сукунланади, буларнинг асли شدد، مدد *шадада, мадада* бўлган. Бунда биринчи *дол* сукунланиб, иккинчи د «дол»нинг ичига киргизилган. Бундай феълларда ўрта ўзак доим сукунли бўлади. Агар сукунланмаса, у ҳолда икки ундош ўртаси очилади. Масалан، شديد، رديد، رددن *шадйдун, радйдун, рададна* сўзлари каби. Тўрт ўзакли феъллардан иккиланганлари эса, биринчи ва учинчи ўзаклари бир хил ундошдан иборат бўлади. Масалан: صاصل - *салсала* бу فعل *фаълала* вазнига тўғри келади².

Агар тўрт ўзакли иккиланган феълга берилган таърифни аниқлаштира-диган бўлсак, «фа», яъни 1-ўзак, 1- «лом», яъни охиридан битта олдинги ҳарф ва 2-«айн» бу ҳам охиридан битта олдинги ҳарф « ... » билан ифодаланганлигини билдиради. Бундай ўзакли феъл ёки исмларни Б.М.Гранде «*редупликацияланган ўзаклар*», деб атайд³.

Маҳмуд Замахшарий кейинги фаслда иллатли феълларни тушунтирад⁴ Иллатли феъллар ўзак ҳарфларидан бирортаси *мад* (чўзиқ) ва *лин* (юмшоқ) ҳарфларидан иборат бўлган феъллардир.¹ алиф «*мад*» ва ي *йо* «*лин*» ҳарфлари саналади. Масалан: وعد، قال،

¹ Қаранг: Юшманов Н. Грамматика литературного арабского языка. – М.: Наука, 1985; Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Вост. лит., 1998.; Яковенько Э.В. Неправильные глаголы арабского языка.-М.: Вост.лит. 2000; معجم انطوان الدحدح . قواعد العربية العالمية . لبنان . 1992.

² Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 362а.

³ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Вост. лит., 1998. С.125.

رمى *рама*, қо:ла, ваъада феъллари.

فعل вазнининг *айн* ва *лом* ўзакларига тўғри келган ҳар қандай *а* ҳарфининг асли *ى* *ё* ёки *و* *вов* ҳарфларидан бири бўлади. Масалан, قال даги *а* алифнинг асли *و* *вов* ҳисобланади. Чунки унинг масдари قول - қавала бўлиб, келаси замони يقول - йақўлу шаклида бўлади. باع - баъа даги *а* алифнинг асли *ي* *ё*о, чунки унинг масдари بيع - байъун бўлиб, келаси замони يبيع - йабӣъу шаклида келади. Шу сингари қуйидаги هاب- رمى- هبة - рамӣун – хāфа – хавфун – даъā - даъватун феъллар ҳам юқоридаги қонуниятга бўйсунди¹.

Ўрта асрларнинг яна бир машҳур тилшунос олими Муҳаммад Муъиззий

«تصريف الأفعال» *тасриф-ул-аф’āl* номли махсус асарини араб тилидаги феъллар таснифига бағишлаган. Асар жуда машҳур бўлиб, халқ орасида «Тасрифу Муъиззий», «ал-Муъиззий фи-т-тасриф», «ал-Муъиззий» номлари билан аталган. Асарда нотўғри феълларнинг классификациясида ҳамзали феъллардан ташқари барча феъл турлари худди Замахшарий таснифи каби баён қилинган².

Араб тилидаги ҳамзали феълларни Маҳмуд Замахшарий қуйидагича баён қилган: Ҳамза соғлом ҳарф бўлиб, у иллатли ҳисобланмайди. Бироқ унинг талаффузи қийинроқ бўлгани сабабли гоҳида бошқа ҳарфга ўзгартириш ёки тушириб қолдириш орқали талаффузга енгиллик яратилади. Ўзгаришига ذنب *зи’бун* сўзини ذيب *зибун* деб, لوم *ла’мун* сўзини لوم *лўмун* деб, رأس *ра’сун* сўзини راس *рāсун* деб, тушурилиб қолдирилишига يسأل *йас’алун*и يسأل *йас.лу* деб, اسأل *ас’алани* سال *сāла*, деб талаффуз қилганларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сўзда иккита ҳамза келиб, биринчиси фатҳали, иккинчиси

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 3626.

² Қаранг: Муҳаммад Муъиззий. «Ал-Муъиззий фи-т-тасриф». ТошДШИ ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалар маркази фонди. Қўлёзма № 12018; 10455; 10461.

суқунли бўлганида иккинчиси ¹ алифга ўзгаради. Масалан, — آدم — 'адама- āдама

Агар биринчи ҳамза касралик бўлса, иккинчиси ي йойга ўзгаради. Масалан, 'исара- īсара — ايسر الأسر

Агар биринчи ҳамза даммалик бўлса, иккинчиси و вовга ўзгаради. Масалан, 'ўсара - اوسر — اوسر

Феълларнинг كل - кул, خذ - хуз, مر - мур буйруқ майлидаги шаклига келсак, бундай ҳолат кам учрайди. Юқоридагиларга қиёсласак, булар қуйидагича бўлади.

'акала, يأكل - йа 'кулу, أوكل - 'увкул

'ахаза, يأخذ - йа 'хузу, أوخ - 'увхуз

'амара, يأمر - йа 'муру, أومر - 'увмур¹

Замахшарий ҳамзали феълларга тўхталар экан, ўз эътиборини, асосан, уларнинг фонетик ўзгаришларига қаратади. Зеро, ҳамзанинг ёзилиш масаласи, яъни орфография ҳамма даврларда қийин муаммо бўлган. Ҳамзали феълларнинг нотўғрилиги ҳам шундаки, ёзувда у турлича ёзилади ва турли таянч ҳарфларга эга бўлади. Унинг ўтган замонда тусланишига қараб, тўғри феъллар қаторига киритишимиз мумкин, аммо унинг бошқа замонларда тусланиши, сифатдош, масдарларида ўзгаришлар уни нотўғри феъллар тўғриланган таркибига киришидан далолат беради. Доктор Имод Ҳотамнинг «قواعد و اللغة العربية: نصوص - ал-луғату-л-‘арабиййату: қавā‘ид ва нусус - китобида ҳамзали феълларнинг турлари, уларда бўладиган фонетик ва орфографик ўзгаришлар батафсил баён қилинган².

Маҳмуд Замахшарий мазкур асарини араб бўлмаган халқларга араб тили ва грамматикасини тез ўргатиш мақсадида ёзганлиги учун ҳам наҳвнинг баъзи чигал масалаларида у қадар чуқурлашмаган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг кейинги фасли феъл замонлари ва турларига бағишланган бўлиб, шундай баён қилинган:

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 363а.

² Қаранг: 1980. اللغة العربية: قواعد و نصوص. طربلوس.

Феъллар беш хил бўлади: ўтган замон, ҳозирги келаси замон, буйруқ майлидаги феъллар, таажжуб феъллари ҳамда мақтов ва таҳқирлаш феъллари¹.

Маълумки, ҳар бир феъл шаклида мужассамланган замон ундан англашилган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг нутқ лаҳзасига муносабатини кўрсатади. Агар Европа тилларида ҳаракат ёки ҳолат замон нуқтаи назаридан учга, яъни ўтган, ҳозирги ва келаси замонларга бўлинса, сомиий тилларида феъллар тугалланган ёки тугалланмаганлиги нуқтаи назаридан иккига бўлинади:

1. Ўтган замон *māḍī* - ماضى

2. Ҳозирги-келаси замон² *mudāriʿ* - مضارع

Бироқ Замахшарий ўтган замон феълига қуйидагича таъриф берган: Ўтган замон феъли иш ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлигига ишора қилади. Масалан, ضرب - *дароба* «урди», قتل - *қатала* «ўлдирди»³.

Ҳар бир замон шакли аниқ ва мажхул нисбатларга эга⁴. Биламизки, иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабатнинг ифодаланиши «феъл нисбати» дейилади.

Замахшарий мавзуни қуйидагича давом эттиради: «Ўтган замон феъли икки хил нисбатда бўлади: аниқ нисбат ва мажхул нисбат. Аниқ нисбатдаги феълнинг биринчи ундоши фатҳалик бўлади. Масалан, فعل - *фа‘ала* - *афъала*, فعل - *фаъула*, - فاعل *фа‘ала*, - تفعل *тафа‘ала*.

Феълнинг ҳаракатланиш бошланадиган биринчи ҳарф фатҳалик бўлса, у аниқ нисбатда бўлади. Масалан, التمس - *илтамаса* феълида ت «т» ҳарфи, انفعل *инфа‘ала* вазнида ن «нун» ҳарфи. استفعل - *истаф‘ала*, افعل - *иф‘алла*, افعلل - *иф‘аллала*, - افعوعل - *иф‘ав‘ала* вазнлари бошида турган алифларга эътибор берилмайди. Чунки улар асл ўзак ҳарфлари эмас.

¹ Ўша манба. – В.363 б.

² Юшманов Н. Грамматика литературного арабского языка. – М.: Наука, 1985. С.50.

³ Махмуд Замахшарий. «Мукаддамоту-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, кўлёзма, инв № 429-В. 363 б.

⁴ Юшманов Н. Грамматика арабского языка. – М.: Наука, 1985. С.50.

Мажхул нисбатнинг биринчи ўзаги даммали бўлади. Масалан, *فعل* - *фу‘ила*, *أفعل* - *аф‘алу*, *فعل* - *фу‘ила*, *فوعل* - *фӯ‘ила*, *تفعل* - *туфу‘ила*, *تفوعل* - *туфӯ‘ила*, *فعلل* - *фу‘лила*, *تفعّل* - *туфу‘лила*.

Шунингдек, *افتعل* - *уфту‘ила*, *انفعل* - *унфу‘ила*, *أفعل* - *‘уф‘ила*, *أستفعل* - *‘устуф‘ила*, *أفْعول* - *‘уф‘увила* вазнидаги феъллар ҳам мажхул нисбатда бўлади»¹.

Мажхул даражадаги феъллар барча замонларда тусланади. Шунингдек, улар шахс, сон ва жинсда аниқ даражадаги феъллар каби ясовчи қўшимчаларни олади².

Асарда Замахшарий аниқ нисбатдаги феълларга шахс-сон қўшимчалари қуйидагича қўшилади деб, тўғри феълларнинг ўтган замонда тусланиш намунасини берган ва барча тўғри ва тўғрига ўхшаш феъллар юқоридаги тартибда тусланади, деган. Кейин навбати билан ўрта ўзак ҳаракати турлича бўлган иккиланган феълларнинг; бўш феъллар ва уларнинг ҳосила боблари-нинг ноқис феълларнинг тусланиш намунасини берган. Жумладан,

Аниқ нисбатдаги феълларга шахс сон қўшимчалари қуйидагича қўшилади:

ضرب – *дараба*, *ضربا* – *дарабā*, *ضربوا* – *дарабӯ*, *ضربت* – *дарабат*, *ضربتا* – *дарабатā*, *ضربن* – *дарабна*, *ضربت* – *дарабта*, *ضربتما* – *дарабтумā*, *ضربتم* – *дарабтум*, *ضربت* – *дарабти*, *ضربتما* – *дарабтумā*, *ضربتن* – *дарабтунна*, *ضربت* – *дарабту*, *ضربنا* – *дарабнā*.

Шу сингари, барча тўғри ва тўғрига ўхшаш феъллар юқоридаги тартибда тусланади.

Иккиланган феъллар: *فر* – *фарра*, *فرا* – *фаррā*, *فروا* – *фарру*, *فرت* – *фаррат*, *فرتا* – *фарратā*, *فررن* – *фаррарна*, *فررت* – *фаррарта*, *فررتما* – *фаррартумā*, *فررتم* – *фаррортум*, *فررت* – *фаррарти*, *فررتما* – *фаррартумā*, *فررتن* – *фаррартунна*, *فررت* – *фаррарту*, *فررنا* – *фаррарнā*.

Ўрта ўзаги фатҳа бўлган барча иккиланган феъллар шу

¹ Махмуд Замахшарий. «Мукаддамоту-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429 – В.363 б.

² Талабов Э. Араб тили дарслиги. – Т.: Ўзбекистон, 1993. Б. 172.

тарзда тусланади. Масалан, أحب - 'аҳаббу феъли, унинг асли أحب - 'аҳаббу. Шунингдек,

تضام – тадām-ма, احتج – иҳтажжа, انقض – инқадда, حاج – ҳājжжа, اقشعر – иқша'арра феъллари ҳам шундай тусланади. Ўрта ўзак ундоши касра бўлган феъллар эса, касра билан ўқилади. Масалан, ظل – залла феъли, унинг асли ظلل – залилун бўлиб, у қуйидагича тусланади: ظل – залла, ظلل – заллā, ظلوا – заллū, ظلت – заллат, ظلتا – заллатā, ظلت – залилна, ظلت – залилта, ظلتما – залилтумā, ظلت – залилтум, ظلت – залилти, ظلت – залилтунна, ظلت – залилту, ظلت – залилнā. Бироқ бундай феъллар فعل – фа'ала ва تفعل – тафа'ала бобларида келганида, тўғри феъллар каби тусланади¹.

Демак, иккиланган феъллар шахс-сонда тусланганда қуйидаги ўзгаришлар содир бўлади: 1. Феъл шахс-сонда тусланганда, учинчи ўзак ундош унли ҳарф билан тугаса ва у очик бўғин бўлса, у ҳолда ҳарфлар ассимиляцияси содир бўлади, яъни иккита бир хил ундош бир ташдидланган ҳарф тарзида ёзилади. 2. Феъл шахс-сонда тусланганда учинчи ўзак ундош сукукли бўлса ва у ёпик бўғин бўлса, у ҳолда иккита бир хил ундош ажратиб ёзилади. Бу ўзгаришлар иккиланган феъллар мажхул нисбатда тусланганида ҳам содир бўлади.

Замахшарий бўш феъллар мавзусини шундай тушунтиради «Бўш феъллар: باع – бā'a, باعا – бā'ā, باعوا – бā'y, باعت – бā'am, باعتا – бā'amā, بعن – би'на, بعث – би'tа, بعثما – би'tумā, بعثم – би'tум, بعث – би'tи, بعثما – би'tумā, بعثن – би'tунна, بعث – би'tу, بعنا – би'nā.

Ўрта ўзак ундоши иллатли барча феъллар шу тарзда тусланади. Бироқ уч ўзакли феълларда ўрта ўзакка қаралади. Агар ўрта ўзак ي й дан иборат бўлса, ي й тушиб қолганида ундан олдинги ҳарфнинг ҳаракати касра бўлади. Масалан, باع – бā'a – يبيع – йабй'у – بيع – бай'ун. Агар феъл فعل – фа'ала يفعّل – йаф'алу ёки فعل – фа'лун вазнида келса, ўрта ўзаги و вовдан олдинги

¹ Махмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В.363 б.

харфнинг ҳаракати дамма бўлади. Масалан, قال – қала, يقول – йақўлу, قلت – қулту. Агар نام – нāма, ینام – йанāму ёки خاف – хāфа, يخاف – йахāфу каби феъллар бўлса, касра қилинади. Масалан, نام – нāма, ینام – йанāму, نمت – нимту. Юқорида келган бўш феъллар فعل – ф‘ала, فاعل – фā‘ала, تفاعل – тафā‘ала, يتفاعل – йатафа‘‘илу бобларида келганида худди тўғри феъллар каби тусланади¹.

Бу фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, агар бўш феълларнинг иккинчи ўзак ундоши аслида «ى» бўлса, ўтган замонда тусланганида, у касраланади. Агар у аслида «و» бўлса, у ҳолда даммаланади. Бўш феълларда содир бўладиган товуш ўзгаришларини академик Н.Иброҳимов шундай тушунтиради: агар иккинчи ўзак ундош бўлган «вов» ёки «йой» ҳарфи «-ава», «-ави», «-аву», «-айа», ««-айи», «-айу» товуш бирикмалари таркибида келса, учинчи ўзак ундоши ёпиқ бўғин бўлса, юқоридаги товуш бирикмалари чўзиқ «а»га айланади ва алиф билан ёзилади. Ажваф (бўш) феълларнинг мажҳул нисбатдаги «-уви», «-уйи» товуш бирикмалари чўзиқ «и» га айланади².

Маҳмуд Замахшарий ноқис (етишмовчи) феъллар ҳақида: «Ноқис феъллар: رمى – рамā, رميا – рамайā, رموا – рамū, رمت – рамат, رمتا – раматā, رمين – рамайна, رميت – рамайта, رميتما – рамайтумā, رميتم – рамайтум, رميت – рамайти, رميتما – рамайтумā, رميتن – рамайтунна. Учинчи ўзаги ى»« ҳарфи билан ифодаланган барча ноқис феъллар шундай тусланади.

Шунингдек, ارعوى – ир‘авā, ربي – раббā, ارضى – арадā, انقضى – инқадда, اجتنبى – ижтабā, جابى – жабā, استغنى – истагнā, تابى – табā каби феъллар ҳам шундай тусланади. Учинчи ўзаги вов ҳарфи билан ифодаланган феъллар эса қуйидагича тусланади: دعا – да‘ā, دعوا – да‘авā, دعوى – да‘ў, دعت – да‘ат, دعتا – да‘атā, دعون – да‘авна, دعوت – да‘авта, دعوتما – да‘автумā, دعوتم – да‘автум, دعوت – да‘авти, دعوتما – да‘автумā, دعوتن – да‘ав-

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429. – В.364б.

² Иброҳимов Н, Юсупов М. Араб тили грааматикаси.1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. Б. 88.

тунна, دعوت – да‘авту, دعونا – да‘авна. Агар феъл **فعل** – фа‘ила вазнида бўлса, қуйидагича тусланади: رضي – радийа, رضىا – радийā, رضوا – радӯ, رضيت – радийат, رضيتا – радийатā, رضين – радийна, رضيت – радийта, رضيتما – радийтумā, رضيتم – радийтум, رضيت – радийти, رضيتما – радийтумā, رضيتن – радийтунна, رضيت – радийту, رضينا – радийнā. Шундай қилиб, رضي – радийа ва سرو қолипидаги феъллар 3 шахс кўпликда سروا шаклида, رمى – рамā, دعى – да‘ā қолипидаги феъллар эса رموا – рамӯ, دعوا – да‘ӯ шаклида бўлади¹.

Кўриб турганимиздек, «**فعل** – фаъала» вазнига тушувчи феъллар ўтган замонда тусланганида учинчи шахс бирлик, иккилик муаннас жинс, учинчи шахс кўплик, музаккар жинсда учинчи ўзак «йой» бўлса, **алиф мақсура** билан, «вов» бўлса, **алиф** билан ёзилади². Иллатли ҳарфнинг тушиб қолиши «**فعل** фаъала» вазнидаги феълларда кузатилмайди. Учинчи шахс, музаккар жинс, кўплик шакл бундан мустасно.

Ноқис феъллар мажҳул нисбатда тусланганида фақатгина учинчи шахс кўплик музаккар жинсда иллатли ҳарф тушиб қолади, қолган шаклларда ўзгариш бўлмайди.

Феълнинг мажҳул нисбати. Феълнинг мажҳул нисбати ва уларга шахс-сон қўшимчаларининг қўшилиши: ضرب – дуриба, ضربا – дурибā, ضربوا – дурибӯ, ضربت – дурибат, ضربتا – дурибатā, ضربن – дурибна, ضربت – дурибта, ضربتما – дурибтумā, ضربتم – дурибтум, ضربت – дурибти, ضربتما – дурибтумā, ضربتن – дурибтунна, ضربت – дурибту, ضربنا – дурибнā.

Бошқа бобларга мансуб اكرم – акрама, ادب – аддаба, حوسب – ҳавсаба, انتخب – интахаба, تفقد – тафаққада, تذوكر – тазвакиру, استكتب – истактаба феъллари ҳам юқоридагидек тусланади.

Иккиланган феълларнинг мажҳул нисбати: شد – шудда, شدا – шуддā, شدوا – шуддӯ, شدت – шуддат, شدتا – шуддатā, شددن –

¹ Махмуд Замахшарий. «Мукаддамати-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 364б-365а.

² Ўша асар – Б.89

шудидна, شددت – шудидта, شددتما – шудидтумā, شددتم – шудид-
тум, شددت – шудидти, شددتما – шудидтумā, شددتن – шудидтунна,
شددت – шудидту, شددنا – шудиднā.

Қуйидаги أحب - 'аҳабба, أختص - 'ихтассa, أنصب - 'инсабба,
'истаҳаба феъллар ҳам юқорида кўрсатилганидек тусла-
нади. Бироқ تربب – тараббаба, تهدد – таҳаддада шаклидаги
феъллар тўғри феъллар сингари тусланади.

Тўғрига ўхшаш феълларнинг мажҳул нисбати қуйидагича وعد –
ву'уда, وعدا – ву'идā, وعدوا – ву'идў, وعدت – ву'идат, وعدتا –
ву'идатā, وعدن – ву'идна, وعدت – ву'идта, وعدتما – ву'идтумā,
وعدتن – ву'идтум, وعدت – ву'идти, وعدتما – ву'идтумā, وعدتن –
ву'идтунна, وعدنا – ву'иднā.

Бундай феъллар أفعل – 'аф'ала бобида келганида мажҳул
нисбати أوعد – ув'уда, أوقط – увқита тарзида бўлади. Булар
аслида أيقط – 'айқата бўлган бўлиб, ي йо ҳарфи и вовга ўзгарган.
Даммадан сўнг ي йо ҳарфи и вов га ўзгаради. Қолган бобларда. وقر
– вуқира, وعد – ву'уда, تيقن – туйуққина, توزع – тувуззи 'а, أستوقن –
'устувқина, أستوهب – 'устувҳиба тарзида тусланаверади.

Бўш феълларнинг мажҳул нисбати шаклига мисол: غيب –
ғйба, غيبا – ғйбā, غيوا – ғйбў, غيبت – ғйбат, غيبتا – ғйбатā,
غبن – ғйбна, غبت – ғйбта, غبتما – ғйбтумā, غبتم – ғйбтум,
غبت – ғйбти, غبتما – ғйбтумā, غبتن – ғйбтунна, غبت – ғйбту,
غبنا – ғйбнā.

Ноқис феълларнинг мажҳул нисбатī رمى – румийа, رميا –
румийā, رموا – румў, رميت – румийат, رميتا – румийатā,
رمين – румийна, رميت – румийта, رميتما – румийтумā, رميتم –
румийтум, رميت – румийти, رميتما – румийтумā, رميتن – румийтунна,
رميت – румийту, رمينا – румийнā.

Шундай қилиб, уч ўзакли ноқис феъллар ва уларга тегишли
ҳосила бобларининг мажҳул нисбати юқоридаги сингари тусланади.

'ажтабā, أجتبی – жавфā, جوفی – раббā, ربی – ардā, أرضی –
'ис-أستهدى – тақаввадā, تقوضي – талаққā, تلقى – инсанā, أنثنى –

taḥdā каби феъллар ҳам шу тарзда тусланади¹.

Кўриниб турибдики, Замахшарий феълнинг мажҳул нисбати ва уларга шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишини тўғри феъллар, иккиланган феъллар, тўғрига ўхшаш феъллар, бўш феъллар, ноқис феъллар ва мана шу барча феъл турларининг ҳосила бобларининг ҳам тусланиш намунасини берган. Фақат шунчаки тусланиш берилмасдан, балки истисноли ҳолатлар ҳам алоҳида қайд этилган. Масалан, иккиланган феъллар тусланишида تربب – тараббаба, تهدد – *таҳаддада* шаклидаги феъллар мажҳул нисбатда тўғри феъллар сингари тусланиши; أيقظ – *‘айқата* мажҳул нисбатда أوقظ – *‘увқита* бўлиши, чунки даммадан сўнг يئو ҳарфи وвов га ўзгариши каби масалалар тушунтирилган.

Маҳмуд Замахшарий ҳозирги-келаси замон, яъни «المضارع» – *ал - мудāри* ‘у феълларни шундай таърифлайди صدره هو ما اعتقب في احدى الزوائد الأربعة نحو: يفعل, تفعل, أفعل, نفعل. و يشترك فيه الحاضر و - المشتقبل الا اذا دخله « اللام » و « سوف ». و يعرف بالرفع و النصب و الجزم «*ал - мудāри* ‘у» феъллар келаси замон кўрсаткичи бўлмиш тўрт олд қўшимчадан бирини олган бўлади, масалан: يفعل – *йаф ‘алу*, تفعل – *таф ‘алу*, أفعل – *‘аф ‘алу*, نفعل – *наф ‘алу*. Мудари‘ феълларда ҳозирги ва келаси замон бир бўлади, агар у « اللام – *ал-лām* « ва « سوف – *савфа*» ни қабул қилмаган бўлса. Мудари‘ феъл رفع - *раф*‘, نصب - *насб* ва جزم - *жазм* ҳолатида бўлади»².

«Муқаддамату-л-адаб»да эса «ҳозирги - келаси замон феъли олдига يئو т т, ء ҳамза, ن н ҳарфлари қўшилган ҳолда ясалади, масалан : يفعل – *йаф ‘алу*, تفعل – *таф ‘алу*, أفعل – *‘аф ‘алу*, نفعل – *наф ‘алу*. Бу феъллар ҳозир ёки келажакни билдирса, يفعل الآن – *йаф ‘алу ал-āн* дейсиз ва у ҳозирги замон, деб аталади, يفعل غدا – *йаф ‘алу гадан* бўлса, у келаси замондир. Агар феълга «син» ёки «савфа» қўшилса, سيفعل - *сайаф ‘алу* ва سوف يفعل - *савфа йаф ‘алу*

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 365б-366а.

² Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: ТДШИ, 2005. Б. 123.

дейсиз. У келаси замонга тааллуқлидир. У уч ҳолатда – هو يضرب - ҳува йадрibu даммали ҳолатда. أن يضرب - 'ан йадрiba фатҳали ёки لم يضرب - лам йадриб каби суқунли бўлади», деб ёзган¹.

Маҳмуд Замахшарийнинг бундай оригинал фикрлари XIII аср тилшуноси Ҳамидудин Даририйнинг ишларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, у шундай ёзади: «Ҳозирги-келаси замон феъли, у истак ёки шарт майли шаклини талаб қилувчи юкламалар билан келмаса, дарак майлида бўлади, келса, истак ёки шарт майли шаклларида бўлади. Мисол: «يضرب - йадрibu»ни ҳозирги-келаси замон феъли бўлганлиги учун аниқ майлда қўлладингиз. Буйруқ майли ва унинг бўлишсиз шакли доим суқунли бўлади, мисол: «اضرب – идриб, لا تضرب – лā тадриб». «اضرب – идриб»ни буйруқ майлида бўлгани учун, «لا تضرب – лā тадриб»ни буйруқ майлининг бўлишсиз шакли бўлгани учун уларнинг охирини суқунли қилинади. Ҳозирги-келаси замон феълини шарт майлида келишини талаб қилувчи юкламалар: لما – лам, لم – ламма, أو - 'ав ва буйруқ майлининг бўлишсиз шаклини ҳосил қилувчи لا – лā. Бу юкламалар ҳозирги-келаси замон феълини суқун ҳолатида бошқаради. Қуйидаги أن - 'ан, لي - ли, كىلا – кайла, لکى – лакалā, لن – лан, اذن – изан, حتى – хаттā юкламалари эса истак майли шаклида бошқаради.²

Замахшарий: «Ҳозирги келаси - замон феълининг мажхул нисбати ва уларга шахс сон қўшимчаларининг қўшилиши қўйидагича يضرب – йудрабу, يضربان – йудрабāни, يضربون – йудрабūна, تضرب – тудрабу, تضربان – тудрабāни, يضربن – йудрабна, تضرب – тудрабу, تضربان – тудрабāни, تضربون – тудрабūна, تضربين – тудрабйна, تضربان – тудрабāни, تضربن – тудрабна, أضرب – 'удрабу, نضرب – нудрабу.

Шунингдек, يكرم – йукриму, يجرب – йажрабу, يجارب – йужжāрибу, يتطلب – йататаллабу, يتتاهب – йатаҳāнибу феъллари ҳам

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 366а-б.

² Қосимова С. Ҳамидуддин Даририйнинг «Муқаддима» асарӣ матн ва тадқиқ. – Т.: ТДШИ, 2014. Б. 87-89.

юқоридаги сингари тусланади. *تطلب* – *таṭлубу* ва *تتناهب* – *тата-
наҳабу* шаклларида иккинчи *ت* ни тушириб қолдириш мумкин
эмас. Чунки, бу шаклдаги феъллар аниқ нисбатда келганида *ت*
лардан бири тушиб қолиши мумкин. Лекин мажхул нисбатда бу
ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас», - дейди¹.

Замахшарий тартиб билан қолган феъл турларини баён
қилади. Жумладан, «Тўғрига ўхшаш феълларнинг ҳозирги -
келаси замонининг мажхул нисбати: *يوعد* – *йӯ‘аду*, *يوعدان* – *йӯ‘а-
дāни*, *يوعدون* – *йӯ‘адӯна*, *توعد* – *тӯ‘аду*, *توعدان* – *тӯ‘адāни*, *توعدن* –
йӯ‘адна, *توعدا* – *тӯ‘аду*, *توعدان* – *тӯ‘адāни*, *توعدون* – *тӯ‘адӯна*,
توعدين – *тӯ‘адīна*, *توعدان* – *тӯ‘адāни*, *توعدن* – *тӯ‘адна*, *أوعد* –
’у‘аду, *نوعد* – *нӯ‘аду* кабидир.

Бўш феълларнинг мажхул нисбатī *يعاب* – *йӯ‘āбу*, *يعابان* –
йӯ‘āбāни, *يعابون* – *йӯ‘āбӯна*, *تعاب* – *ту‘āбу*, *تعابان* – *ту‘āбāни*, *يعبن* –
йӯ‘абна, *تعاب* – *ту‘āбу*, *تعابان* – *ту‘āбāни*, *تعابون* – *ту‘āбӯна*, *تعابين* –
ту‘āбīна, *تعابان* – *ту‘āбāни*, *تعبن* – *ту‘абна*, *أعاب* – *’у‘āбу*, *نعاب* –
ну‘āбу кабидир.

يجاب – *йужāбу*, *يختار* – *йухтāру*, *يستجاب* – *йустажāбу* феъл-
лари ҳам юқоридагидек тусланади. Бу феъллар шарт майлида *ينام*
– *йанāму*, *يختار* – *йахтāру* феъллари каби бўлади.

يتداول – *йата‘ӯду*, *يتعود* – *йужāвиду*, *يجاود* – *йатўҳу*, *يتوح* –
йатадāвалу шаклидаги феъллар тўғри феъллар каби бўлади.

Ноқис феълларнинг мажхул нисбати: *يرمي* – *йурмā*, *يرمان* –
йурмāни, *يرمين* – *турмā*, *ترمان* – *турмāни*, *ترمين* – *турмӯна*, *يرمون* –
йурмайна, *ترمي* – *турмā*, *ترمان* – *турмāни*, *ترمون* – *турмӯна*,
ترمين – *турмайна*, *أرمي* – *’урмā*, *نرمي* – *нурмā* каби бўлади.

Иллатли ҳарфи вовдан иборат барча уч ўзакли ноқис феъллар
ҳамда *يهدى* – *йаҳдī*, *يحلّى* – *йаҳли*, *يجاهى* – *йужāҳī*, *يرتضى* – *йар-
тадī*, *يتجرى* – *йатажаррā*, *يتعاطى* – *йата‘ātī*, *يقتلسى* – *йатақал-
ласī*, *يقلسى* – *йуқласī* қолипидидаги феъллар ҳам юқоридаги каби

¹ Махмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 367а.

тусланади¹.

Маҳмуд Замахшарий феъл майллари ҳақида ҳам батафсил маълумот беради. Жумладан, олим нотўғри феълларнинг шарт майли ҳақида; «Иккиланган феълларнинг шарт майли қуйидагича *لم يستحب* – лам йастаҳибба, *لم يستحب* – лам йастаҳибби, *لم يستحب* – лам йастаҳиб, *لم يعرض* – лам йа‘удда, *لم يعرض* – лам йа‘удди, *لم يعرض* – лам йа‘дид. Ушбу шаклдаги феъллар юқоридагидек тусланиб, охирги иккита бир хил ундошнинг иккиланиши содир бўлаверади, масалан: *يحمر* – йаҳмарру, *لم يحمر* – лам йаҳмарра, *لم يحمر* – лам йаҳмарри, *لم يحمر* – лам йаҳмарир ёки *يقتشر* – йақша‘ирру, *لم يقتشر* – лам йақша‘ирра, *لم يقتشر* – лам йақша‘рир, деб кўрсатади.

Агар иккиланган феълнинг ўрта ўзаги даммалик бўлса, у ҳолда шарт майли барча ҳаракатларда келиши мумкин, масалан: *شد* – шадда, *يشد* – йашудду, *لم يشد* – лам йашудда, *لم يشد* – лам йашудди, *لم يشد* – лам йашудду, *لم يشد* – лам йашудд. Бундай феъллар *فعل* – фа‘ала ва *تفعل* – тафа‘ала бобларида тўғри феъллардек тусланади².

Э.В.Яковенко ҳам Маҳмуд Замахшарий фикрларини қувватлаб, иккиланган феълларнинг шарт майли ҳақида шундай фикрларни ёзади ва фонетик ўзгаришларни кўрсатади³.

Замахшарий тўғрига ўхшаш феълларнинг шарт майли ҳақида шундай ёзади: «Тўғрига ўхшаш феъллар: *يثب* – йасибу, *يثبان* – йасибāни, *يثبون* – йасибўна, *تثب* – тасибу, *تثبان* – тасибāни, *يثبن* – йасибна, *تثب* – тасибу, *تثبان* – тасибāни, *تثبون* – тасибўна, *تثبين* – тасибйна, *تثبان* – тасибāни, *تثبن* – тасибна, *أثب* – асибу, *نثب* – насибу кабидир. *فعل* – фа‘ала – *يفعل* – йаф‘илу, *فعل* – фа‘ала – *يفعل* – йаф‘алу вазнидаги тўғрига ўхшаган барча феълларнинг *و* вов ҳарфи тушиб қолади. Шунингдек, аслида *فعل* – фа‘ала – *يفعل* – йаф‘илу вазнида бўлган, лекин истеъмолда, *فعل* – фа‘ала – *يفعل* –

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 367б.

² Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429. 369 б.

³ Яковенко Э.В. Неправильные глаголы арабского языка. – М.: Вост. лит., 2000. С. 181.

йаф‘алу вазнида ишлатиладиган феълларда ҳам و вов ҳарфи туширилиб қолдирилади, масалан: وهب – ваҳаба, يهب – йаҳабу, وضع – вада‘а, يضع – йада‘у, ودع – вада‘а, يدع – йада‘у, وقع – вақа‘а, يقع – йақа‘у. Шу сингари аслида فعل – фа‘ала – يفعل – йаф‘илу вазнида бўлган, лекин истеъмолда, فعل – фа‘ила – يفعل – йаф‘алу вазнида ишлатиладиган феълларда ҳам وвов туширилиб қолдирилади, масалан: وطئ – ваṭa‘a, يطأ – йаṭa‘у, وسع – васа‘а, يسع – йаса‘у.¹

Бундан бошқа ҳолларда يفعل – йаф‘алу вазнидаги феълларда و туширилмайди, масалан: يوحل – йавҳала, يوجع – йавжа‘а, يوجل – йавжалу.

Шунингдек, يوضو – йавду‘у, يوقح – йавқаҳу феълларида ҳам вов туширилмайди. Демак, ўрта ўзаги дамма бўлган ёки асли фатҳа бўлган барча феълларда و вов туширилмайди. Бироқ, وله валаҳа феълини баъзилар توله المرأة тувлиҳа ал-мар‘ату, деб, баъзилар تله المرأة талаҳа ал-мар‘ату, деб айтишган. Булар икки хил тил бўлиб, توله المرأة тувлиҳа ал-мар‘ату, деб айтганлари бу феълни فعل – фа‘ила, يفعل – йаф‘алу вазнига солиб, تله المرأة талаҳа ал-мар‘ату деб айтганлари аслида бу يفعل – йаф‘алу вазнида бўлган деб و вов ҳарфини тушириб, сўнг يفعل – йуф‘алу вазнига солиб айтишган يوعد – йав‘аду, يوجه – йавжуҳу, ييسر – йайсару, يتهب – йатаҳаббу, يتوكل – йатаваккилу, يستوجب – йаставжибу вазнларида тўғри феъллар сингари тусланаверади².

Араб тилидаги буйруқ майлининг изоҳига алоҳида боб ажратилган.

Унда соф буйруқ майлининг ҳозирги келаси замон феълидан ясалиши ҳақида маълумот берилган, жумладан, تجارب – тажā-раба – جارب - жāриб, تتقاعد – татақā‘аду – تقاعد - тақā‘ад, تتطلب – тататаллабу – تطلب – таṭаллаб, تدرج – тадаҳража – دحرج – даҳраж, تجرب – тажарраба – جرب – жаṛраб, تضع – тада‘у – ضع – да‘, تجرب – тажарраба – جرب – жаṛраб III шахсларга бериладиган буйруқлари шакллари ل лом

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 3696.

² Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 3696.

билан ясалишига урғу бериладй لىقتل – лийақтул, لىقتل – лийақтаула, لىقتلوا – лийақтаулу.

ليضرب يا زيد! *Лийудриб йā Зайд - Урилгин эй Зайд!* (яъни «сени уришсин» маъносида) لنضرب – линудриб, لا ضرب – ли'удриб, لتضرب – литудриб, لتضربا – литудрибā, لتضربوا – литудрибу, لتضربى – литудриби, لتضربا – литудрибā, لتضربن – литудрибна.

Иккиланган феъллардан буйруқ майлининг ясалишй يفر – йафирру – فر – фирра – فر – фирри – افر – ифрир, تضام – тадāм-ма, تضام – тадāмми, تضام – тадāмам мисолида, буйруқ майлидаги иккиланган феълларнинг шахс сонда тусланиши – فرا – фирра – фиррā – фиррū мисолида, тўғрига ўхшаш феълларнинг буйруқ майли عدوا – еда – عد – 'ид – 'идā – 'идū мисолида, бўш феълларнинг буйруқ майли بيع – би', بيعا – бй'ā, بيعوا – бй'ū, بيعى – бй'ī, بيعا – бй'ā, بعن – би'на; ноқис феълларнинг буйруқ майли ارمى – ирми, ارميا – ирмийā, ارموا – ирмū, ارمى – ирмй, ارميا – ирмийā, ارمىن – ирмйна.¹

Таажжуб феъллари бобида уларнинг ما افعل به *мā 'аф'ала, 'аф'ала биҳи* шаклида ясалади, масалан: ما اضرب زيدā *мā 'адраба Зайдан* «Зайд қандай ҳам яхши ургувчидир». Таажжуб феъли фақатгина уч ўзакли феълларнинг биринчи бобидан ясалиши, уларнинг ранг ва жисмоний камчиликни билдирувчи феъллардан ясалмаслиги таъкидланади. Иккиланган ва иллатли феъллардан таажжубни ифодалаш усули шарҳланади ва қуйидаги мисол келтирилади.

ما اعوده *мā 'а'вадаҳу, ма аعوده* – *мā 'ашаддаҳу, ма аئده* – *мā 'ақвалаҳу, ма ارمه* – *мā 'ушдуд биҳи, ма اشدد به* – *'ав'ид биҳи, ма اؤعد به* – *'арми биҳи, ма ارم به* – *'ақвил биҳи, ма اقول به*.

Феълларнинг тусланиши қисмида масдарга бағишланган боб ҳам мавжуд. Унда ҳаракат номи, бўш феъллардан масдар ясалишига тўхталинади², масалан: اغاثة - *иғāбатун, اثابة*.

Аниқ ва мажҳул даража сифатдошларига таъриф берилиб,

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв. № 429-В. 372а-б.

² Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб». ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв. № 429.- В. 370а-372а; Ўша манба – В. 372а-б.

уларнинг ясалишига доир қоидалар ва турли ҳолатларга оид мисоллар келтирилади, жумладан: ضارب – *дāрибун* «ураётган» ёки شاد – *шāддун* бунинг асли شاد *шāдидун* бўлган. قائل – *қā’илун*, بائع – *бā’и’ун* уларнинг асли بايع – *бāйи’у*, قال – *қāвилу* бўлган, غاز – *ғāзин*, رام – *рāмин* уларнинг асли رامى – *рāмийун*, غازی – *ғāзийун*. مبيع – *мабй’ун*, موعود – *мав’идун*, مشدود – *машдудун*, مضروب – *мадрўбун*.

Ҳосила боблар ва тўрт ўзакли феъллардан аниқ ва мажхул даража сифатдошларининг ясалишига оид маълумотлар ҳам шу бобда келтирилган.¹

Қисмда орттирма ва қиёсий даража сифатлари ҳам изоҳланган ва қуйидаги мисоллар берилган:

زيد ضارب و عمر و أضرب منه - *Зайдун дāрибун ва ‘амру ‘адрabu минҳу*

زيد كريم و عمر و أكرم منه - *Зайдун карймун ва ‘амру ‘акраму минҳу*

Феълларнинг тусланишига бағишланган қисм المفعّل *ал-маф’алу вазни* изоҳи билан яқунланган. Бу вазн ҳаракат номи (масдар) ҳамда бажарилган иш ҳаракатнинг вақти ва ўрнини билдириш учун ишлатилади, масалан: مقتل الحسين – *мақталу – л – ҳусайни*. Ушбу жумла қуйидаги учта маънони англатади: «Ҳусайннинг ўлдирилиши», «Ҳусайннинг ўлдирилиш вақти», «Ҳусайннинг ўлдирилиш жойи».

Асарда ёрдамчи сўзларнинг талқин усуллари

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарининг учинчи боби ҳарфларга бағишланган. «Араб тилида алоҳида ишлатилмайдиган, маъносини бошқа сўзлар билан бирикиб келгандагина англашиладиган ёрдамчи сўз ёки қўшимчалар «ҳарф дейилади»². Унда араб тилидаги юклама, боғловчи, олд кўмакчилар, предлоглар ҳақида маълумот берилади. Асарнинг ҳарфларга бағишланган қисми қуйидаги 7та умумлаштирилган

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб». ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв. № 429.– В. 373а-375а.

² Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: ТДШИ, 2005. Б. 113.

фаслдан иборат:

1. Исмларни қаратқич келишигида келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли.

Маълумки, араб тилида учта келишик мавжуд. Исм сўз туркумидаги сўзлар «дамма» ёки «танвин дамма»га тугаса, бош келишикда, «фатҳа» ёки «танвин фатҳа»га тугаса, тушум келишигида, «касра» ёки «танвин касра»га тугаса, қаратқич келишигида ҳисобланади. Араб тилида сўзлар предлог таъсирида ёки изофа ҳолатидагина қаратқич келишигида туради. Замахшарий ушбу фаслни от, сифат, сон, умуман араб тилида исм туркумига кирувчи сўз туркумларини қаратқич *الجر* – *ал-жарру* келишигида келишини талаб қилувчи прелоглар ҳақидаги маълумотдан бошлаган. Улар: *ب* – *би*, *من* – *мин*, *الي* – *илā*, *في* – *фи*, *ل* – *ли*, *رب* – *рубба* (*رُبمَا* – *руббамā*), *علي* – *алā*, *عن* – *ан*, *ك* – *ка*, *مذ* – *муз*, *منذ* – *мунзу*), *حتي* – *хаттā*, *حاشا* – *хāшā*, *خلا* – *халā*, *عدا* – *адā*. Шунингдек қасамни ифодаловчи *و* – *ва*, *ب* – *би*, *ت* – *та* – олд кўмакчилари ҳисобланади.

Замахшарий ҳар бир олд кўмакчининг қачон ва қайси маънода ишлатилишини бирма бир мисоллар билан тушунтирган. Жумладан, *ب* – *би* олд кўмакчисининг исм келишигига таъсири ва феъллар билан келганда маъно фарқловчи вазифасини ҳам бажариши қуйидаги мисолда берилган. Жумладан «*مررت بزيد* – *марарту бизайдин* – *Зайднинг олдидан ўтдим*» *ب* – *би* олд кўмакчиси *Зайд* сўзидан олдин келиб, уни қаратқич келишигида бошқарса, иккинчи томондан *مر* – *марра* феъли *من* – *мин* билан келса «*кесиб ўтмоқ*» маъносини беряпти¹.

Асар сифатида араб тилидага энг сермахсул, кўп ишлатиладиган олд кўмакчилар қуйидагилар берилган:

من – *мин* – иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрни ёки пайтини ифодалайдй *خرجت من البصرة* – *харажсту мина-л- басрати* – *Басрадан чиқдим*.

في – *фи* – (иш-ҳаракат, ҳодиса ёки нарсани) ўз ичига олган «идиш», пайт ёки жойни ифодлайдй *المال في الكيس* – *алмāлу фй-л-кйс* – *Мол қоп (халта)дадир*. *زيد في الدار* – *Зайдун фй-ддāри* – *Зайд*

¹ Баранов Х. Арабско-русский словарь. – М.: 1977. С. 747.

ҳовлида.

ل – ли – тегишлилик, хосликни ифодалайдӣ *المال لزيد* – алмāлу лизайдин – Мол Зайдникидир. *الجد للفرس* – алжидду лилфараси – Қаттиқ ҳаракат қилиш от учун хос. *هو ابن له و اخ له* – ҳува ибнун лаҳу ва ахун лаҳу – у унинг ўғли ва унинг биродаридир.

رب – рубба (*ربما* – руббама) – эҳтимол, бўлиши мумкин деб ҳисоблашни (англатиб) ноаниқ ҳолатда бўлади. Масалан: *رب رجل* – рубба ражулун – баъзан киши... ёки *رب رجل لقيته* – рубба ражулун лақайтуҳу – баъзан мен учратган киши... каби.

زيد علي السطح – *زيد علي السطح* – устида бўлишни билдирадӣ *زيد علي* – Зайдун *‘الā-с-сатҳи* – Зайд том (текис жой) дадир, яъни устида. *المال علي زيد* – алмāлу *‘алā* Зайдин – Мол Зайднинг зиммасидадир, яъни гарданида. *تبحر في الادب علي صغر سنه* – табаҳҳара фй-л-адаби *‘алā-с-сизари синниҳи* – Ёшлик чоғида одобни яхши ўрганди.

عن – *‘ан* – ўтиш (биридан иккинчисига), нақл қилишни ифодалайдӣ *رمىت عن القوس* – рамайту *‘ани-л-қавси* – Камондан отдим. *سمعت عن الغائب كذا* – сам’иту *‘ани-л-ғā’иби каза* – Йўқ (киши) ҳақида шундай эшитдим. *اخذت عنه المال* – ахазту *‘анҳу ал-мāла* – Ундан молни қабул қилдим.

ك – ка – сўзга қўшилиб ёзиладиган предлог бўлиб ўхшатишни англатадӣ *زيد كعمر* – Зайдун ка’амрин – Зайд Амр сингаридир (Амрга ўхшайди).

منذ – муз, (*منذ* – мунзу) – бирор бир босқичнинг бошланиш вақтини ифодалайдӣ *ما رايته منذ يوم الجمعة و منذ يوم الجمعة* – ма ра’айтуҳу муз йавми-л-жум’ати ва мунзу йавми-л-жум’ати – Жума кунидан бери уни кўрганим йўқ. Ёки *منذ ثلاثه ايام و منذ ثلاثه ايام* – тақўлу муз салāсати аййāмин ва мунзу салāсати аййāмин – Яна «уч кундан бери» ҳам деб айтасан.

حتي – хаттā – иш-ҳаракатнинг тугалланиш ўрни ёки пайтини билдирадӣ *سرت حتي الصباح* – сирту хаттā-с-сабāҳи – Тонггача юрдим.

حاشا – хāшā, خلا – халā, عدا – адā – истиснони англатадиган юкламалар: *حاشا زيد* – асā’а-л-қавму хāшā зайдин – Зайддан бошқа қавм (ҳамма) ёмонлик қилди. Ёки *جاؤوا خلا زيد و*

عدا زيد – *жā'ū халā зайдин ва адā зайдин* – *Зайддан бошқа (кишилар) келдилар*. *عقول* – *ва тақўлу* - *خلا زيدا* - *халā зайдан* - *وما عدا* - *ва мā халā зайдан* - *وما خلا زيدا* - *ва адā зайдан* - *وما عدا زيدا* - *ва мā адā зайдан* – деб ҳам айтасан¹.

Араб тилида қасамни ифодалаш учун *تاء* - *тā'ун*, *باء* - *бā'ун*, *واو* - *вāвун* предлогларидан фойдаланади, масалан: *والله* – *валлоҳи*, *تالله* – *таллоҳи* – «Худо ҳаққи». «Муқаддамату-л-адаб»да ҳам буларга мисоллар берилган: *بالله* – *биллāҳи* ла'аф'алу - *Аллоҳга қасамки, албатта, қиламан*; *والله* – *валлоҳи* ла'адрибу – *Аллоҳга қасамки, албатта, ураман*; *تالله* – *таллоҳи* ла'укаййиду – *Аллоҳга қасамки, албатта, ҳийла қиламан*.

2. Исмларни (шаклан) тушум келишигида келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли. Замахшарий мазкур фаслда сўзларни тушум келишигида бошқарувчи турли юкламаларни тақдим қилган. Бу гуруҳга истисно юкламалари, ундов юкламалари, иш-ҳаракатнинг биргаликда бажарилганли-гини кўрсатувчи «*الواو المعية*» – «*ал-вāву-л-ма'иййату*» нинг қўлланилишини мисоллар ёрдамида баён қилган. Жумладан,

الاء – *иллā* – истиснони англатади: *جاء القوم الا زيدا* – *жā'а-л-қавму иллā зайдан* - *Зайддан бошқа қавм (ҳамма) келди*. *و تقول* – *ва тақўлу* *جاءني احد الا زيد و الا زيدا* – *жā'анī аҳадун иллā зайдин ва иллā зайдан* – «*Зайддан бошқа кимдир олдимга келди*», деб «Зайд» сўзини *الاء* – *иллā* дан кейин бош ёки тушум келишигига қўйиш мумкинлиги таъкидланган. *ما رايت احدا الا زيدا* – *мā ра'айту аҳадан иллā зайдан* – *Зайддан бошқа бирор кишини кўрмадим*. Инкор, яъни бўлишсиз гапларда *الاء* – *иллā* - юкламасидан кейин келаётган истисноланмиш сўзнинг келиши ҳам мисоллар ёрдамида қуйидагича берилган: *ما رايت احدا الا زيدا* – *мā ра'айту аҳадан иллā зайдан* *Зайддан бошқа бирор кишини кўрмадим*. *ما مررت باحد الا زيد و الا زيدا* – *мā марарту би'аҳадин иллā зайдин ва*

¹ Махмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 352а.

илла̄ зайдан - Зайддан бошқа бирор кишининг олдидан ўтмадим ёки *ما مررت الا بزيد* – *mā marartu illā bizaydin* фақат Зайднинг олдидан ўтдим. Ушбу мисолларда предлог бошқарувидаги феъл мисолида истинно қоидаси тушун-тирилган.

يا – *йā* – ундов юкламаси. *يا عبد الله* – *йā ‘абда-л-лоҳ* - Эй, Абдуллоҳ! *يا رجلا خذ بيدي* – *йā ражулан хуз бийади* - Ҳой киши, қўлимдан тут. *يا خيرا من زيد* – *йā хайран мин зайдин* - Ҳой, Зайддан яхшироқ (киши). Маҳмуд Замахшарий араб тилида мавжуд бўлган *يا* - *айā*, *ها* - *хайā*, *اي* - *ай* ва *ياء* – *йā’ун* маъносидаги *أ* - *ҳамза* билан ҳам ифодаланиши айtilган. *يا زيد* – *йā зайду*, *يا رجلا* ва *يا راжулу* – Эй, Зайд ва эй, киши. *يا* – дан кейин келаётган сўзни бош келишикда ҳам, тушум келишигида ҳам айтиш мумкин.

الواو المعية - *ал-вāву-л-ма’иййату* - иш-ҳаракатнинг биргаликда бажарилганлигини кўрсатади. *استوي الماء و الخشب* – *иставā-л-мā’у ва-л-хашабата* - сув ва ёғоч тенглашди, яъни сув ёғоч билан тенглашди. *جاء النور و الطيالة* – *жā’а-н-нўр ва-ттайāлисата* нур ва пештоқ келди, яъни нур пештоқ бўйлаб келди. Бу мисолларда *الواو* - *вāвун* дан кейин келаётган сўз тушум келишигида бўлади¹.

3. Гапнинг эгасини тушум келишигида ва кесимини бош келишикда келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли. Мазкур фаслда эгага таъсир қилиб унинг келишигини ўзгартирадиган олти юклама ҳақида сўз боради. Улар: *ان* – *’инна*, *ان* – *’анна*, *كأن* – *ка’анна*, *لكن* – *лакинна*, *ليت* – *лайта*, *لعل* – *ла’алла* юкламалари мисоллар ёрдамида изоҳланган. Жумладан:

ان زيدا منطلق - *’инна* – *ан* – *инна* зайдан мунталиқун – Албатта Зайд кетяпти.

بلغني ان زيدا ذاهب - *’анна* – *ан* – *инна* зайдан *зāҳибун* – Менга Зайднинг кетаётганлиги хабари келди.

كأن زيدا الاسد - *ка’анна* – *кāн* зайдан *ал-’асадун* - Зайд гўё шердек.

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 3526.

ма жә'анӣ зайдун - ما جاءني زيد لكن عمرا حاضر - лакинна - لكن
лакинна 'амран ҳадирун - Менинг олдимга Зайд эмас, балки Амр келди
лайта зайдан ҳа́рижун - Кошки - لیت زيدا خارج - лайта - لیت
Зайд чиқса.

ла'алла 'амран ҳадирун - Шояд - لعل عمرا حاضر - ла'алла - لعل
Амр келса¹.

Мисоллардан кўриниб турибдики, бу олти юкламадан кейин келаётган эга тушум келишигида турибди. Агар бу юкламаларга
ма кўшилиб келса, исмлар, яъни эга бош келишикда келади.
Масалан: انما زيد منطلق - иннамā зайдун мунталиқун - Албатта
Зайд кетяпти, انما الله واحد - иннамā-л-лоҳу илахун вāҳидун -
Албатта, Аллоҳ (ягона илоҳдир) биттадир.

Замахшарий ушбу фаслда эганинг келишигига таъсир кўрса-
тувчи юқоридаги олти юкламага 1-шахс бирикма олмошлари
қўшилиши мумкин-лигини батафсил кўрсатиб берган. Масалан: و
ليتني, و - ва иннанӣ, و انني, و - ва тақўлу иннӣ, و تقول اني
- و لكنني, و - ва лакиннā, و لكنا, و - ва лакиннӣ, و لكني, و -
ва лакиннанӣ, و لكننا, و - ва ла'аннӣ, و كأنني, و - ва ка'аннā,
و انا, و - ва ка'аннанӣ, و كأننا, و - ва ка'анна, و اننا, و -
ла'аннā, و لعلي, و - ва ла'аллӣ, و لعلي, و - ва ла'алланӣ, و لعنا,
و - ва ла'алланā

4. Ҳозирги –келаси замон феълини насб ҳолатида келишини талаб қиладиган ҳарфлар фасли². Ушбу фаслда Маҳмуд Замахшарий феъли истак майлида келишини талаб қилувчи тўрт юклама ҳақида сўз юритади. Улар:

ان - 'ан - احب ان تقوم - 'уҳиббу 'ан тақўма - Мен тик туришингни ёқтираман

لان - лан - لن يقوم زيد - лан йақўм зайдун - Зайд ҳеч қачон тик турмайди.

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429. – В. 352б-353а.

² Араб тилида феълнинг «насб»ҳолати дейилганда унинг истак майли шакли назарда тутилади.

جئت كي تعطيني - кай - кай - жи'ту кай ту'тїнї - Менга беришинг учун келдим.

كما تكرمني اذن اكرمك - 'изан - 'изан - 'ук-
римака - сен мени ҳурмат қилганингдек, мен сени ҳурмат
қиламан¹.

В. Гиргас Замахшарий фикрларини тасдиқлаб, «феъллар насб ҳолатида грамматик бошқарувчи сўзлар таъсирида истак майлида ишлатилади. Улар бевосита феълни насб ҳолатига қўювчи أن - 'ан, کی - кай, لن - лан, اذن - 'изан юкламаларидир»², - дейди. Улардан кейин феъл истак майлида туришини юқорида келтирилган мисолларда кўриш мумкин.

Мавзуни давом эттириб, Замахшарий шундай дейди «ان - 'ан - юкламаси бешта ҳарфдан кейин туширилиб қолдирилади. Улар: حتي - хаттā, و - ва, او - 'ав, ل - ла, ف - фа олд кўмакчи ва боғловчилардир». Қуйида келтирилган мисолларда ان юкламаси тушиб қолган.

سرت حتي ادخلها - сирту хаттā 'адхалаҳа - У ерга киргунимча юрдим.

لا تاكل السمك و تشرب اللبن - лā та'кул ас-самака ва таишабу-л-лабана - Сут ичиш билан бирга балиқ емагин.

لا لزمك او تعطيني حقّي - ла'алзамука 'ав ту'тїнї ҳаққї - Ҳаққимни бермагунингча сени маҳкам тутаман(қўйиб юбормайман).

جئتك لتكرمني - жи'тука латукримунї - Олдинга мени иззат-икром қилишинг учун келдим.

زني فاکرمك - зурнї фа'укримука - Меникига кел, ҳурматингни жойига қўяман.

لا تشتمني فاشتمك - лā таиштумнї фа'аштумука - Мени сўкма! Шунда сени ҳам сўкмайман.

الا اجيئك فازورك - 'алā 'ажї'ука фа'азўрука - Сени зиёрат қилиш учун олдинг келмайинми!?

ما تاتينا فتحدثنا - мā та'тїнā фатаҳаддасанā - Бизникига

¹ Махмуд Замахшарий. «Мукаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 353а.

² Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – СПб, 1873. С.118.

келмайсанми, биз билан суҳбатлашардинг¹. Мисоллардан кўри-
ниб турибдики, *ان* юкламаси тушиб қолган бўлсада, ўзининг
феълга таъсир кўрсатувчи кучини сақлаб қолган ва феъллар насб
ҳолатида, яъни истак майли шаклида турибди.

5. Ҳозирги-келаси замон феъллини жазм ҳолатида келишини
талаб қиладиган ҳарфлар фасли². Замахшарий: «Феъллар бешта
юкламадан кейин жазм (суқун) ҳолатида туради. Улар :

لم – лам - *لم يضرب زيد* – лам йадриб зайдун - Зайд урмади
لما – ламма - *لما يقيم عمرو* – ламма йақум ‘амру - Амр ҳали
тургани йўқ.

ل – ли - *ليضرب زيد* – лийадриб зайдун - Зайд урсин.
ان – ‘ин - *ان تخرج اخرج* – ‘ин тахруж ‘ахруж - Чиқсанг
чиқаман.

لا – лā – *لا تخرج* – лā тахруж - чиқмагин» , - дейди³.

Демак, шарт майлининг юкламалари *لم* – лам - йўқ, *لما* – ламма
- ҳали йўқ, *ل* – ли - буйруқни ифодалаш учун, *لا* – лā - учта шахсда
маън қилиш учун ва *ان* – ‘ин шарт гапларда шартни ифодалаш
учун ишлатилади. Кўриниб турганидек, бу юкламалардан кейин
феъл жазм ҳолатида турибди.

6. Боғловчилар фасли. Маҳмуд Замахшарий навбатдаги
фаслни араб тилидаги боғловчиларга бағишлаган. Унда
бириктирувчи «*و* – ва, *ف* – фа, *ثم* – сума, *حتي* – ҳаттā», айирувчи
«*او* – ав, *ام* – ам, *اما* – амā – *امما*» ва зидловчи «*لا* – лā, *بل* – бал,
لكن – лакин» боғловчиларини изоҳланган. Масалан:

و – ва - *ضرب زيد و عمرو* – дараба зайдун ва ‘амру - Зайд ва
Амр урди.

ف – фа - *ضربت زيدا فعمر ا* – дарабту зайдан ва ‘амран - Зайдни

¹ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 352-353б.

² Араб тилида феълнинг «жазм» ҳолати дейилганда унинг шарт майли шакли назарда тутилади.

³ Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 353б.

ва Амрни урдим.

ثم – жә’анӣ зайдун сума ‘амрӯ - Меникига Зайд, сўнг Амр келди.

حتى – ҳаттā – Ҷарбату ал-қавма ҳаттā зайдан - Нафақат қавми (ҳаммани) ҳатто Зайдни ҳам урдим.

او – ав – жә’анӣ зайдун ав ‘амрӯ - Меникига Зайд ёки Амр келди.

ما – ма ра’айту ‘азайдун ‘индака ам ‘амрӯ - Олдингдаги Зайдми ёки Амрми, кўрмадим.

اضرب إما زيدا و اما عمرا – иммā ... ва иммā – иммā зайдан ва иммā ‘амрӯ - ё Зайдни, ё Амрни ургин.

لا – лā – жә’анӣ зайдун лā ‘амрӯ - меникига Амр эмас, Зайд келди.

ما رايت بکرا بل خالدا – ма ра’айту бакран бал хāлидан - Бакрни эмас, балки Холидни кўрдим.

ما جاءني زيد لكن عمرو – ма жә’анӣ зайдун лакинна ‘амрӯ - меникига Зайд келмади, лекин Амр (келди)¹.

7. Ўзидан кейинги сўзга таъсир ўтказмайдиган ҳарфлар фасли, деб номланган мазкур фаслда Замахшарий араб тили грамматикасидаги «ҳарф» сўз туркумида мавжуд бўлган «тасдиқ юкламалари», «ундаш, даъват қилиш юкламалари», «келаси замон юкламалари», «шарт юкламалари» ва ҳ.к.з. каби бир неча гуруҳни бир фаслда жамлаган. Бунинг сабаби улардан кейин келаётган сўзларнинг эъробии ўзгармайди, яъни улар сўзларнинг келишиги ёки майлига таъсир қилмайди. Тилшунослар бу туркумдаги ёрдамчи сўзларни қуйидагича бўлиши учун гуруҳлаб тасниф қиладилар.

1- гуруҳга араб тилида حرفا الشرط – ҳарфā-ш-шарт – деб номланувчи шарт юкламаларини киритади. Улар:

لو – лав акрамтани ла’акрамтука – лав акрамтани ла’акрамтука – Агар мени ҳурмат қилганигда эди, мен ҳам сени ҳурмат қилардим.

لولا زيد لاكرمته – лавлā зайдун ла’акрамтука –

¹ Махмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб» ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, қўлёзма, инв № 429-В. 353б.

Агар Зайд бўлмаганида сени ҳурмат қилардим.

2- гуруҳга «*حروف التصديق* - *ҳуруф ат-тасдиқ* - тасдиқ юкламалари» киритади. Улар «*نعم* - на‘ам», «*اجل* - ажал», «*بلي* - *балā*», «*اي* - *аййу*» бўлиб ўзидан кейин келаётган сўзнинг эъро-бига таъсир қилмайди. Масалан:

«*أقام زيد* - *а қāма зайдун* - *Зайд турдим*» деган саволга «*ҳа*» деб жавоб берилганда «*نعم* - на‘ам» ёки «*اجل* - ажал» икки тасдиқ юкламасидан хоҳлаганини ишлатиш мумкин. Борди-ю мазкур савол «*ألم يقم زيد* - *а лам йақум зайдун* - тарзида берилса «*ҳа, турди*», деб «*بلي* - *балā*» тасдиқ юкламаси ишлатилади.

«*هل تعرف كذا* - *ҳал та‘рифу каза?* - *шунақа (нарсани) биласанми?*» деган саволга агар билса «*اي والله ان عرفته* - *аййу валлоҳи ‘арафтуҳу* - *Худо ҳаққи, ҳа уни биламан*, деб «*اي* - *аййу*» тасдиқ билан жавоб берилади. Агар билмаса «*لا والله* - *лā валлоҳи* - *Худо ҳаққи, йўқ*, деб айтилади.

3-гуруҳга «*حرفا التفسير* - *ҳарфā ат-тафсӣр* - тушунтириш, изоҳ бериш юкламалари»ни киритилади. Булар «*اي* - *ай*» ва «*ان* - *инна*» юкламалари бўлиб гапда қуйидагича ишлатиладӣ

«*ان الكذوب قد يصدق* - *инна-л-кузӯб қад йасдуқу* - *Албатта ёлгончи ҳам рост гапирди*.

«*رايت اخاك اي زيدا* - *ра‘айту ‘ахāка ‘ай зайдан* - *Акангни, яъни Зайдни кўрдим*.

«*جاءني اخوك اي زيد* - *жā‘анӣ ‘ахӯка ай зайдун* - *Олдимга аканг, яъни Зайд келди*.

«*مررت باخيك اي زيد* - *марарту би‘ахīка ай зайдин* - *Акангни, яъни Зайдни олдидан ўтдим*.

4-гуруҳга «*الأستقبال حروف* - *ал-‘истиқбāl ҳуруф*» келаси замон юкламаларини киритди. Улар «*س* - *са* ва «*سوف* - *савфа*» бўлиб иш-ҳаракатнинг келаси замонда албатта амалга ошишини билдиради. Масалан: «*سيكتب* - *сайактубу*, «*سوف يكتب* - *савфа йактубу* - *у ёзади*.

5-гуруҳга диққат –эътиборни жалб этиш, огоҳлантириш маъносидаги ҳарфлар жамланди. Улар араб тилида «*حروف التنبيه* - *ҳуруф а-т-танбӣҳ*» дейилади¹. Масалан:

¹ Носирова М. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар. – Т.: ТДШИ, 2004. Б.53.

ألا ان زيدا فاضل – 'alā анна зайдан фāдилун - Огоҳ бўлгинки,
Зайд фозил (киши)дир.

ألا انهم هم الكاذبون – 'alā аннаҳум ҳуму-л-кāзибўн - Огоҳ
бўлингларки, албатта ёлгончилар ана ўшалардир.

أما ان الحق عنده – 'amā анна-л-ҳаққ индаҳу - Ахир ҳақиқат
Унинг ҳузурида эмасми?!

أما انه لكریم – 'amā аннаҳу лакарйм - Албатта У карийм
(сахий) зот эмасми?

Шуни таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Замахшарийнинг «حروف عاملة - хурўф ғайри 'āмила» – «ўзидан кейинги сўзга таъсир ўтказмайдиган ҳарфлар» сифатида келтирган юклама ва боғловчилар ҳозирги замон араб адабий тилида кенг қўлланилади.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари дунё олимлари томонидан луғат сифатида эътироф этилган ва тадқиқ этилган. Асарни комплекс ўрганиш унинг тилшунослик ҳамда луғатшунослик анъаналари уйғунлаштирилган нодир манба эканлигини кўрсатди. «Муқаддамату-л-адаб» каби тузилишга эга асар тарихда учрамайди.

Асарнинг дастлабки исмлар ва феъллар номи аталган икки қисми унга халқаро шуҳрат олиб келган бўлса, грамматикага бағишланган уч қисм Маҳмуд Замахшарий номини Марказий Осиё ва қўшни мамлакатларда етук тилшунос сифатида машҳур қилди.

Маҳмуд Замахшарийнинг луғатшуносликда киритган бу янгилигининг мақсади шундан иборат эдики, аввал араб тил системасини ўрганиб чиқиб, ундаги сўз туркумларини тасниф қилиш ва ҳар бир сўз туркумининг грамматик категорияларини таҳлил қилиб, нафақат бу сўзларнинг таркиби ва маъносини баён қилиш, балки уларнинг нутқ жараёнида қандай шаклларда қўлланиши ва унинг морфологик ва синтактик муносабатларини шарҳлаб беришни кўзда тутган эди.

У ўзининг асарида сўз туркумлари ва уларга кирадиган лексик бирликларни ҳар бир сўз туркуми доирасида батафсил ёритиб берган. Замахшарий қўллаган бу усул асарнинг салмоғини ниҳоятда оширган. Чунки, кейинги асрларда барча араб ва араб бўлмаган мактаб, мадрасаларда бу асар араб тили луғати ва грамматикаси бўйича энг ноёб қўлланма сифатида фойдаланилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг маҳаллий халқлар орасидаги шуҳрати боис мазкур асар котиблар томонидан кўплаб нусхаларда кўчирилган. Жумладан, дунё фондларида луғат қисмларининг ҳозирча аниқланган XIII-XV асрларга оид 72 қўлёзмаси, грамматик қисмларининг мингга яқин қўлёзмаси мавжуд. Мазкур қўлёзмалар асарнинг аҳамиятини кўрсатувчи асосий далил ҳисобланади.

III БОБ. «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» АСАРИДАГИ ТУРКИЙ СЎЗЛИКНИНГ ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ

Асарда туркий тил унлилар тизимининг ифодаланиш усуллари

Туркий тиллар фонетикаси бўйича қатор муҳим тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, булар асосида қадимги ёзма ёдгорликлар тилининг фонетик хусусиятлари ёритилган ва маълум бир хулосаларга келинган¹.

Унли фонемалар. Аксар олимлар қадимги туркий тилда саккизта унли фонема бўлганини кўрсатиб берганлар², булар биридан қатори (орқа қатор - *а, ы, о, у*; олд қатор - *э, и, в, у*), тор-кенглиги (тор - *ы, и, у, у*; кенг - *а, э, о*) лабланиш-лабланмаслигига (лабланган - *о, в, у, м*; лабланмаган - *д, а, ы*,) кўра фарқланган.

А.М.Шчербак, XI-XIV аср ёзма ёдгорликларида унлиларнинг айрим имло белгиларига кўра 8 та қисқа, 8 та чўзиқ, жами 16 та унли товуш мавжудлигини таъкидлайди³.

Қ.Маҳмудов рус туркийшунослари В.В.Радлов ва И.А.Батманов XI-XIV аср ёдгорликларида юмшоқ, қаттиқ хусусиятларига эга бўлган 8 та унли борлигини эътироф этишларини таъкидласа-

¹ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. - Ленинград. 1970; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. - Москва, 1979; Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои. Автореферат дисс. на соис. уч. ст. докт. филол. наук. - Ташкент, 1966; Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. - Тошкент, 1982; Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. - Тошкент, 1990; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. - Тошкент, 1992; Махмудов Қ. Ахмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» асари ҳақида. - Тошкент, 1972; Махмудов Қ. ХII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик снстемаси. - Тошкент, 1990; Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. - Тошкент, 1994; Санакулов У.С. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг шаклланиши ва тараккиёти (илк босқич). Фил. фан. док. ... дис. автореферата. - Тошкент, 2007 ва б.

² Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. - Тошкент, 1982. Б. 7.

³ Щербак А.М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана. - М. - Л., 1961. С. 31-36.

да, ўзи 9 та унли фонема бор, деб ҳисоблайди¹. У ўша давр тилининг фонетик тизимини аниқлашга хизмат қилган асарлардан «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг тадқиқи натижасида асарнинг орфографик, фонетик хусусиятларини ўрганиш унда 9 та унли фонема мавжудлигини кўрсатди» деб, *а, ä, ö, о, э, у, ў, ы, и*² товушларини санаб ўтади.

У.С.Санакулов кўп туркшунослар кўрсатган 8 та унлилар қаторига Қ.Махмудов томонидан қўшилган *ё* ҳақида XI-XII асрларда бу унли мустақил фонема, ҳатто вариант тарзида шакланиб улгурмагани ва уни XIII-XIV асрлар биринчи ярмидаги ёзма ёдгорликлар тилида вариант ҳолда қўлланган, деб қараш тўғри бўлиши, XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унда мустақил фонемалик хусусияти сезилганини таъкидлайди³.

X-XIII аср ёдномалари тили фонетикасининг унлилар тизимида юқоридаги 8 та унли қайд этилса, XV асрга келиб уларга «XV аср ўзбек адабий тилида тожик тилидан ўтган сўзлар туфайли пайдо бўлган»⁴лабланмаган, орқа қатор, очик *[э]* фонемаси қўшилган. Бу унли ҳақида У.С.Санакулов ўз тадқиқотида унинг дастлаб араб ва форс тилларининг таъсирида юзага келгани, туркий тилларда юзага келиши араб тилининг таъсирида бошланганини таъкидлаб, бу фонеманинг ёзма манбаларда кўриниши туркий тилнинг кейинги тараққиётида, аниқроғи, эски умумтуркий ёки эски ўзбек тилининг XIII-XIV асрларидан бошлаб юзага келганини баён қилади ва *[о]* ва *[е]* *[э]* фонемасига яқин) унлилари илк эски ўзбек тилининг кейинги босқичида шаклланган⁵, дейди.

¹ Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Б. 45.

² Махмудов 1<. Ахмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. – Тошкент, 1972. Б. 23.

³ Санакулов У.С. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологи к меъёрларининг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич). Фил. фаи. док. ... дис. автореферат – Тошкент, 2007. Б. 14-15.

⁴ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. Б. 15.

⁵ Санакулов У.С. Ўзбек езма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг шаклланиш ва тараққиёти (илк босқим). Фил. фан. док. ... дис. автореферати. – Тошкент, 2007. Б. 14.

Туркий тиллардаги унлиларда учрайдиган чўзиқликнинг мавжудлиги ҳақида турли фикрлар бирдирилган ва бу масала илмий жиҳатдан ҳал этилмаган¹.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг ўрганилган барча қўлёзмаларида туркий сўзлик тўлиғича арабий услубда берилган. Уларда жумлалардаги кетма-кетлик араб тилига мослаштирилган. Масалан, араб тилидаги *سجر التنور* - *сажара ат-танӯра* – «тандирни қизитти» ибораси Тошкент нусхаларида *قیزیتتی تنورنی* - *қызытты танурны* (Т. I. 196а.), *قزیتی تنورنی* - *қызытты танурны* (Т. II.32а. 5; Т. III.30б.9) шаклида берилган. Тадқиқ этилаётган манбада ушбу ибора *اتاندی اوتاندی* - *тамдурны отанды*. (X. 121б.2) тарзида берилган.

Арабча *شعر الرجل* - *ша‘ара ар-ражулу* ёрдамчи нусхаларда *قوشوق* – *қошуқ айытты эр* (Т. II.32б. 6; Т. III.31а.6) шаклида берилган. Хоразм нусхасида ушбу ибора *ایدی شعر* - *эр шеър айды* – «эркак киши шеър ўқиди» (X 122а.3) маъносида берилган.

Демак, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Хоразм нусхасида айнан туркий сўзликка алоҳида эътибор қаратилган ва жумла тузилиши туркий тил анъанасига асосланган.

Хоразм нусхасининг ўзига хослига туркий сўзликка, айниқса, талаффуз қоидаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Қадимий даврга мансуб туркий тилдаги қўлёзмаларда айрим истисно ҳолатларни инобатга олмаганда, сўзлар ҳаракатсиз – зеру забарсиз ёзилган. Лекин, «Муқаддамату-л-адаб» да туркий сўзларнинг ўқилишини, биринчи навбатда, тўғрилаш мақсадида матннинг турли ўринларида ҳаракатлар қўйилган. Ҳаракатларнинг берилиши барча сўзларда бир хил учрамайди.

(X.122а.3) *كاشكى بلسادیم* - *лайта ша‘ри* - *лит شعرى* - *кашки билсәдим* – «кошки билсам эди». Иборадаги *би* касраланган, *лом* суқунланган. Шу ҳаракатлар орқали сўз тўғри ўқилишига имкон яратилган.

– *اورغلقتی سجتی* - *базара ал-базра* - *بذر البذر* (X.120а.5)

¹ Санакулов У.С. Ўзбек езма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларининг шаклланиши ва тараққиёти (илк боским). Фил. фан. док. ... дис. автореферати. – Тошкент, 2007. Б-17.

Юқоридаги иборалардаги *батты* феъли тўлиқ ҳаракатлар билан кўрсатилган қиёсланг: (Т. I.186.б.1) باتتى سوغه – *батты сувға*, (Т. II.25а.7) جوكتى سفا – *чөкти сувқа*, (Т. III.27.а.7) بتى سفا – *батты сувқа* – «сувға ботди, чўкди».

Асардаги *a* унлиси туркий матнда *ا* яъни *آ* билан берилган. (X.113а.4) اردى – *азды* – «адашти», (X.114а.3) كندو آج بولدى – *кэндү ач болды* – «ўзи оч бўлди» (X.114а.3) آج قىلدى – *ач қылды* – «оч қолди», (X. 22а. 2) يات - *йат* – «ёт, бегона», (X. 29б. 2) دانشمانى ترسا – *тарсо донишмани* – «насроний донишманди», (X. 29б. 6) تموغ - *тамуг* – «дўзах», (X. 30б. 2) بشماق جى – *башмақчы* – «пояфзалчи», (X. 30б. 4) ياش ترى – *йош тери* – «хом тери», (X. 30б. 4) سغرى - *сағры* – «тери», (X. 30б. 7) يانلىق - *йанлық* – «меш», (X. 31а. 3) اق آس - *ақ ас* – «оқ сичқон», (X. 30б. 5) قرا كون - *қара көн* – «қора тери».

Асардаги *ä* унлиси: (X. 30б. 2) آتوك - *ätük* – «этик», (X. 30б. 2) آتوكجى - *ätügchi* – «этикчи», (X. 30б. 5) جكى - *чäки* – «тери», (X. 30б. 6) كاب - *käp* – «қолип».

Туркий матндаги *э* унлиси худди *a* унлиси каби *آ*, *اى* ва *اى* харфлари орқали ифодаланган. (X.113а.4) بو آزغان آر – *бу азган эр* – «бу адашган киши», (X.113б.4) انكو بولدى – *эзгу болды* – «хуш бўлди», (X.117а.3) افدين جيقتى – *эвдин чықты* – «уйдан чикти», (X.117б.7) ايكادى – *тэмүрни эгä бирlä эгäди* – «темирни эгов билан эговлади», (X.120а.4) ايقدى – *эвди* – «шошди», (X.121а.5) اياك اسكردى – *эв эскирди* – «уй эскирди» (X. 8а. 4) الاك – *элäк* – «элак», (X.19а.7) اكرى كوزلوك - *эгри көзлүк* – «кийшиқ кўзлик», (X. 19б. 3) كسوك قلاقليغ - *кэсүк қулақлығ* – «қулоғи кесилган», (X. 23б. 2) اكيز - *эгиз* – «эгизак», (X. 23б. 2) منكزشك - *мэңзашиқ* – «ўхшаш», (X. 31а. 3) كيش - *кеш* – «олмахон», (X. 31а. 7) ارش - *эриш* – «ўрин», (X. 30б. 7) اسكى يانلىق - *эски йанлық* – «эски меш», (X. 34б. 5) تشقو - *тэшқу* – «парма», (X. 34б. 7) اتجى - *этчи* – «қассоб», (X. 35а. 1) اتمانك جى - *этмäкчи* – «нонвой».

Туркий сўзликдаги *o* унлиси матнда дамма ёки *او* бирик-

маси орқали ифодаланган. (X.113б.1) *جقماق قا اوغرادى* – *чақмаққа оғрады* – «чақмоққа ўхшади» (X.118а.1) *اتماكنى ئۇغرادى* – *этмәкни тоғрады* – «нонни тўғради», (X.118а.3) *اوت سوندى* – *от сонды* – «ўт сўнди, олов ўчти», (X.118б.4) *اوغرادى* – *оғрады* – «ундади» (X. 8а. 7) *اوقلاغو* – *оқлағу* – «ўқлов», (X. 20а. 1) *امكان* – *атни қошиланды* – «отни кўшди», (X.117.б.6) *اوتنى اوردى* – *отны ўрди* – «ўтни ўчирди», (X. 22б. 2) *اغول* – *оғул* – «ўғил», (X. 23б. 1) *طغای ار* – *тағойи эр* – «тоға».

Туркий тилдаги *ö* товуш учун *o* товуши каби ёндашилган. (X.115а.2) *سقىنى تكدى* – *сувны төкди* – «сувни тўкди», (X. 18б. 3) *اوكجا* – *көңүл күйүгү* – «кўнгил ғами», (X. 30б. 5) *كونجى* – *көнчи* – «кўнчи».

Матндаги *u* унлиси қуйидагича ифодаланган:

(X.113б.5) *اىشكو بىرلا* – *тилди аны ўшкү бирлә*, (X.115а.7) *بتيدى* – *битиди* – «битди, ёзди», (X.118б.3) *اىرلادى* – *ирләди* – «куйлади», (X. 25а. 7) *تيريكايك* – *тириклик* – «хаёт», (X. 30а. 7) *بىز* – *бийиз* – «бигиз».

Асарда *ы* унлисининг берилиши:

(X.113б.7) *يىلدىرغان يۇلдуз* – *йылдыраған йулдуз* – «ярақлаган юлдуз», (X.115а.7) *كون بتي* – *күн батты* – «кун ботти», (X.117б.5) *جىقردى* – *чықырды* – «чақирди», (X.119б.5) *الغ بشلغ* – *улуг* – *қорқутты аны* – уни кўрқитти, (X. 18б.4) *قىش* – *қайыш* – «қайиш», (X. 31а. 3) *يب* – *йып* – «ип», (X. 30а. 4) *سفاغ بلجىغى* – *сувағ* – *балчығы* – «сувоғ қоришмаси», (X. 31б. 6) *بوقالىق* – *буқалық* – «ўрта елкан», (X. 36б. 6) *انجىقلىق* – *ынчқылық*, (X. 35б. 4) *يب* – *йып* – «ип», (X. 33а. 1) *ارلا غوجى* – *ырлағучы* – «куйловчи», (X. 34б. 4) *يونوجى* – *йонувчы* – «дурадгор».

Туркий матндаги *y* унлиси дамма ёки *au* ҳарфлари билан берилган.

(X.116а.1) *الغ لُق قىلدى بوزون لار اوزا* – *улуглуқ қылды бузунлар уза* – «кишиларга бошчилик қилди», (X.118б.2) *اؤدودى* – *узуды* –

«ухлади», (X.118б.5) تنكرى قا قل لُق قيلدى – *тэнгрықа қуллуқ қылды* – «тангрига ибодат қилди», (X.120а.5) اورغ لُق نى سجتى – *уруғлуқны сачты* – «уруғликни сочти», (X. 29б. 3) جهود - *жуҳуд* – «яхудий», (X. 29б. 7) استين تموغ - *астын тамуғ* – «остки дўзах», (X. 30а. 7) أسغوج - *усғуч* – «тиғ, кесиш жиҳози», (X. 30б. 7) سقجى – *сувчы* – «сув ташувчи», (X. 37а. 3) اور – *ор*.

Асардаги ў унлиси у унлиси каби ифодаланган.

(X. 20а. 7) يکيت ليک نيك اونى – *йигитликниң ўни* – «йигитлик овози, товуши», (X. 18б.5) قتيغ يوزلوك - *қатығ йўзлўк* – «қаттиқ юзлик, шармсиз», (X. 18б.7) الغ اونلوك - *улуғ ўнлўк* – «баланд овозлик», (X. 25б. 4) اذکولوك - *эзгўлўк* – «яхшилик», (X. 29а. 1) قلم - *қалам ўчи* – «қалам учи», (X. 35б. 7) ايکنک اوجى – *игниң ўчи* – «дукнинг учи», (X. 32б. 7) توتوک – *тўтўк* – «най».

«Муқаддамату-л-адаб» асарининг қўлёзмаларида матн кўчирилган давр тили, хусусан туркий тил хусусиятларини кўриш мумкин. Тадқиқот объекти бўлган Хоразм нусхасида XII-XIII аср туркий тили ёдгорликларида қўлланилган унлилар тизими қўлланилган. Қўлёзмадаги туркий матнда 9 та унли а, ә, э, у, ў, ы, и, о, ö товушлар учрайди. Улар асосан араб алифбосидаги анъанавий أ алиф, ی йо, و вов ҳарфлари билан ифодаланган. Бундан ташқари араб грамматикасидаги ҳаракатлар дамма, фатҳа, касралар воситасида туркий сўзлардаги қисқа унлиларни ифода-лаш ҳоллари ҳам мавжуд. Жумладан, «и» унлиси بلساديم – бил-сәдим, ارلادی - ирләди, پلّتا - пилта, قل - қыл;

«у» унлиси اورغلق - уруғлуқ, يلدوز - йулдуз, ألغ لُق - улуғлуқ, اشکو - ўшкў;

«а» унлиси بّتی - батты, توبلاق - топалақ, نشتر - ништар, ارلغوجى - ырлағучы, سلينجاق - салынчақ.

Туркий тилдаги ундошлар ва уларнинг матнда ифодаланиши

А.Н.Кононов¹ ва бошқа бир қатор олимлар қадимги туркий тилнинг илк ёзма манбалари тилида қўлланган 16-17 та ундошни кўрсатадилар.

Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов 20 та ундош бор деб ҳисоблайдилар, булар: б, п, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ч, к, г, қ, ғ, й, х². Шулардан: б, п, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ч - палатал (ингичка), веляр (қалин) вариантларга эга.

Қ.Махмудов ундошларни қуйидаги тасниф асосида тавсифлайди - жарангсиз: н, п, т, с₃, ш, ч, қ, к, х; жарангли: б, в, д, з, ж, ң, ғ, г сонорлар: м, н, қ, р, л, й.³

Ундош фонемалар XV асрга келиб араб ва форс тиллари таъсирида 25 тага етган: б, п, ф, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ж, ж, ч, к, г, қ, ғ, ц, й, ч, х, ь⁴

Юқоридаги тасниф туркий тиллар «сўздаги товушларнинг бир-бирига ҳамда ўзакка қўшимчаларнинг талаффуз жиҳатдан уйғунлашиши»⁵, яъни сингармонизм ҳодисасига асосланганини кўрсатади. Сингармонизмнинг танглай уйғунлиги ва лаб уйғунлиги қонунлари мавжудлиги таъкидланган.

«Б» товуши - (X. 36б. 3) بزكاك – *безгак* – «безгак», (X. 36б. 5) بش ايگى – *баш иги* – «бош оғриғи», (X. 36б. 7) قابرجوق – *қабарчуқ* – «юз фалажи», (X. 35а. 5) بلاكو – *биләгү* – «қайроқ», (X. 35а. 6) برتوك باغوجى – *бэртүк бағучы* – «шина боғловчи», (X. 32б. 3) بربطجى – *барбатчы* – «чолғучи», (X. 32б. 6) بغارسوق قل – *бағарсуқ қыл* – «ичакдан қилинган тор», (X. 29б. 7) بت – *бут* – «бут, санам», (X. 30б. 4) سفاغ بلجىغى – *сувағ балчыгы* – «сувоқ лойи»,

¹ Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников «VII-IX вв» – Л.: Наука, 1980. С. 61.

² Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1984. Б. 16.

³ Махмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул- ҳақойиқ» асари ҳақида. – Тошкент, 1972. Б. 43-73.

⁴ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент, 1982. Б. 8-11.

⁵ Ўша манба. Б. 12-15.

– بشماق جى (X. 30б. 2) – *tāba* – «катта ғишт», (X. 30б. 5) *تابه* – *башмақчы* – «пояфзалчи», (X. 38б. 3) *بوغ* – *буғ* – «буғ», (X. 39а. 4) *سنبوسه* – *санбуса* – «сомса», (X. 42а. 1) *زوبين* – *зубин* – «найза», (X. 45б. 3) *تيز باغى* – *тиз бағы* – «кушов», (X. 46а. 4) *توبره* – *тобра* – «халта тұрва», (X. 46б. 1) *بوزاغو* – *бузағу* – «бузоқ».

«П» товуши эса «б» ҳамда «п» шаклларида қўлланилган. Масалан: (X. 78б. 2) *پشمش كچاج كا ات* – *пишмиш кўвәчгә эт* – «козонда пишган гүшт», (X. 78. 4) *بوستين دوز* – *постын доз* – «пўстиндўз», (X. 82б. 2) *بو بادشاهلىق* – *бу пәдшәхлық* – «подшоҳлик», (X. 79б. 6) *باموقنى جابتي* – *памуқны чапты* – «пахтани титди», (X. 79а. 4) *پارسا اراغوت قا سوكتى* – *парса урағутқа сөкти*, (X. 8б. 4) *تابه* – *таба* – «това», (X. 8а. 2) *تمور سني* – *тамур саны*, (X. 8б. 2) *باتيله* – *батыла*, (X. 8б. 5) *قازغان قلىپى* – *қазған қулни*, (X. 10а. 4) *كموش طبق* – *күмүш табақ* – «кумуш идиш», (X. 17а. 1) *تيپنك* – *типик*, (X. 31а. 3) *تبوق* – *топуқ* – «түпик», (X. 18б. 1) *كوباك* – *көпәк*, (X. 31б. 1) *يپاك* – *ипак* – «ипак», (X. 31б. 2) *تэпаң* – «олмахон», (X. 31б. 6) *باجاكو ييى* – *пәчәгү йыны* – «тортиб боғлайдиган арқон», (X. 34а. 6) *پلتا* – *пилта* – «кўза».

«Ф» ундоши асосан *ف*, *ڤ* ҳарфлари билан ифодаланган.

(X. 116а. 6) *افكا كيتتى اندين* – *өфкә кәтти андын* – «ундан ўпкалади», (X. 17а. 3) *اوفكان* – *офкән* – «ўпка», (X. 37а. 7) *فلاته* – *филота* – «оқ бозом».

Матнда «в» товушини ифодалаш учун эса «ў» ҳамда «ф» шакллар қўлланилган. Масалан: *اۋجى* – *авчы* – «овчи», *سقلوغ يغورت* – *сувлуқ йағурт* – «сувлик қатик», (X. 120б. 4) *سقوندوردى* – *сэвүндүрди* – «севинтирди», (X. 118а. 1) *سڤ تونكىدى* – *сув тоңыды* – «сув тинди», (X. 115б. 2-3) *كون بتماق قا يڤودى* – *күн батмаққа йавуды* – «кун ботишга яқинлашди», (X. 95а. 6) *بو اگوش سولغ قذوغ* – *бу өгүш сувлуғ қузуғ* – «бу кўп сувли қудуқ», (X. 63а. 6) *اقوردى انى* – *авурды аны* – «уни қайтарди», (X. 61б. 5) *تيفاكا الدورك سورتى* – *тэвәгә өлдүрүк сүртти*, (X. 8а. 7) *تڤاق* – *тувақ* – «товоқ», (X. 25а. 2) *الغ تفار* – *йүвчи* – «тикувчи», (X. 35б. 5) *يڤجى* – *йүвчи* – «тикувчи».

«М» ундоши – (X. 6а. 5) *تمدورلق* - *тамдурлуқ*, (X. 16а. 4) *مهر وک* – *махрук*, (X. 31б. 4) *الغ کمی* – *улуғ кэми* - «катта кема», (X. 37б. 6) *ماسمور* – *масмур* – «желтяница», (X. 35б. 5) *يماجوق* – *йумачуқ* – «калава, копток (*up*)».

Туркий матндаги «т» товуши *ت* ва *ط* ҳарфлари билан ифодаланган.

(X. 233б. 1) *اطنى قندوردى* - *атны қандурды*, (X. 93б. 4) *اط تقى* - *ат тақы аруқ болды* – «от ориқ бўлди», (X. 95а. 4) *اوتون کستى* - *туғал болды* – «тугал бўлди», (X. 62а. 6) *توکل بولدى* - *отун кэсти* – «ўтин кесди», (X. 5а. 2) *تومار* – *тумар* – «тумор», (X. 8б. 7) *تمور تمدور* - *тэмүр тамдур* – «темир ўчоқ», (X. 25а. 6) *تارلىق* - *тарсық* – «бахтсизлик», (X. 29а. 7) *ترسا* - *тарса* – «насроний», (X. 31б. 6) *تيراک* - *тийрәк* - «найза», (X. 37а. 7) *تتری* - *татри* – «тотим, сумах (тери ошлаш учун ишлатиладиган ўт)», (X. 37б. 2) *تمراکو* - *тәңү* – «қайнатилган», (X. 37а. 2) *سنکلاکو تخته سى* - *сәңләгү тахтаси* – «йигирув дастгоҳи», (X. 36а. 4) *اوت قتغو* - *от қатғу* – «дори аралашмаси», (X. 35б. 4) *يورتو* - *йурту* – «игна тешиги», (X. 33а. 5) *تاش توتوک* - *таш тўтүк* – «сопол най».

«Д» ундоши араб алифбосидаги *د* ҳарфи билан ифодаланган: (X.121а.5) *تیلی بیرلا یاز قیلدی* - *тили бирлә йоз қылды* – «тили билан ёд этди», (X. 6а. 2) *ایقنیک* - *эвниң адаси* – «уйнинг олди» (X. 37б. 1) *کاغدی* - *душаб* – «қуюқ шинни, қиём», (X. 33б. 2) *کاغدی* - *кагади* – «ямок».

«С» – (X. 6а. 7) *ابدستلیق* - *абдастлық* – «ювиниш хонаси», (X. 10б. 2) *سیرچاچی* - *сырчачы* – «шишачи», (X. 12а. 5) *سبسا* - *супса* – «супурги», (X. 12а. 5) *بلتا سنى* - *балта сапы* – «болта сопи», (X. 16б. 2) *سیرقناق* - *сайрақ* – «тешик», (X. 17а. 1) *سرقناق* - *сарқанақ* – «чайла, ўтов», (X. 37а. 3) *سۇقلجو* - *сувлачу* – «хуснбузар», (X. 36б. 1) *سۇچۇك باش* - *сўчүк баш* – «ўсимлик мўми», (X. 37а. 1) *چبوجى ياسى* - *чабучы йәси* – «титув камони», (X. 35а. 2) *سكتى* - *сүкти* – «қийма», (X. 35б. 6) *سندو* - *синду* – «қайчи».

«З» – (X. 7a. 5) زنجير - занжир – «занжир», (X. 8б. 4) قازغان – қазған – «қозон», (X. 10a. 4) تولوق - тузлуқ – «туздон», (X. 21б. 2) كوداكو – қўзғу – «кўзгу», (X. 27a. 7) يازوق - йазуқ – «гуноҳ», (X. 31a. 5) زادك - задик – «чиғрик», (X. 31б. 2) ازكو پىللا - эзгү пилла – «сифатли пилла», (X. 37б. 3) سقىز – сақыз – «сақич», (X. 37б. 4) مازو – мазу – «мози, туя (дарахт)», (X. 35б. 5) يب سوز يکنا – йыпсуз – «ипсиз игна», (X. 32б. 2) توزاق – тузақ – «тузоқ», (X. 46б. 2) مينوز – минүз – «шоҳ».

«Н» – (X. 9a. 6) جقماق اجغونى - чақмақ учғуны – «чақмоқ учқуни», (X. 36б. 2) بندق شکرى - бандақ шакари – «экстрагок шакари», (X. 37б. 2) تللقان – талқан – «талқон», (X. 37a. 2) ترناق – тырнақ иги – «панарацит», (X. 35б. 3) يکناجى – йигнәчи – «тикувчи», (X. 33a. 1) قورجاق اويناغوجى – қовурчақ ойнағучы – «кўғирчоқбоз», (X. 46б. 3) يقانق – йақануқ – «туёқ».

«Р» – (X. 7б. 4) تکرمان - тэгирман – «тегирмон», (X. 10б. 2) تیکان جيقارغو - тикәи чықарғу – «тикан оладиган», (X. 15б. 1) يغرق - йугруқ – «мушт», (X. 15б. 7) قريش - қарыш – «қарич», (X. 17a. 2) بغير - бағыр – «жигар», (X. 17a. 3) بوکراک - буйрак – «буйрак», (X. 37a. 7) قوروق اوزوم – қуруғ узум – «майиз», (X. 35б. 4) يورنو - йурту – «игна тешиги».

«Л» – (X. 11a. 7) اوج اياقلىغ تخت - уч айақлығ тахт – «уч оёқлик тахт», (X. 18б. 6) قرا كوزلوك - қара көзлүк – «қора кўзлик», (X. 18б. 6) سرقوق توتاقلیغ - сарқуқ тутағлық – «осилган дудоғлик», (X. 16a. 4) يلوک - йилук – «илик», (X. 31б. 7) لنگر - ләнгәр – «лангар», (X. 37б. 1) بل - бал – «асал, бол», (X. 35б. 5) يکنا يىپلىک يىگنә - йиплик йигнә – «иплик игна», (X. 36a. 1) تولى - тули – «крясло веретена», (X. 32б. 4) قل - қыл – «тор».

«Ш» товуши ҳарфи ش билан кўрсатилган. (X.114a.5) شاقىش - шақыш қылды – «санади», (X. 23б. 2) ياشتاش - йашташ – «тенгқур», (X. 26б. 7) ارتوقشى نماز - артуқшы намаз – «нафл намоз», (X. 27б. 3) اوشاق سوره - ушақ сура – «кичик сура», (X. 8б. 6) جقماق تاشى - темир шиш – «темир шиш», (X. 8a. 6) تمور شيش

чақмақ таиы – «чақмоқтош», (X. 10a. 3) تگولمش يوز – тэгүлмиш
 йүз, (X. 10б. 2) شيشه – шиша – «шиша», (X. 10б. 3) تشتجي –
 таштчы – «тосчи», (X. 31a. 6) ماشوره - машура - «мокки», (X.
 37a. 7) يمش ايجى – йэмшиш ичи – «лахм, эт, гүшт (меваларда)», (X.
 37б. 1) کشمش – кишмиш.

«Ж» товуши эса ژ шаклида берилган. Масалан: نژداغ – *ниждаг* – «кумқоғоз», (X.120a.6) مژده بيردى انكا – *мужда бәрди аңа* – «унга ёрдам берди», (X. 9б. 4) سوت سىرىنجى – *сут сиринжи* – «сут соғиладиган челақ», (X. 12a. 6) جوالدوز – *жувалдүз* – «жуволдиз».

«Ч» товуши ج ва چ ҳарфлари воситасида ифодаланган. (X. 5а. 3) اوق - تسبيح مونجوقى - *тасбех мунчуқы* – «тасбех мунчоғи», (X. 5б. 4) جقمق اجغونى - *оқ чэкими йэр* – «ўқ санчилган ер», (X. 9а. 6) چاولى - *чақмақ учғуны* – «чақмоқ учқуни», (X. 9б. 1) تاش چاناق - *таш чанақ* – «сопол товоқ», (X. 11а. 2) چىراغ - *чырағ* – «чирок», (X. 15б. 2) اوستماچ - *устмач* – «жаннат», (X. 36а. 2) چبوجى - *чапучы* – «титувчи», (X. 32б. 7) سالىنچاق - *салынчақ* – «арғимчоқ», (X. 33а. 5) يامورچاق - *йамурчақ* – «ўқ».

«K» – (X. 5б. 7) يوك – йүк – «юк», (X. 6а. 4) كزلاڭكو ير – кизләнгү йэр – «яшириниш жойи», (X. 7а. 7) كسماليك – кәсмәлик – «ёпқич», (X. 7а. 7) كفرجى – күфрәчи – «қулфчи», (X. 8б. 5) كفاج – карит тиши – «калит тиши», (X. 7б. 1) كريت تيشى – «ўчоқ оёғи», (X. 7б. 5) تکرمان تلوکى – тәғирман тилүки – «тегирмон тиши», (X. 12а. 6) ترناق کسکو – тырнақ кәскү – «тирнок кесадиган», (X. 12а. 7) کربوک ترتغو – кирпүк тартғу – «киприк тортадиган», (X. 16б. 3) کسروک – кәсрүк – «қовурға», (X. 28б. 2) تيلکو – тилкү – «тулки», (X. 31а. 5) کواڭاز – қоғаз – «қоғоз», (X. 31а. 5) توك جى – түвәк – «түқиш дастғохи», (X. 31б. 3) کوسمان – кемачи – «кемачи», (X. 31б. 6) يلكان – йәлкән – «елкан», (X. 31б. 7) زنگار – зинкар – «яшил бۆёк», (X. 36а. 3) کيريشى – кәриши – «тор, ип», (X. 34б. 7) کيشان – кишән –

«кишан», (X. 34б. 4) كركى – *кирки* – «теша», (X. 34б. 5) اشكو – *үшкү* – «бурғи», (X. 35а. 5) كراى – *кэрай* – «тиғ»,.

Қўлэзма матнида «г» товушини ифодалаш учун «ك» ҳамда «گ» ҳарфлари қўлланилган. يتيگ قليج – *йэтиг қылыч* – «ўткир қилич», (X.108б.4) كمان – *мәнү иңән* – «доим тушган», (X.108б.4) سيزيك (T. I.177б.2) – *гумән тутты* – «гумон қилди», қиёсланг: (T. II.19а.6) انقا ايلتى – *сэзиг анқа элитти* – «унга гумон қилди», (T. II.19а.6) سيزندى – *сизинди* – «гумонсиради». (X.120а.1) تيش لارنى يتيك قيلدى – *тишләрни йэтиг қылды* – «тишларни ўткирлади». (X.120а.2) بك ليك قيلدى بوزون لار – *бөклик қылды бузунлар үзә* – «одамлар устидан ҳоким бўлди», (X. 6а. 2) اوجاق تکر اسنداکی يغاج – *очақ тэгрәсиндәчи йыгач* – «ўчоқ атрофидаги гардиш», (X. 7а. 5) قپوغ اوکجاسی – *қапуғ өгчәси* – «эшик остонаси», (X. 7б. 4) تشاکوچی – *тишәгүчи* – «тешувчи», (X.16а.1) ایاکو – *ийәгү* – «қовурға», (X.17а.1) یوکان – *йүгән* – «юган», (X.19а.7) اکری کوزلوك – *әгри көзлүк* – «әгри күзлик», (X. 21а. 2) كينه – *гина* – «гина», (X. 31б. 5) كجوت كمى سى – *кэчүт кэмиси* – «тортиб ўтказувчи кема», (X. 37б. 4) گوليم – *гулим* – «чармовук, омела (дарахтларга ёпишиб яшайдиган доим яшил бута)», (X. 36б. 6) اوز – *өз йурилмәги* – «рецидив (касалнинг қайталаниши, қўзғаш; жиноятнинг такрорланиши)», (X. 37а. 3) گلو – *гулув* – «тамоқ оғриғи», (X. 35б. 7) ايكنك قشوشى – *игниң қавушы* – «урчук, дукнинг моккиси», (X. 36а. 1) سنکلاکوچی – *сәңләгүчи* – «йигирувчи, титувчи», (X. 35б. 6) ايكجى – *игчи* – «йигирувчи»,.

«Қ» - (X. 62б. 6) انکا ققيدى – *қақыды анга* – «унга аччиқланди», (X. 5а. 1) يوزوك قاشى – *қарын бағы* – «белбоғ», (X. 5а. 5) اسيرقه – *ысырқа* – «исириғ», (X. 8б. 7) اوجاق – *очақ* – «ўчоқ», (X. 10а. 4) هديه طبقى – *ҳадия табақы* – «ҳадия идиши», (X. 10а. 6) بارداق – *бардақ* – «кўза», (X. 9б. 4) قرسق – *сут тулқуқы* – «сут келиши», (X. 31а. 3) قايوق – *қайуқ* – «қайық», (X. 36а. 4) توپلاق – *топалақ* – «юмалоқ, шарсимон, ўрам,

копток (ип)».

«F» – (X. 10a. 5) ساغر – *сағыр* – «май», (X. 7a. 1) قېو غ – *қапуғ* – «эшик», (X. 7a. 2) ياريم قېو غ – *йарым қапуғ* – «ярим мисра», (X. 7б. 7) يار غوجاق – *йарғучақ* – «ёрғучи», (X. 31a. 6) او غر شك – *оғрышак* – «урчук», (X. 31a. 7) ار غا – *арға* – «ўрам», (X. 31б. 2) يب – *кыи* يونغوجى – «ип сотувчи», (X. 31б. 4) شغام – *шағам* – «шам», (X. 36a. 3) اوت ستغوجى – *от сатғучы* – «дори сотувчи», (X. 32б. 2) جىغوق – *чигуқ* – «тўқим».

Туркий тилдаги бурун товуши «ң» ك, نк шаклида ифодаланган.

تولدوردى (X.113a.1) سوكلدى – *сөңилди* – «пишди», (X.121б.2) تکزنى – *толдурды тэңизни* – «денгизни тўлдирди», (X. 31a. 3) سونكساز – *сўңсаз* – «сувсар», (X. 12б. 2) كوزنكو – *көзәнкү* – «кўзгу», (X. 12б. 5) بيل سنكوکى – *бэл сиңўки*, (X. 13б. 4) كنرك – *кэнрәк* – «бурун тешиги», (X. 15б. 3) سوککان برماق – *сөңән бармақ* – «кўрсаткич бармоқ», (X. 16a. 3) اونكورقا – *оңурқа* – «умуртқа», (X. 37a. 2) سنکيل – *сэңил* – «сингил».

Туркий тилдаги й ундоши асар матнида ى , ذ , 3 харфлари билан ифодаланган. (X.122a.3) ارشعر ايدى – *эр шеър айды* – «эркак қўшиқ айтди».

(X.117.a.4) قذغونى كيتاردى – *қазғуны кэтарды* – «қайғуни йўқ қилди», (X.118б.3) اوزاغ ليق قيلدى – *узағлық қылды* – «бедор бўлди», (X. 5a. 4) يوزوك – *йүзүк* – «узуқ», (X. 5a. 5) اياق باغى – *айақ бағы* – «оёқ боғичи», (X. 5a. 7) يول – *йол* – «йўл», (X. 5б. 3) بير يىغاج ير – *бир йығач йэр* – «бир фарсах ер», (X. 5б. 5) يراق سفر – *йырақ сафар* – «узоқ сафар», (X. 5б. 7) يذ ييار كاروانى – *йыз йыбар карвани* – «атирупа карвони», (X. 9a. 1) يلىن – *йалын* – «яшин», (X. 28a. 7) بير يوز – *бир юз* – «саҳифа, бир юз», (X.119б.1) انودى – *узуды* – «ухлади», (X.118б.6) بيون سومازليك قيلدى – *бойунсумазлик қылды* – «бўйинсунмади», (X.121б.5) سورجا ك ايدتى – *сурчак ызытты* – «эртақ айтди», (X. 31б. 2) يفوز بيله – *йавуз тилла* – «ёмон пилла».

خون دستارى (X. 10. 1) اخور – *ахур* – «охир», (X. 6a. 6) «X» –

хун дастәри – «тўкин дастурхон» (X. 36б. 6) خام لوق – хомлуқ – «овқат ҳазм бўлмаслиги», (X. 10б. 3) خونه سى – хонасы – «қассоб тўнкаси», (X. 45б. 6) خطير – хатыр – «хачир», (X. 46а. 1) خدوك – хөдүк – «хўтик», (X. 46а. 3) اونخار – унхар – «кавш қайтариш».

«Ҳ» – (X. 37б. 2) شره جى – ширачи – «зарҳалчи, зарҳал югиртирувчи», (X. 36а. 7) بيهوش اوتى – бэхуш оты – «бехуш қилувчи ўт».

Қўлёзма матнида асосан анъанавий туркий матнлардаги каби ундошларнинг берилиши қондасига амал қилинган. Лекин қўш унли ва ундошларни ифодалашда араб тилидаги каби ташдид белгисини туркий сўзларда қўллаш ҳолати ҳам учрайди. Масалан, (X.113а.3) مضى لطيته – мада латийатаҳу, نيّتى تبايردى – ниййати тапа барды – «ниятига етди». Қиёсланг: (ТI.184а.2) نيت قيلغان بيركا – ниййат қылган йэргә барды – «ният қилган ерга борди», (ТII.26б.1) بردى حاجتقا – барды хажатықа – «ниятига етди».

«Муқаддамату-л-адаб» асарининг туркий матнида 25 ундош товуш учрайди. «б» ундоши фақат ب ҳарфи билан, жарангсиз «п» эса ب ҳамда پ ҳарфлари билан ифодаланган. Матндаги «в» товуши ف ڤ ҳарфлари билан берилган. XIV асргача яратилган туркий манбалардаги 3-д-й ўзгариш ҳолати асар матнида тўлиқ кузатилади: يذ - йыз, يوزوك - йүзүк, قذغو - қазғу, اوذاغ - узағ.

Демак «Муқаддамату-л-адаб»нинг Хоразм нусхасидаги туркий сўзлик қатламини ўрганиш, унинг XII-XIII асрларга мансуб эканлигини кўрсатади. Қўлёзмадаги туркий сўзликнинг график хусусиятлари сифатида ундаги туркий қатламнинг қадимийлигига ишора қилади.

Хоразм нусхасидаги туркий сўзлик бирикмаларида аввал от-эга, кейин эса кесим-феъл қўйилган. Бошқа қўлёзма нусхаларида эса аввал феъл кесим, кейин эга қўйилганлигини кўриш мумкин.

Ушбу қўлёзмада бошқа қўлёмаларда касра учрайдиган ҳарфларга касра, дамма, ташдид белгиларни қўйиш ҳолати учрайди. Бу эса туркий сўзларнинг тўғри ўқилишини таъминлаган.

Туркий сўзликнинг маъно хусусиятлари

Хоразм нусхаси сўз маъноларининг қадимийлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради. Жумладан, арабий *حماه* *хамāха* ибораси «уни сақлади», «уни қўриқлади», «уни ҳимоя қилди» маъноларини англатади. Бу жумла барча Тошкент нусхаларида «сақламоқ» шаклида берилган: (Т. I.180a2) *ساقلادى انى* – *сақлади аны*, (Т. II.21a2, Т. II.25a.1) *ساقلادى انى* – *сақлади аны*. Тадқиқ этилаётган қўлёзмада у анчагина қадимий (X.110.б.1) *بكلادى انى* – *бэкләди аны* шаклида берилган. «Сақламоқ» феъли ҳозирги ўзбек тилида истеъмолда бўлиб, унинг маънодоши «бэкләди» тилнинг пассив қатламига ўтиб қолган. Унинг масдар шакли *هو الحمى* – *ҳува-л-ҳимā* Тошкент нусхаларида *бу сақлар йэр*, Хоразм нусхасида (X.110.б.1) *بو قوروخ* *бу қорух* кўринишида берилган. Асос нусхадаги қурух сўзи ўзбек тилида «қўриқхона» маъносида фаол истеъмолда қўлланилади.

Асардаги *النجم خوى* - *хавā-н-нажму* ибораси қиёсланаётган нусхаларда (Т. I.183a.3) *باتتى يولدوز* – *батты йулдуз*, (Т. II.23a.4) *توشدى يولدوز* – *тушды йулдуз*, (Т. II.26a.5) *توشتى يولدوز* – *тушти йулдуз* шаклида берилган. Хоразм нусхасида эса (X.112б.3) *يولدوز* *йулдуз батты тақы йағмур йағмады* кўринишида келтирилган. Бошқа нусхалардан фарқли равишда Хоразм нусхасидаги маъно изоҳи кенг берилган ва «*ёмғир ёғмади*» мазмуни ҳам қўшилган.

Хоразм нусхасидаги сўзлик асарнинг мавжуд туркий муодиллари сафини янада кенгайтиради. Масалан, асардаги *حربه* – *ҳарабаҳу* бирикмаси «уни таламоқ», «уни маҳрум қилмоқ» маъноларини англатади. Айнан шу бирикма асарнинг қадимий нусхаларида (Т. I.185.б) *تالادى مالنى* – *талади мālны* – «молни талади», (Т. II.24.б4) *محروم قيلدى انى* – *маҳрум қылды аны* – «уни маҳрум қилди», *الدى اندين مالنى* – *алды андын мālны* – «ундан молни олиб қўйди», (Т. II.27a.1) *غارت قيلدى انى* – *ғарат қылды аны* – «уни ғарот қилди, уни талади» шаклида изоҳли ҳолда берилган. Тадқиқ этилаётган нусхада бу ибора (X.114.a3) *اج قيلدى* – *ач қылды* – «талади» тарзида келтирилган. Жумладаги *аны* олмоши тушиб

қолган. Бу ердаги «оч қолмоқ» «тирикликдан маҳрум қилиб, ночор ҳолатга тушиши» мазмунини англатади. Эътиборли жиҳати ушбу феълнинг нусхалардаги форсий мазмуни ҳам ўзига хос ифода услубига эга. Агар нусхада غارت کرد مال اورا (X.233.1) *ғорат кард моли у ро* тарзида берилган бўлса, Хоразм нусхасида (X.114a.3) مال بستد از وی – *мол бастад аз вай* кўринишида келтирилган. Юқоридаги иборалар турлича бўлсада, умумий бир мазмунни ифодалаган. Феълнинг ўзлик мазмунидаги шакли ҳам ўзига хос ифодаланган. Қиёсланг: (Т. I.185б.1) اوزى يوقسىز بولدى – *өзи йоқсиз болды* – «ўзи камбағал бўлди», (Т. III.24б.5) اوزى محروم بولدى – *өзи маҳрум болды* – «ўзи маҳрум бўлди», (Т. III.27a.1) كندو – *кэндү мālсыз болды* – «ўзи бойликсиз бўлди», (X.114a3) كندو اج بولدى – *кэндү ач болды* – «ўзи камбағал бўлди».

Хоразм нусхасида «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий нусхаларида учрамайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Арабий (X.80.б.5) علم طلابدى – *ҳафақати-р-райату* – *ҳафқат раия* – «байроқ ҳилпиради» шаклида берилган. Қиёсланг: (Т. I.237б.3) تپيراندى علم – *тэбрāнди туқ*, (I.III.10б.9) تپيراندى علم – *тэбрāнди ғалам* – «байроқ тебрāнди».

Ўрта аср туркий манбаларида «йумуртқа» сўзи кенг қўлланилган ва фонетик ўзгаришсиз келган. «Муқаддамату-л-адаб»нинг Тошкент нусхаларида ҳам *йумуртқа* сўзи қўлланилган. Лекин Хоразм нусхасида унинг - *йумуртға* шакли учрайдй (X.81 а. 5) يمورتغانى سوكولدى – *йумуртғаны сўңўлди* - «тухумни пиширди». (X.82a.2) نعق الراعى بالغنم – *наъақа-р-раъий би-л-ғанами* – *қоймат қойунқа чақырды* – «подачи қўйларга бақирди». Қиёсланг: (Т. I.240.3) جالدى قويچى قويلارغه – *чалды қойчы қойларға*, (Т. III.11б.4) جاقيردى قويىمت قويلارغا – *чақырды қоймат қойларға*.

Хоразм нусхасидаги туркий сўзлик айнан маҳаллий анъана ва тил қоидалари асосида ёзилганлигини кўрсатади. Жумладан, арабча سوت كا ارزولغ بولدى – *āма ила-л-лабани* матнда (X.106a.4) سۇتكā ارзулуغ болды – «сутга орзуманд бўлди» тарзида келтирилган. Жумладаги тўлдирувчи сўткā кесимдан олдинга

чиқарилган. Қиёсланаётган Тошкент нусхаларининг барчасида ҳарфий таржима шаклидаги кўриниш сақланиб қолган. Қиёсланг: (Т. I.174a.1) *ارزومند بولدى سوتكا* – *арзуманд болды сўткә*, (Т. II.166.6) *ارزولوغ بولدى سوتكا* – *арзулуг болды сўткә*, (Т. III.226.6) *ارزولو بولدى سوتكا* – *арзулу болды сўткә*.

Арабий *ماهت الركية* – *māḥati-r-ракиййату* туркийда *قذوغ* – *қузуғ* *өгўиш сувлуг болды* – «қудуқ кўп сувлик бўлди» тарзида берилган. Бунда эга жумла бошига қўйилган, қиёсланаётган нусхаларда эга орқага ўтказилган: (Т. I. 175a.2) *كوب سولوق بولدى قودوق* – *көп сувлуқ болды қудуқ*, (Т. II.176.5) *اوگوش سفلوغ بولدى قذوغ* – *өгўиш сувлуг болды қузуғ*, (Т. III.23a.6) *كوب سفلو بولدى قوزغ* – *көп сувлу болды қузуғ*.

Арабий *هو القطف* – *қатафа* «кесмоқ» феълининг масдари – *خوا-л-қатфу* «кесилган бир бош узум» маъносини англатади. Ушбу масдар туркий сўзликда (X.79a.7) *بوكسلمش سلقوم* – *бу кесилмиш сулқум*, (Т. I.238б) *بو باش ازوم* – *бу баш узум*.

Хоразм нусхасида бошқа қўлғезмалардан фарқли ўзига хос ўринлар кўплаб учрайди. Масалан, арабий (X.79a.6) *قص الرعد* – *қасафа-р-ра'ду* ёрдамчи қўлғезмаларда (Т. I.238a.3) *كوكرادى كوك* – *көкрәди көк* – «осмон гумбурлади», (Т. II.10a.7) *كوكرادى اتكون* – *көкрәди аткўн* – «чақмоқ чақнади» мазмунидаги иборалар билан изоҳланган. Хоразм нусхасида қадимги туркий қатламга мансуб *اتكون اتى* – *әткўн атты* – «чақмоқ чақди» қўлланилган.

ايكى برماقى *қарасаҳу биисба'иҳи* – *قرصه باصبعة* (X.736.5) – «икки бармоғи билан қидирди» (X.73.6) *قلص الظل و الثوب* – *қаласа-з-зиллу ва-с-савбу* *ازقالدى كوليكا* – *тон йығрылды тақы көликә азқалды* – «кийим киришди ва соя қисқарди» қиёсланаётган нусхаларнинг барчасида *қаласа* феъли «қисқармоқ» маъносида берилган. Жумла мазмунидаги «*туннинг қисқариши, киришиши*» Хоразм нусхасида «*йығрылды*», *соянинг қисқариши* «*азқалди*» феъллари орқали изоҳланган.

Хоразм нусхасида қолган қўлғезмалар каби арабий сўзнинг бир неча муодиллари билан изоҳланиш ҳолатлари учрайди.

Арабий (X.108a.1) جرى – *жарā* феъли нусхаларда (Т. I.176б.2) باردى – *барды* – «борди», (Т. II.18б.4) يوریدی – *йурыды* – «юрди», (Т. III.23б.6) اқты *ақты* – «оқти» тарзида изоҳланган. Хоразм нусхасида يوریدی *йурыды* ёки اқты *ақты* муодиллари билан келтирилган. Қўлёзмадаги туркий сўзликнинг асосий қатлами қиёсланаётган нусхалар матнига ўхшаш. Жумладан, арабий درى – *дарā* туркийда (Т. I.176б.3) بیلدی – *билди*, (Т. II.18.5) بیلدی – *билди*, (Т. III.23б.7) بیلدی – *билди*, (X.108a.3) بیلدی – *билди* – «билди» шаклида бир хил ифодаланган. درى البرّ – *дарā ал-бурра* (X.108a.3) سفوردی بوغداينى – *савурды богдайны* (Т. III.18б.6) سفوردی بوغداينى – *савурди бугдойни*, (Т. III.23б.7-8) سفوردی بوغداينى – *буларды богдайны* – «бугдойни элади».

